

БАБАХАНОВ Д.Ш.

**ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА САНОАТ
КОРХОНАЛАРИНИ РЕСТРУКТУРИЗАЦИЯЛАШ
(Иккиламчи рангли металларни қайта ишлаш корхоналари мисолида)**

“O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”

Давлат илмий нашриёти

Тошкент - 2011

УДК 338.45(575.1):669.2/8
669.054.8
ББК
Б-96

Бабаханов Д.Ш.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида саноат корхоналарини реструктуризациялаш. – Т.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти, 2011. – 152 б.

Республикамиз иқтисодийнинг барча тармоқлари ва соҳаларида модернизация жараёнлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ушбу жараённинг муваффақияти кўп жиҳатдан корхоналарининг ўзгарувчан бозор муҳитига қай даражада мослашишига боғлиқ бўлиб, у саноат корхоналарида реструктуризация жараёнларини доимий тарзда амалга оширишни тақозо этади.

Мазкур монографияда реструктуризация жараёнига бағишланган кўплаб тадқиқотларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида ушбу тушунчанинг моҳияти, ижтимоий ва иқтисодий самараси ёритилиб, саноат корхоналарини реструктуризациялашнинг объектив зарурлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган, иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарини реструктуризациялашга глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсири жаҳон рангли металллар бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришлар таҳлили орқали асослаб берилган. Ишда саноат корхоналарини реструктуризациялаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган ва ундан мамлакатимиз саноат корхоналарида қўллаш мумкин бўлган жиҳатлар аниқланган.

Шунингдек, корхоналарини реструктуризациялашни қўллаб-қувватлашнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш, реструктуризациялашда қулай инвестиция-инновация имкониятларини барпо этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган, иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарини реструктуризациялашнинг башорат кўрсаткичлари аниқланган.

Китоб иқтисодий сиёсат соҳасидаги мутахассислар, ўқитувчилар, илмий изланувчилар, талабалар, шунингдек, иқтисодий масалалар билан қизиқувчи барча кишиларга мўлжалланган.

Муаллиф ушбу монографияни тайёрлаш ва нашр этишга ўз хиссасини қўшган барчага ўз миннатдорчилигини билдиради.

ISBN

© Бабаханов Д.Ш. 2011 й.
© “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” 2011й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ РЕСТРУКТУРИЗАЦИЯЛАШНИНГ ИЛМИЙ- УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	10
1.1. Саноат корхоналарини реструктуризациялашнинг ижтимоий- иқтисодий жиҳатлари.....	10
1.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида саноат корхоналарини реструктуризациялашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	24
1.3. Реструктуризациялаш самарадорлигини баҳолашнинг услубий масалалари.....	36
2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИККИЛАМЧИ РАНГЛИ МЕТАЛЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИ РЕСТРУКТУРИЗАЦИЯЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ.....	55
2.1. Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарининг ривожланиш тенденциялари.....	55
2.2. Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарини реструктуризациялаш таҳлили ва унинг самарадорлигини баҳолаш.....	73
2.3. Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарини реструктуризациялаш бўйича хориж тажрибаси.....	89
3-БОБ. ИККИЛАМЧИ РАНГЛИ МЕТАЛЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИ РЕСТРУКТУРИЗАЦИЯЛАШ СТРАТЕГИЯСИ.....	105
3.1. Саноат корхоналарини реструктуризациялашнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш.....	105
3.2. Реструктуризациялашда қулай инвестиция-инновация имкониятларини яратиш.....	114
3.3. Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарини реструктуризациялашни башоратлаш.....	124
ХУЛОСА.....	137
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	146
ИЛОВАЛАР.....	160

КИРИШ

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда бозор муносабатлари ва очик иқтисодиёт асосларининг шаклланиши билан боғлиқ янги мазмун ва моҳиятга эга ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу эса миллий саноат корхоналарининг фаолият кўрсатиш шаклида туб ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади. Бозор муҳотида муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун улар ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўзда тутиб, ишлаб чиқаришни доимий тарзда модернизациялаш, унга янги техника ва технологияларни жорий этиш, бошқаришнинг илғор усуллари мунтазам қўллаб боришлари лозим.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов қуйидагиларни таъкидлайди: “Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади”¹.

Шу нуқтаи назардан янги хўжалик юритиш шароитида ҳар бир корхона юқори рентабеллик асосида фаолият юритиши учун ички тузилишини бозор муҳотида мослаштириши, хом ашё ва маҳсулотларни сотиш бозорларини таҳлил қилиши, илғор ривожланиш стратегиясини танлаш асосида фан-техника тараққиёти натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишни кўзда тутиб, чуқур реструктуризация жараёнларини амалга ошириши лозим бўлади.

Айниқса, ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш асосида моддий ресурсларни такрор ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат корхоналарининг бозор шароитида барқарор ривожланишини таъминлаш мамлакатимиз иқтисодиёти учун алоҳида аҳамият касб этиб, у корхоналарнинг ички имкониятларини аниқлаш ва таҳлил қилишни, уларнинг бозор шароитидаги ҳаракатини илмий асосда режалаштиришни, истиқболдаги мақсадлар ва унга эришиш усуллари асослашни талаб этади. Ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш миллий иқтисодиётнинг хом ашё базасини кенгайтириш, товар ишлаб чиқарувчиларнинг моддий таъминотини яхшилаш, хом ашё, моддий ва ёқилғи-энергетика ресурслари сарфини пасайтириш учун шарт-шароит яратади.

¹Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48-б.

Ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланишнинг муҳим йўналиши сифатида иккиламчи рангли металлларни қайта ишлашга ихтисослашган саноат корхоналарини реструктуризациялаш зарурияти шу билан изоҳланадики, бу тармоқда асосий фондларнинг эскириши 70 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Айтиш мумкин бу кўрсаткич металлургия саноатида 60 фоизга, умуман саноат ишлаб чиқаришида эса қарийб 50 фоизга тенг. Шу билан бирга тармоқда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ўртача 22 фоизни ташкил этади, холос².

Ўзининг техник даражаси бўйича Ўзбекистон иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналари нафақат ривожланган мамлакатлар ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг янги индустриал давлатларидан, балки МДХнинг баъзи мамлакатларидан ҳам сезиларли даражада ортида қолмоқда. Бугунги кунда кўплаб ривожланган мамлакатларнинг микро- ва нанотехнологиялар, ноанъанавий энергетика ва ахборот тармоқларига асосланган олтинчи технологик укладга фаол ўтишлари кузатилмоқда. Иккиламчи ресурсларни қайта ишловчи миллий саноат корхоналарининг аксарияти эса учинчи ва тўртинчи уклад, яъни ўтган асрнинг 30-60 йилларига тегишли технологиялар асосида фаолият юритмоқдалар. Бу технологиялар паст унумдорлиги, энергия ва материал харажатларнинг юқорилиги, атроф-муҳитга кўплаб зарарли чиқиндилар чиқариши билан тавсифланади.

Бундай қолоқ ишлаб чиқариш уклади шароитида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати пасаяди, ички ва ташқи бозорларда нарх рақобатбардошлигини бой бериш хавфи ортади. Шу муносабат билан хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан рақобатнинг тобора кучайиши, айтиш мумкин, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бизнесни ривожлантириш ресурсларининг чекланиши жаҳон хўжалиги ривожланишидаги янги тенденциялар ва тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иккиламчи рангли металлларни тайёрлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган саноат корхоналарини реструктуризациялаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш, унинг механизмини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар тайёрлаш аҳамиятини янада оширади.

²Статистический ежегодник 2008. Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. 2008. – с.227-233

I-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ РЕСТРУКТУРИЗАЦИЯЛАШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Саноат корхоналарини реструктуризациялашнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг шаклланиши билан саноат корхоналари фаолият кўрсатишининг ташқи шароитлари тубдан ўзгаради. Бозор тизимининг тўлақонли субъекти бўлиш саноат корхоналаридан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошли-гини таъминловчи замонавий техника ва технологиялар сотиб олиш учун мустақил инвестициялар излаб топиш, хизмат кўрсатиш бозорларидаги конъюнктуравий ўзгаришларни таҳлил қилиб бориш, хом ашё ва бутловчи қисмлар етказиб берувчилар билан мустаҳкам ва барқарор алоқалар ўрнатиш каби чора-тадбирларни доимий тарзда амалга оширишни тақозо этади. Бундай вазифаларни бажариш учун эса корхона хўжалик юритишнинг янги шароитларига мослашиши талаб этилади.

Бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналарининг самарали фаолияти, энг аввало, корхона ички тузилишини бозор талабларига мувофиқ ташкил этиш, фан-техника тараққиёти натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш каби масалаларнинг қай даражада муваффақиятли ҳал этилиши билан боғлиқ.

“Реструктуризациялаш” атамаси иқтисодий адабиётга айнан шу жараённи, яъни корхонанинг бозор шароитларига мослашишини таъминловчи чора-тадбирлар мажмуини ўзида акс эттирувчи тушунча сифатида кириб келди.

Реструктуризация кўп қиррали, мураккаб ва зиддиятли жараён. Унинг намоён бўлиш шакллари турлича бўлиб, улар бир-бирларидан амалга оширилиш механизми ва усуллари бўйича фарқ қилади. Ана шу тафовутлар реструктуризациянинг иқтисодий мазмунини ёритиб берувчи ягона таъриф беришни қийинлаштиради. Шундай бўлса-да, реструктуризация жараёни-нинг туб моҳияти бир хилдир. Реструктуризация натижасида корхона бошқарув ва молиявий жиҳатдан бозор муносабатлари талабларига, рақобат муҳитига мослашади ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга

қўяди. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш ва молиявий натижаларнинг яхшиланишида, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишида ўз аксини топади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиёти шароитида ташқи муҳит ўзгарувчан бўлганлиги туфайли реструктуризация жараёни доимий равишда амалга оширилиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, реструктуризация олдиндан қўйилган мақсад эмас, балки корхонанинг бозор муносабатлари шароитида муваффақиятли фаолият кўрсатишини таъминлаш учун объектив равишда амалга ошириладиган жараёндир.

Саноат корхоналарини реструктуризациялашнинг моҳияти, усуллари ва механизми, унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга таъсири, бозор муносабатларига ўтиш шароитида саноат корхоналарини реструктуризациялашнинг зарурияти ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи-олимларнинг илмий тадқиқотларида кенг ўрганилган.

Бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналарини реструктуризациялашнинг асосий йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари, бу жараёни амалга оширишнинг концептуал асослари ва илмий-амалий жиҳатлари хорижий иқтисодчилар - Андерсен Р., Браун Д., Водачек Л., Герхард П., Джанков С., Мюррел П., Старк Д., Фридман Р.³ ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида саноат корхоналарини хусусийлаштириш ва реструктуризациялашнинг объектив зарурлиги, шунингдек, мазкур жараённинг илмий-услубий жиҳатлари МДХ олимлари - Айвазян З., Алпатов А., Александрович Я.М., Астахов А., Бачурин А., Баев И.А., Биван А.А., Богданович В.В., Дерябина М., Евсеев А., Заварзина Н., Логинов В., Кожин С.В., Крук М., Мицкевич

³Герхард П. Андерсен Р. и др. Приватизация и реструктуризация промышленных предприятий в Центральной и Восточной Европе. Вашингтон. Всемирный Банк. 1998.; Водачек Л. Реструктуризация - вызов чешским предприятиям. //Проблемы теории и практики управления. - 1999. №1; Brown, David, and John Early. 2000. "Privatization and Enterprise Restructuring in Russia: New Evidence from Panel Data on Industrial Enterprises". Working Paper, Russian-European Centre For Economic Policy, Moscow.; Djankov, Simeon, and Peter Murrell. 2000. The Determinants of Enterprise Restructuring in Transition: Assessment of the Evidence. Washington, D.C.: World Bank.; Stark, David, and Laszlo Bruszt. 1998. Postsocialist Pathways: Transforming Politics and Property in East Central Europe. Cambridge, MA: Cambridge University Press.

В., Тутунджян А., Шимов В.Н.⁴ ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, саноат корхоналарининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг бошқарув таркибини такомиллаштириш ва реструктуризациялаш муаммолари мамлакатимиз иқтисодчи-олимлари – М.Н. Абдуллаева, Б.Б. Беркинов, М.А. Икрамов, А.М. Қодиров, О.Б. Мансуров, Г.К. Саидова, М.Л. Турсунходжаев, И.С. Тухлиев, Н.Б. Холматов, Р.И. Яушев, О.Х. Хикматов⁵ ва бошқаларнинг ишларида батафсил кўриб

⁴Алпатов А. Реструктуризация предприятий: механизмы и организационные меры. //Экономист. - 2000. - №3. - с.26-35.; Айвазян З. Основные препятствия в проведении реструктуризации предприятий. //Экономика и жизнь. - 1999. - №16. - с.23-31.; Национальная экономика Беларуси: Потенциалы. Хозяйственные комплексы. Направления развития. Механизмы управления. /В.Н. Шимов, Я.М. Александрович, А.В. Богданович и др.; Под общ. Ред. В.Н. Шимова. – Мн.: БГЭУ, 2005.; Астахов А. Проблемы реструктуризации угольной промышленности России. //Вопросы экономики. - 1997. - №6. - с.67-74.; Бачурин А. Реструктуризация и реформирование производства. //Экономист. - 1999. - №9. - с.23-29.; Баев И.А., Кожин С.В. Новый подход к реструктуризации компании. //Финансы. – 2001. - №12. – с.11-16.; Крук М.Д. Разработка корпоративных стратегий компаний. //Всероссийский экономический журнал «ЭКО». – М.: 2001, №6. – с.112; Мицкевич В. Реструктуризация крупного предприятия: опыт, проблемы, оценки. //Экономика и жизнь - 1999. - №33. – с.26-35.; Тутунджян А. Реструктуризация предприятия. //Маркетинг. - 2002. - №2. - с.88-101.

⁵Абдуллаева М.Н. Эффективность стратегического планирования на промышленных предприятиях Республики Узбекистан (на примере АПО “Узметкомбинат”). Автореф. дисс. на соиск. уч степ. кандидата экономических наук. Т., 2006; Беркинов Б.Б. Состояние и задачи дальнейшего развития процессов постприватизационной поддержки и реструктуризации предприятий. //Материалы Республиканского научно-практического семинара (23 августа 2002 г. Ташкент.). - С.27-32.; Икрамов М.А., Икрамов М.М. Оценка активности инновационного поведения предприятия. //Иқтисодиётнинг реал сектори ва ундаги бозор ислохотлари. Республика илмий-амалий конференцияси. ТерДУ., 2002. – Б.18-19; Мансуров О.Б. Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув. – Т.: “Молия”, 2008.; Саидова Г.К. Состояние и задачи дальнейшего развития процессов постприватизационной поддержки и реструктуризации предприятий. //Материалы Республиканского научно-практического семинара (23 августа 2002 г. Ташкент.). – С. 6-8.; Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. /Муаллифлар жамоаси: Р.О. Алимов, А.Ф. Расулев, А.М. Қодиров ва бошқ. //С.С. Ғуломов таҳрири остида. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006; Яушев Р. Реструктуризация – важнейшее условия перехода предприятий на рыночные принципы функционирования. //Рыночные преобразование и развитие предпринимательства: Сборник научных трудов. //Ред.колл.: И.Л. Бутиков, Б.Б. Беркинов, Р.И. Яушев. – Т.: Консаудитинформ, 2002. – С.10.; Хикматов О.Х. Инвестиционная политика в условиях либерализации экономических реформ в Узбекистане. //Либерализация экономики и углубление реформ основа укрепления независимости Узбекистан. Ташкент-2000. – С.33.; Тухлиев И.С. Оценка эффективности инвестиционных проектов. //Экономический вестник Узбекистана. Т., - 2002. - №12; Холматов Н. Миллий ишлаб чиқаришни саноатлаштиришнинг назарий асослари ва қонуниятлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т.: 2003. – Б.22.

чиқилган.

Шу билан бирга иқтисодий эркинлаштириш шароитида иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарини реструктуризациялашнинг хусусиятлари, илмий-услубий ва амалий жиҳатлари етарли даражада тадқиқ этилмаган.

“Реструктуризация” лотинча сўздан олинган бўлиб, “қайта ташкил этиш”, “қайта тузиш”, “таркибни ўзгартириш” каби маъноларни англатади. У бир таркибий тузилмани иккинчисига алмаштириш, янги таркиб шакллан-тириш, таркибни янгилаш сифатида изоҳланади.

“Реструктуризация” атамасига иқтисодчи олимлар томонидан кўплаб таърифлар берилган. Ўтиш иқтисодий мамлакатларини тадқиқ этган П.Герхард ва Р.Андерсенлар фикрига кўра, “реструктуризация - бу саноат корхонасининг мулкӣ, ишлаб чиқариш, хўжалик, товар ва молиявий таркибини ўзгартириш, янгилаш, қайта шакллантиришдир”⁶. Улар фикрича, реструктуризациялаш, энг аввало, хусусийлаштириш жараёнини амалга оширишни тақозо этади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида хусусийлаштириш жараёнининг саноат корхоналарини реструктуризация-лашдаги аҳамиятини инкор этмаган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, мазкур жараён доимий равишда, корхона хусусийлаштирилгандан кейин ҳам амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, реструктуризация бозор иқтисодий шароитида корхонанинг муваффақиятли фаолият кўрсатиш усули ҳисобланади. Шу сабабли реструктуризация жараёни нафақат молиявий ва иқтисодий жиҳатдан ночор саноат корхоналарида, балки кескин рақобат шароитида муваффақиятли фаолият кўрсатаётган корхоналарда ҳам амалга оширилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, белорус иқтисодчи-олимлари томонидан чоп этилган жамоа монографиясида келтирилган таъриф бирмунча тўлиқ ва кенг қамровлидир: “Реструктуризация – бу корхонани таркибий жиҳатдан қайта ташкил этиш, унинг бошқарув ва молиявий жиҳатдан бозор шароитида муваффақиятли ишлашга мослашишидир”⁷. Бу мақсадга эришиш учун муаллифлар фикрича,

⁶Қаранг: Герхард П., Андерсен Р. и др. Приватизация и реструктуризация промышленных предприятий в Центральной и Восточной Европе. Вашингтон. Всемирный Банк. 1998. – с.18.

⁷Национальная экономика Беларуси: Потенциалы. Хозяйственные комплексы. Направления развития. Механизмы управления. /В.Н. Шимов, Я.М. Александрович, В.В. Богданович и др.; Под общ. ред. В.Н. Шимова. – Мн.: БГЭУ, 2005. – с.562.

“корхоналарда бошқарувни яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун улар фаолиятини рағбатлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш, корхоналар молиявий ва иқтисодий натижаларини яхшилаш талаб этилади”⁸.

Кўриниб турибдики, гарчи реструктуризацияга берилган таъриф бирмунча тўлиқ бўлса-да, унга эришиш йўллари аниқ кўрсатилмаган. Аниқроғи реструктуризациядан кутилаётган натижа унга эришиш усули сифатида келтирилган. Ваҳоланки, бу ерда асосий масала қандай қилиб “корхоналарда бошқарувни яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун улар фаолиятини рағбатлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш, корхоналар молиявий ва иқтисодий натижаларини яхшилаш” мумкинлигини кўрсатишдан иборат.

Реструктуризациялаш жараёнида солиқ тизимининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган З.Айвазян “солиқ тизимини такомиллаштириш ҳамда корхонанинг иқтисодий ночорликка юз тутмаслиги учун иш механизмининг қайта режалаштириш”⁹ реструктуризациялашнинг моҳиятини ташкил этишини таъкидлайди. Корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатишида солиқ тизимининг муҳим ўрин тутишини эътироф этган ҳолда шуни қайд этиш лозимки, реструктуризация, энг аввало, корхона томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидир. Солиқ тизими корхона учун ташқи омил ҳисобланади. Солиқ тизимини такомиллаштириш эса корхона ваколатига кирмайди.

Россиялик иқтисодчи Тутунджян А. "Реструктуризациянинг мураккаб ва комплекс жараён" эканлигини, "Бу атама иқтисодиётнинг турли даражалари: жаҳон иқтисодиёти, миллий иқтисодиёт, алоҳида тармоқлар ва секторлар, корхоналар даражасида таркибий қайта қуришни англатиш"¹⁰ини уқтиради. Бизнинг фикримизча, реструктуризацияга бундай глобал ёндашув унинг иқтисодий мазмунини ёритишда чалкашликларни келтириб чиқаради. Жаҳон иқтисодиёти ва миллий иқтисодиёт даражасида "таркибий

⁸Ўша манба, 562-бет.

⁹Айвазян З. Основные препятствия в проведении реструктуризации предприятий. //Экономика и жизнь. - М.: 1999, №33. – с.23.

¹⁰ Тутунджян А. Реструктуризация предприятия. //Маркетинг. - 2002. - №2. - с.88-101.

силжишлар", "таркибий ўзгаришлар" каби атамаларни қўллаш мақсадга мувофиқ. "Реструктуризация" кўпроқ микроиқтисодий тушунча бўлиб, корхонанинг бозор муҳитига мослашишга қаратилган режали ҳаракатидир. Реструктуризация гарчи объектив жараён бўлса-да, муайян субъект (кўп ҳолларда корхона эгаси) томонидан бевосита амалга оширилади. Жаҳон ва миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар эса объектив равишда кечади ва унда субъектнинг таъсири билвосита характерга эга. Муаллиф ўз фикрини давом эттирар экан "Корхоналарни реструктуризациялаш рентабелликни ошириш усули сифатида уларни энг янги технологиялар билан қайта қурулантириш, ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этишнинг илғор усуллари кўллаш, ортиқча ишчи кучларини озод этишни кўзда тутати"¹¹, - деб таъкидлайди.

Реструктуризацияга рентабелликни ошириш усулларида бири сифатида қараш унинг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Албатта, корхонанинг бозор муҳитида муваффақиятли фаолият кўрсатишида рентабелликнинг ошиши муҳим ўрин тутати. Аммо фақат рентабелликнинг юқори бўлиши корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигининг юқорилиги ва унинг рақобат шароитида муваффақият билан фаолият юритаётганлигидан далолат бермайди. Зеро, асосий фондлар қийматини пасайтириш ёки ишчилар иш ҳақини минималлаштириш эвазига ҳам рентабелликнинг юқори бўлишига эришиш мумкин.

В.Мицкевич фикрича, реструктуризация, “биринчидан, нақд пулнинг тармоқ фаолиятидаги ролини ошириш, иккинчидан, молиявий ҳолати ёмон бўлган корхоналарнинг ишлаб чиқариш таркибини қайта ташкил этишни режалаштириш”¹²дан иборатдир. Таърифдан кўриниб турибдики, муаллиф реструктуризация жараёнига тор маънода ёндошган. Реструктуризация комплекс жараён ҳисобланади. Нақд пулнинг корхона фаолиятидаги ролини ошириш ва корхона ишлаб чиқариш таркибини қайта ташкил этиш реструктуризациялашнинг фақат айрим жиҳатларини ўзида акс эттиради, холос.

Реструктуризациялашни ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши натижасида рақобат курашининг кескинлашуви, бозор

¹¹Ўша манба, 92-б.

¹²Мицкевич В. Реструктуризация крупного предприятия: опыт, проблемы, оценки. //Экономика и жизнь. – М.:1999, №33. – с.26.

муҳитининг ўзгарувчанлиги тақозо этади. Шу нуқтаи назардан Р.Яушев томонидан келтирилган таъриф реструктуризациянинг иқтисодий моҳиятини анча тўлиқ ёритиб беради: “Реструктуризация – бу корхонанинг ривожланиш стратегиясини танлаш ва бошланғич ҳолатдан корхона танлаган стратегияга ўтиш йўлидаги чоратadbирлар мажмуидан иборат”¹³. Реструктуризация натижасида, муаллиф нуқтаи назарига кўра, ишлаб чиқариш, хўжалик жараёнлари ва маҳсулотга хизмат кўрсатишни бошқариш таркиби ва технологиясида чуқур ўзгаришлар юз беради. Пировард натижада эса корхонанинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланади.

Бизнинг фикримизча, айнан ривожланиш стратегиясини танлаш реструктуризациянинг туб моҳиятини белгилаб беради. Шу ўринда “стратегия” атамасининг моҳияти тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Стратегик режалаштириш соҳасида тадқиқотлар олиб борган А.Чандлер фикрига кўра, стратегия “узoқ муддатли мақсад ва вазифаларни аниқлаш ва ушбу мақсадларга эришиш учун зарур бўлган ҳаракат ва ресурсларни тақсимлаш режасини тасдиқлашдир”¹⁴. Шунга яқин таъриф россиялик иқтисодчи М.Крук томонидан ҳам келтирилган: “Стратегия, - деб ёзади М.Крук, - бу компаниянинг ҳаётийлигини таъминловчи унсур бўлиб, қарорлар қабул қилиш қоидаларини ўз ичига олади”¹⁵. Демак, реструктуризация – бу, энг аввало, бозор иқтисодиёти шароитида самарали фаолият кўрсатишни кўзда тутган ҳолда корхонанинг муайян стратегияни танлаши ва ушбу стратегияни амалга ошириш алгоритми ҳисобланади.

Реструктуризация жараёнида корхонанинг бошқарув ресурслари, шу жумладан, меҳнат ресурслари, техник салоҳият, ишлаб чиқариш қуввати, хизмат кўрсатиш қобилиятидан қандай фойдаланиш лозимлиги тўғрисида қарорлар қабул қилинади. Бундай қарорлар қабул қилишда корхона фаолият кўрсатаётган шароитлар – бозор ҳолати, ҳуқуқий тизим, мижозлар иш фаоллиги, дид ва

¹³Яушев Р. Реструктуризация – важнейшее условия перехода предприятий на рыночные принципы функционирования. //Рыночные преобразование и развитие предпринимательства: Сборник научных трудов. //Ред.колл.: И.Л. Бутиков, Б.Б. Беркинов, Р.И. Яушев. – Т.: Консаудитинформ, 2002. – с.10.

¹⁴Chandler A.D. Strategy and Structure: A Chapter in the History of Industrial Enterprises. Cambridge,Mass, MIT Press, 1962. – p.52.

¹⁵Крук М.Д. Разработка корпоративных стратегий компаний. //Всероссийский экономический журнал «ЭКО». – М.: 2001, №6. – с.112.

манфаатларининг ўзгариши, миллий ва халқаро даражада рақобатчи корхоналар фаолияти ҳисобга олинади.

Юқоридаги назарий ёндашувлар ва реструктуризацияга берилган таърифларни умумлаштириш асосида реструктуризацияга қуйидагича таъриф бериш мумкин: Реструктуризация - корхона ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, кескин рақобат муҳитида муваффақиятли фаолият кўрсатишни таъминлаш мақсадида муайян ривожланиш стратегиясини танлаш ва ушбу стратегияни амалга ошириш учун ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат бўлиб, корхонанинг ички таркибини қайта ташкил этиш асосида бозор шароитларига мослашиш жараёнини ўзида акс эттиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, реструктуризациялаш нафақат янги ташкилий тузилмаларни барпо этиш, балки у янги бошқарув маданияти, раҳбарлар ва мутахассисларнинг янги фикрлаши, бошқача қилиб айтганда, янги ёндошувлар ва ғояларни амалга оширишни таъминловчи жараён ҳам ҳисобланади.

Реструктуризациялаш корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, корхона ва у томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, корхонанинг инвести-цион жозибадорлигини яхшилашга қаратилади. Кўп ҳолларда реструктуризация корхонанинг ташкилий тузилмаси ва бошқариш функцияларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, молиявий-иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш харажатларини пасайтириш, моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, замонавий ахборот тизимини барпо этишдан иборат чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Юқорида таъкидланганидек, реструктуризация корхонанинг хўжалик юритиш усуллари ташқи муҳит ўзгаришларига мослаштиради. Уни амалга ошириш имкониятлари корхона томонидан ишлаб чиқилган рақобат стратегиясини амалиётга жорий этиш натижаларига таъсир кўрсатади. Айни вақтда ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга бўлган талаб реструктуризациянинг моҳияти, уни амалга ошириш босқичлари ва муддатларини белгилаб беради. Рақобатбардошликка эришиш мақсадлари ва усулларидаги бундай муштараклик корхона таркибини бирламчи қайта тузиш ва кейинчалик уни оператив равишда қўллаб-

қувватлаб туришнинг самарали механизмини барпо этиш имкониятини беради.

Албатта, корхонани реструктуризациялаш муайян даражада таваккал-чиликни тақозо этади. Шу билан бирга реструктуризациялаш жараёнининг муваффақиятсизликка юз тутиши кўп жиҳатдан уни амалга ошириш технологиясида йўл қўйилган камчиликларга боғлиқ. Корхонани реструкту-ризациялаш муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борган россиялик иқтисодчи Л.И.Чурина таъкидлаганидек, “Реструктуризацияни рулетка эмас, балки шахмат ўйинига таққослаш мумкин. Реструктуризация қатнашчилари худди шахмат ўйновчилари сингари ўз билим ва кўникмалари даражасида якуний натижага таъсир кўрсатишлари мумкин”¹⁶.

Ҳар бир саноат корхонасида реструктуризацияни амалга ошириш учун аниқ шароитдан келиб чиқиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланади ва амалга оширилади. Масалан, меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида корхонада банд бўлган ишчилар сонини қисқартириш, иш ҳақини барқарорлаштириш, корхонанинг активлари таркибини такомиллаштириш (корхона тасарруфидаги ижтимоий объектларни, кераксиз техника, материаллар, хом ашё ва бошқаларни сотиш орқали), янги, тўловга қобиллик даражаси юқори бозорларни очиш (бозор экспансияси) ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва мавжудларининг сифатини яхшилаш шулар жумласидандир.

Амалга ошириш усулига қараб реструктуризациялашнинг қуйидаги ўзаро боғлиқ йўналишларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

1. Корхонанинг ҳажмини ўзгартириш, яъни кенгайтириш ёки қисқартириш йўли билан реструктуризациялаш жараёнини амалга ошириш. Бундай реструктуризациялашда корхона турдош корхона билан қўшилиб кетиши ёки турдош корхонани қўшиб олиши мумкин. Шунингдек, корхонани бўлиш ёки корхонадан ажралиб чиқиш орқали ҳам корхона ҳажмини ўзгартириш мумкин.

2. Мулк ва корпоратив бошқарувга таъсир кўрсатиш йўли билан реструктуризациялаш. Бундай реструктуризациялаш натижасида корхона мулкый жиҳатдан қайта ташкил этилади.

3. Низом жамғармасини реструктуризациялаш. Корхона янги акцияларни эмиссия қилиш, акцияларни сотиш ёки сотиб олиш, акция

¹⁶ Чурина Л.И. Реструктуризация предприятия. Новосибирск, 2002. – с.24.

ёки ўз улушини конвертация қилиш орқали Низом жамғармасини реструктуриза-циялаши мумкин.

4. Кредиторлик қарзларни реструктуризациялаш. Корхона кредиторлик қарзларни тўлаш, ундан кечиб юбориш, кредит муддатини узйтириш ёки сотиб юбориш орқали кредиторлик қарзларини реструктуризациялашни амалга оширади.

5. Корхона фаолиятининг ички тузилишини реструктуризациялаш. Корхона юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда бошқарув хизматлари масъулиятларини қайта тақсимлаш, функциялари ва вазифаларини ўзгартириш йўли билан ўз фаолиятининг ички тузилишини ўзгартириши мумкин.

6. Ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш йўли билан реструктури-зациялашни амалга ошириш. Бундай реструктуризациялашда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, масъулият марказларини барпо этиш ёки бошқа ички захираларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш орқали корхонанинг ишлаб чиқариш таркиби ўзгартиририлади.

Реструктуризациялаш жараёни уни амалга оширишга ташқи манбаларни жалб этиш ёки этмаслигига қараб актив ва пассив бўлиши мумкин. Саноат корхоналарини пассив реструктуризациялаш мавжуд ускуналардан оқилона фойдаланиш, бошқариш шакллари ва усуллариини такомиллаштириш, маркетинг фаолиятини ривожлантириш ҳисобига кўшимча молиявий маблағларни жалб этмасдан амалга оширилади. Одатда бундай реструктуризациялаш қисқа муддатларда, хусусийлаштиришгача бўлган даврда амалга оширилади.

Саноат корхоналарини актив реструктуризациялаш эса стратегик инвестор маблағлари ҳисобига хусусийлаштиришдан кейинги даврда амалга оширилади ва узоқ муддатга мўлжалланади.

Реструктуризация жараёнига стратегик инвесторларни жалб этишнинг сабаблари турличадир. Улар саноат корхонасини реструктуризациялашда ўз пул маблағлари, технологияси, бошқарув тажрибаси билан қатнашиши мумкин. Бу саноат корхонасининг қайси ресурсга эҳтиёжи кўплиги билан белгиланади.

Саноат корхоналарини реструктуризация қилиш унда қатнашувчи шериклар сонига, мулк шаклига ва корхонанинг ҳажмига кўра ҳам фарқланади. Масалан, ривожланган мамлакатларда саноат корхонасини реструктуризациялаш одатда, хусусий корхона ва

хусусий молиявий муассаса (банк, кредит уюшмаси, молия-саноат гуруҳи ва ҳ.к.) иштирокида амалга оширилади. Ўтиш даври мамлакатларида молиявий муассаса ўрнида кўпинча давлат фаолият кўрсатади. Йирик корхоналар уч ва ундан ортиқ стратегик шерикларнинг ҳамкорлигида реструктуризация қилинади. Кичик ва ўрта корхоналарни реструктуризациялаш учун бир ёки икки ҳамкорнинг савб-ҳаракати етарли ҳисобланади.

Саноат корхоналарини реструктуризациялашни амалга оширишдан кўзланган пировард мақсад - бу корхонанинг узок муддатли истиқболда барқарор ривожланишни таъминлашдан иборат. Мазкур мақсадга эришиш учун корхона реструктуризация натижасида товар айланмасини, фойда меъёрини ва рақобатбардошлигини ошириши зарур бўлади.

Таъкидлаш лозимки, саноат корхонасини реструктуризациялаш амалга ошириш муддатида кўра қисқа (жорий режа) ва узок муддатли (стратегик режа) тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади.

Корхонанинг стратегик режасига мувофиқ реструктуризация бўйича қуйидаги вазифалар бажарилади:

- корпоратив режалаштириш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш; корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олувчи стратегик бошқарув тизимига ўтиш. Бу тизим корхонанинг хом ашёни тайёрлаш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш, техник ва инвестиция сиёсати, маркетинг ва товарни сотиш сиёсати, молиявий ресурслар ва ходимларни бошқариш ҳамда ижтимоий сиёсатларни тўлиқ қамраб олиш керак;

- маҳсулот ишлаб чиқаришни модернизациялашга (замонавийлаш-тиришга) қаратилган инвестицион дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оши-риш, самарали таъминот тизимини барпо этиш. Шунингдек, узок муддатли молиялаштириш ва капитал тузилишининг оптимал схемасини аниқлаб олиш;

- ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашёни таъминот соҳасини кенгайтириш ҳисобидан ошириш; хом ашё етказиб берувчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш; тайёрлов ва хом ашё ҳамда материал етказиб берувчилар билан тижорий алоқаларда илғор усулларни қўллаш;

- корхонанинг маҳсулот таркибини диверсификациялаш; бунда асосий маҳсулот турлари билан ёнма-ён халқ истеъмоли товарларини бир неча турда ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга асосий эътибор

қаратилиши лозим. Масалан, нодир металл ёки прокат ишлаб чиқарувчи корхонада зеб-зийнатлар, ярим ўтказгичлар, техника ва асбоб-ускуналар ҳамда турли механизмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши мумкин;

- корхонанинг экспорт лойиҳа ва дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ташқи бозорда янги бозор сегментларини ўзлаштириш; экспорт ҳажмини ошириш, экспортнинг товар таркибини такомиллаштириш; унда юқори сифатли, илмталаб товарлар экспортининг улушини ошириш;

- корхона маҳсулоти сифатини доимий равишда яхшилаб боришнинг самарали тизимини яратиш, ISO 9001 стандартига мос келувчи сифатни бошқариш тизимини сертификациялаш;

- корхона молиясини бошқаришни такомиллаштириш; бунда молиявий режалаштириш ва назорат концепциясини ишлаб чиқиш муҳим роль ўйнайди;

- замонавий талабларга жавоб берувчи ҳисоб сиёсатини юритиш, нархни шакллантиришнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлаш; активлар ва бўш пул маблағларни бошқаришнинг самарали сиёсатини шакллантириш.

Қисқа муддатли тадбирлар асосан, корхонанинг ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш, бошқарув ташкилий тузилиши ва тизимини ислоҳ қилиш (хусусан, корпоратив молияни бошқариш тизимини), ISO 9001 га мувофиқ келувчи жараёнларни тадбиқ этиш, корхона маркетинг фаолият концепциясини ишлаб чиқиш (хусусан, корхона маҳсулот таркибини оптималлаштириш бўйича асосий ёндошувларни аниқлаш), нарх шаклланишининг самарали механизминини барпо қилиш кабиларни ўз ичига олади.

1.1-чизма. Саноат корхоналарини реструктуризациялаш, унинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари

Реструктуризациялашнинг мақсади: корхонанинг узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожланишни таъминлаш		
Вазифалари: 1. Корпоратив режалаштириш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш 2. Маҳсулот ишлаб чиқаришни модернизациялаш 3. Самарали таъминот тизимини барпо этиш 4. Маҳсулот таркибини диверсификациялаш 5. Экспорт ҳажмини ошириш 6. Корхона молиясини бошқаришни такомиллаштириш 7. Активлар ва бўш пул маблағларни бошқаришнинг самарали сиёсатини шакллантириш. 8. Ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошликни таъминлаш	Йўналишлари: 1. Корхонанинг ҳажмини ўзгартириш йўли билан реструктуризациялаш жараёнини амалга ошириш 2. Мулк ва корпоратив бошқарувга таъсир кўрсатиш йўли билан реструктуризациялаш 3. Низом жамғармасини реструктуризациялаш 4. Кредиторлик қарзларни реструктуризациялаш 5. Корхона фаолиятининг ички тузилишини реструктуризациялаш 6. Ишлаб чиқариш таркибини реструктуризациялаш	Моделлари: 1. “Мажбурий реструктуризациялаш” модели 2. “Кластер” модели 3. “Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш” модели 4. “Таянч компетенциялар” модели 5. “Аутсорсинг” модели
Саноат корхоналарини реструктуризациялашнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари		
Иқтисодий жиҳатлари		Ижтимоий жиҳатлари
1. Корхонанинг бошқарув тизими такомиллашади 2. Ишлаб чиқариш таркиби диверсификациялашади 3. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпаяди 4. Ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик жиҳозланиши яхшиланади 5. Маҳсулот таннархи пасаяди 6. Экспорт ҳажми ошади 7. Активлар ва пул маблағларини бошқариш тизими такомиллашади 8. Замонавий бошқарув турлари жорий этилади 9. Маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлиги ошади 10. Корхонанинг рентабеллик даражаси ўсади ва фойда миқдори кўпаяди		1. Корхонада ишловчиларнинг ойлик иш ҳақларини ошириш имконияти юзага келади 2. Корхонада ишловчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси ошади 3. Ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш имкониятлари кўпаяди 4. Корхонада ижобий ижтимоий муҳит шаклланади 5. Ишлаб чиқариш натижалари ва ишловчилар даромадлари ўртасида бевосита алоқадорлик таъминланади 6. Корхона ходимларининг эртанги кунга ишончлари ортади

Манба: Муаллиф томонидан тузилган

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, реструктуризациялаш жараёнида қўлланиладиган давлат таъсир воситалари замонавий ва энг янги технологияларни ўзлаштиришга қаратилган ташаббусларни

қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши мақсадга мувофиқ. Давлат саноат корхона-ларини реструктуризациялаш учун қулай макроиқтисодий шарт-шароитларни барпо этиши, тегишли институционал ўзгаришларни амалга ошириши, мақсадга мувофиқ дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш асосида самарасиз корхоналарни тугатиш ва реструктуризация қилиш билан боғлиқ жараёнларнинг ижтимоий оқибатларини юмшатишга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Шундай қилиб, юқоридаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш натижасида шундай хулоса чиқариш мумкинки, саноат корхоналарини реструктуризациялаш натижасида икки хил самарадорликка эришилади: иқтисодий ва ижтимоий (1.1-чизма).

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, саноат корхоналарини реструктуризациялаш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара беради. Реструктуризациялашнинг иқтисодий самараси корхона ташкилий тузилмаси ва бошқарув функцияларининг такомиллашишида, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашишида, молиявий-иқтисодий сиёсатнинг яхшиланишида, ишлаб чиқариш харажатларининг пасайишида, моддий ва инсон ресурсларидан самарали фойдаланишда, замонавий ахборот тизимларининг шаклланишида ўз аксини топади. Реструктуризациянинг ижтимоий самараси аҳоли, ижтимоий гуруҳлар, корхона ишчиларининг бир қисми учун мақбул бўлса, бошқалари учун мақбул бўлмаслиги мумкин. Масалан, меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида корхона ходимлари сонининг қисқаришини таъминлар экан, реструктуризациялаш дастури бир гуруҳ ишчилар даромадларининг ошишига, корхонани модернизациялаш туфайли ишдан бўшатишган иккинчи гуруҳ ишчилар даромадларининг пасайишига ёки даромадлардан жудо бўлишига олиб келиши мумкин. Аммо умуман миллий иқтисодиёт самарадорлиги нуқтаи назаридан ушбу жараённинг ижтимоий самараси ижобий ҳисобланади: биринчидан, реструктуризация амалга оширилаётган корхона ишчиларининг даромадлари ошади, иккинчидан, ишдан бўшаган ишчиларда жамият нуқтаи назаридан зарурроқ ва замонавийроқ касбларга қайта ихтисослашиш имконияти пайдо бўлади, учинчидан, корхона ичида ижобий ижтимоий муҳит шаклланади.

1.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида саноат корхоналарини реструктуризациялашнинг ўзига хос хусусиятлари

Жаҳон хўжалик тизимида глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиши ва бунинг натижасида рақобат курашининг кескинлашиб бориши шароитида саноат корхоналарини реструктуризациялаш нафақат уларнинг рақобатбар-дошлигини ошириш, балки ҳаётийлигини таъминловчи объектив заруриятга айланмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги ўн йилликда жаҳоннинг бирор бир етакчи корпорацияси таваккалчиликка асосланган туб реструктуризация жараёнларини четлаб ўтган эмас. Реструктуризация жараёнларини сушт олиб борган ёки корхонада жиддий ўзгаришларни амалга оширмаган жаҳоннинг энг етакчи 500 корпорациясининг ҳар тўрттасидан бири ўз фаолиятини тўхтатганлиги ҳам реструктуризациялаш жараёнининг муҳим аҳамиятини кўрсатиб беради.

Бизнинг фикримизча, саноат корхоналарини реструктуризациялашнинг объектив зарурият эканлиги қуйидаги шарт-шароитлар билан изоҳланади:

- бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналари ўз фаолиятларини доимо тўғридан-тўғри бозор конъюнктураси ўзгаришларига мўлжаллаб ташкил қиладилар. Бозор конъюнктураси эса, хоҳ у халқаро миқёсда бўлсин, хоҳ миллий давлат доирасида, узлуксиз ўзгариб туради. Бу корхонанинг ишлаб чиқариш ва товар таркибини қисқа давр ичида реструктуризация қилишни тақозо этади;

- ҳозирги глобаллашув шароитида инвестицион товарлар тез маънавий эскириш хусусиятига эга бўлиб, илғор технологиялар алмашинувининг оператив тус олиб бориши бу жараённи янада жадаллаштиради, маънавий эскириш моддий эскириш суръатларини “қувиб ўтади”. Мазкур ҳодиса бугунги кунда тенденция характериға эга бўлмоқда. Демак, саноат корхонасини реструктуризациялашга бўлган эҳтиёж ҳам доимий моҳият касб этади;

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида талабнинг табақалашуви (дифференциацияси) ва истеъмолнинг индивидуаллашув даражаси кучайди. Бундай шароитда истеъмолчиларнинг дид ва талабларига мувофиқ товар ва хизматлар таклиф этиш, бир томондан, чуқур маркетинг тадбирларини амалга

оширишни, иккинчи томондан, корхонанинг техник ва технологик ускуналарини янгилаб туришни, бошқарувнинг илғор усулларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишни тақозо этади;

- иқтисодиёт ривожланишининг янги босқичида истеъмолчилар миқдорий кўрсаткичларга нисбатан маҳсулот, хизмат, янгилик билан тавсифланувчи сифат кўрсаткичларини афзал била бошладилар. Бундай шароитда бозор муҳитига тез мослаша оладиган саноат корхоналари истеъмолчилар эҳтиёжларига мос товарларни кўплаб ишлаб чиқаришлари ва шунга мувофиқ равишда ўз фаолиятларини самарали ташкил этишлари мумкин.

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш жараёнлари амалга оширилаётган мамлакатларда, хусусан, Ўзбекистонда саноат корхоналарини реструктуризациялаш янада долзарб аҳамиятга эга. Бу эса қуйидаги шарт-шароитлар билан изоҳланади:

1. Миллий иқтисодиёт трансформациясини бошдан кечираётган мамлакатларда бозор муносабатларини ривожлантириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш муаммолари мавжуд бўлиб, бу муаммоларни ҳал қилиш корхоналарни, энг аввало, саноат корхоналарини реструктуризациялаш жараёнига чамбарчас боғлиқ.

2. Мазкур мамлакатларнинг аксариятида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари давом этмоқда. Корхоналарда мулкӣ муносабатлар етарли даражада такомиллашмаган. Бу ўз навбатида корхоналарни бошқариш тизимида, стратегик режалар тизимида, инвестиция фаолиятини жадаллаштиришда муаммоларни келтириб чиқармоқда, ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишга акс таъсир кўрсатмоқда.

3. Бу гуруҳ мамлакатларида саноат корхоналарининг техник-технологик жиҳозланиш даражаси паст, асосий воситаларнинг жисмоний ва маънавий эскириши юқори даражада бўлиб, бу сифатли, фойда меъёри юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини бермайди.

4. Бозор иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлар жаҳон хўжалигига етарли даражада интеграциялашмаган бўлиб, экспортбоп, ташқи бозорда рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашмаган, мазкур мамлакатлар экспортининг товар таркиби ва географияси такомиллашмаган.

5. Аксарият бозор муносабатлари ривожланаётган мамлакатларда саноат ишлаб чиқаришнинг хом-ашё қазиб олиш (нефт-газ, кўмир ва ҳ.з.) ва бирламчи қайта ишлаш (пахта толаси, металл-прокат) соҳалари ривожланган. Тайёр истеъмол маҳсулотлари ва инвестицион товарлар ишлаб чиқариш даражаси паст ҳисобланади.

Демак, бозор трансформациясини амалга ошираётган мамлакатларда саноат корхоналарини реструктуризациялаш жараёнларини амалга ошириш глобаллашув шароитида яшовчанликни сақлаб қолишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. АҚШ ипотекали кредитлаш тизимидан бошланиб, кейинчалик бутун жаҳонни қамраб олган молиявий инқироз эса саноат корхоналарини реструктуризациялашни бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айлантирди. Гап шундаки, саноат корхоналарини реструктуризациялашда унинг ички ва ташқи омиллари алоҳида ўринга эга. Агар корхонани реструктуризациялашнинг ички омилларига корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолати, бошқарув тузилмаси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари ва таркиби, инфратузилмаси ва бошқалар кирса, ташқи омиллар корхона фаолиятининг ички ва ташқи бозор муҳитидан иборат бўлади.

Ички бозор муҳити корхона фаолият юритаётган мамлакатдаги сиёсий-ижтимоий ҳолат, умумиқтисодий вазият, ҳуқуқий асос, тайёрлов ва маҳсулот сотиш шарт-шароитлари, корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бўлган ички талаб ва бошқаларни ўзида акс эттиради.

Ташқи бозор муҳити эса жаҳон бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришлар, корхона томонидан сотиб олинadиган хом ашё ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган жаҳон нархларининг ўзгариши, маҳсулотнинг рақобатбардошлик даражаси каби кўрсаткичлар билан тавсифланади.

Агар ташқи бозорда саноат корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар нархлари ўсиш тенденциясига эга бўлса, бу ҳолат саноат корхонасини реструктуризациялаш учун қулай шарт-шароитни юзага келтиради, чунки саноат корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори нархларда сотилиши уларнинг молиявий-иқтисодий шароитларини яхшилашга ижобий

таъсир кўрсатади. Бу эса корхонани реструктуризациялаш учун қўшимча маблағлар ажратиш имкониятини беради.

Бугунги кунда металлургия, шу жумладан, рангли металлургия саноатидаги молиявий-иқтисодий инқироз бир қатор ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланади. Бу инқирознинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, у глобал характерга эга бўлиб, жаҳоннинг барча мамлакатларини, шу жумладан, жаҳон рангли металлургия саноатида салмоқли ўринга эга бўлган Хитойни ҳам қамраб олди. Бугунги кунда жаҳон рангли металлургия маҳсулотларининг 40 фоизга яқинини ишлаб чиқараётган Хитойда юз бераётган ҳар қандай ўзгаришлар, албатта, жаҳон рангли металлургия саноати ва металл маҳсулотлари бозорига у ёки бу йўналишда таъсир кўрсатади. Ҳозирга вақтда Хитой узок йиллар давомидаги ўсишдан сўнг биринчи марта жиддий қийинчиликларга дуч келмоқдаки, бу глобал металлургия инқирозига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Тармоқда кечаётган инқирознинг яна бир ўзига хос хусусияти унинг кўлами билан боғлиқ. Хусусан, 2007 йилга қадар иккиламчи рангли металларни қайта ишлаш корхоналарини реструктуризациялаш учун ташқи бозор муҳити ниҳоятда қулай бўлди. Бу, энг аввало, жаҳон бозорида рангли металларга бўлган нархларнинг муттасил ўсиб борганлиги билан боғлиқ.

Рангли металлар истеъмолчиси бўлган тармоқлар - электротехника, ахборот технологиялари, машинасозлик, асбобсозлик, самолётсозлик ва космонавтика каби илғор қайта ишлаш саноати соҳаларининг жадал суръатларда ривожланиши натижасида рангли металларга бўлган талабнинг ошиши уларга бўлган нархларнинг ўсишида ўз аксини топди. Агар XX асрнинг бошида ҳаммаси бўлиб 2 млн тонна рангли металл ишлаб чиқарилган бўлса, асрнинг охирида бу кўрсаткич 56 млн тоннага етди¹⁷.

Рангли металларга бўлган нархларнинг ўсиши, айниқса, 2002 йилдан бошлаб жадал суръатларда кечди. Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2002-2007 йиллар давомида 1 тонна алюминийнинг нархи 1350 доллардан 2638 долларгача (қарийб 2 марта), миснинг нархи 1559 доллардан 6646 долларгача (4,3 марта), никелнинг нархи 6775 доллардан 37230 долларгача (5,5 марта),

¹⁷ World Bureau of Metal Statistics, 2006

қўрғошиннинг нархи 452 доллардан 2430 долларгача (5,4 марта), рухнинг нархи 779 доллардан 3243 долларгача (4,2 марта) ўсди.

1.1-жадвал

Лондон Металл биржасида рангли металлларга бўлган нархларнинг ўзгариши, тонна/доллар

	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009 (янв-фев)
Алюминий	1444	1350	1431	1715	1898	2569	2638	2573	1372
Мис	1578	1559	1779	2865	3679	6743	6646	6956	3268
Никель	5948	6775	9633	13827	14744	24265	37230	21111	10858
Қўрғошин	476	452	515	887	976	1293	2430	2090	1117
Рух	886	779	827	1048	1382	3283	3243	1874	1150

Манба: World Metal Statistics, 2009.

Бу эса иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарини реструктуризациялаш учун қулай шарт-шароитни вужудга келтирди. Аммо 2008 йилнинг охири чорагидан жаҳон молиявий инқирозининг бошланиши натижасида рангли металлларга бўлган нархлар кескин пасая бошлади. Хусусан, 2009 йилнинг январь ва февраль ойларидаги ўртача нархни 2007 йил маълумотлари билан солиштириш натижалари шуни кўрсатадики, ушбу давр оралиғида 1 тонна алюминийнинг нархи қарийб 2 баробарга, миснинг нархи 2 баробардан зиёдрокқа, никелнинг нархи 3 баробардан кўпроққа, қўрғошиннинг нархи 2 баробардан кўпроққа, рухнинг нархи қарийб 3 баробарга пасайди.

Кўриниб турибдики, жаҳон молиявий инқирози иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарининг молиявий-иқтисодий фаолиятига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга уларни реструктуризациялаш имкониятларини кескин чеклаб қўйди. Шу муносабат билан саноат корхоналари фаолиятининг ташқи бозор муҳитидаги ўзгаришларни доимий тарзда кузатиб бориш тақозо этилади. Шу ўринда 2010 йилда жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги тенденциялар тўғрисида халқаро экспертларнинг баъзи умумий хулосалари тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Кўплаб халқаро экспертлар фикрича, 2010 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг жаҳон мамлакатлари иқтисодиётига салбий таъсири пасайиб боради. Айтиш мумкин, ҳақиқатда халқаро

бозорнинг ривожланишидаги беқарорлик, кўплаб мамлакатларда товарларга ички талабнинг пасайиши давом этаётгани иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишига мустаҳкам асос яратиш имконини бермаяпти.

Банк тизимида ипотека ва истеъмол кредитлари бўйича қайтарилмаган кредитлар ҳажмининг ўсиши оқибатида банкротликнинг янги тўлқини вужудга келиши хавфи сақланиб қолмоқда. Фонд, хом ашё ва молия бозорларида катта спекулятив ўйинлар давом этаётгани, реал қийматга эга бўлмаган пул ҳажмининг кўпайиши, бошқача қилиб айтганда, янги молиявий “кўпиклар” хавфининг авж олаётгани яна молиявий инқирозларга олиб келиш хавфини туғдирмоқда.

Шу муносабат билан юқоридаги тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда саноат корхоналарининг реструктуризациялаш тактикаси ва стратегиясига тегишли ўзгартиришлар киритиш лозим бўлади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида саноат корхоналарини реструктуризациялаш тактикаси ва стратегиясини танлаш учун бу инқироз корхона фаолиятига қандай йўналишда таъсир кўрсатишини аниқлаб олиш лозим бўлади.

Бугунги кунда глобал инқирознинг Ўзбекистон иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш саноати ривожланишига таъсири турли йўналишда бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ишчи ходимларнинг қисқариши ва инвестиция имкониятларининг торайиши шаклида намоён бўлмоқда. Хусусан, 2008 йилда асосий турдаги рангли металлларнинг бир нечта гуруҳини тайёрлашда пасайиш ҳолатлари кузатилди. Шу муносабат билан мазкур инқирознинг давомийлик муддатини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг яқин келажакда жаҳон металлургиясида, шу жумладан, Ўзбекистон иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш саноатида қандай ривожланишини олдиндан билиш ниҳоятда мураккаб ва у қатор омилларга боғлиқ.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш саноатини барқарор ривожлантириш учун бугунги кунда ташқи омиллар муҳим роль ўйнайди. Бундай омиллар жумласига жаҳон иқтисодиётининг жонланиши, унинг асосий молиявий институтларининг самарали қайта ташкил этилиши, рангли металллар бозорида нарх конъюнктурасининг яхшиланиши кабиларни киритиш мумкин.

Жаҳон бозорида нархларнинг ўсиши юз бермасдан ва экспорт

ҳажмини муттасил оширмасдан иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш саноати корхоналарини барқарор ривожлантириш, ушбу корхоналарда чуқур реструктуризация жараёнларини амалга ошириш анча мушкул. Бугунги кунда шаклланган объектив реаллик шундан иборатки, Ўзбекистон иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарининг бундан кейинги ривожини экспорт ҳажми ва кўламига чамбарчас боғлиқ. Шунини ҳам қайд этиш лозимки, айнан ташқи бозор туфайли мустақиллик йилларида ушбу корхонада турғунлик ҳолатига барҳам беришга ва салмоқли модернизация жараёнларини амалга оширишга эришилди. Ҳозирги инқироз бу ижобий тенденцияга салбий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар Дастурида кўзда тутилган имтиёзлардан фойдаланиш иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонасининг экспорт салоҳиятини оширишга кенг имкониятлар яратади. Хусусан, айланма маблағларини тўлдириш учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар олиш, 2012 йилгача барча турдаги солиқ ва тўловлар соҳасида тақдим этилган имтиёзлардан фойдаланиш ана шулар жумласидандир.

Ўзбекистон иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш саноатига глобал инқироз таъсирини юмшатишнинг яна бир йўналиши ички талабни жонлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “... жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга”¹⁸.

Шу билан бирга ички бозор талабини қўллаб-қувватлаш бўйича қатор муаммолар мавжудлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Гарчи сўнгги йилларда мамлакатимизда турли соҳалар ва тармоқларда турли объектларни модернизациялаш ишлари давом эттириляётган бўлса-да, глобал инқироз таъсирида бу жараёнларнинг бирмунча секинлашуви юз бермоқда. Бу шароитда ички истеъмол ўсишини молиявий жиҳатдан таъминлаш анча мураккаб ҳисобланади.

¹⁸Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 35-б.

Юқоридагиларга қарамасдан, Ўзбекистонда жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини камаййтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун етарли даражада шарт-шароит мавжуд. Бошқача қилиб айтганда, республикада саноат корхоналарини реструктуризациялашнинг ички бозор муҳитини ижобий баҳолаш мумкин.

1.2-жадвал

Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни инфодаловчи асосий кўрсаткичлар динамикаси (ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)


	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2008 йилда 2000 йилга нисбатан, %
Ялпи ички маҳсулот	103,8	104,2	104,0	104,4	107,7	107,0	107,3	109,5	109,0	161,4
Саноат ишлаб чиқариши	105,9	107,6	108,3	106,2	109,4	107,3	110,8	112,1	112,7	194,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	103,2	104,5	106,1	107,3	110,1	106,2	106,2	106,1	104,5	159,0
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	100,9	104,0	103,8	104,5	105,2	107,0	111,4	122,9	128,3	201,9
Экспорт	106,3	97,1	94,3	124,6	130,3	111,5	107,8	140,7	128,7	319,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Ўзбекистондаги умумиқтисодий вазиятни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда барча макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиши кузатилади (1.2-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000-2008 йиллар давомида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 61,4 фоизга ўсган. Айниқса, сўнгги беш йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари сезиларли даражада жадаллашди ва йилига ўртача қўшимча ўсиш суръати 8,1 фоизни ташкил этди. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши иқтисодиётнинг барча реал секторларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши билан бирга борди. Хусусан, 2008 йилда 2000 йилга нисбатан саноат ишлаб чиқариш ҳажми 94,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 59,0 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 101,9 фоизга, экспорт ҳажми 3,2 мартага ўсди.

Демак, Ўзбекистонда саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган макроиқтисодий муҳитни қулай деб баҳолаш мумкин, чунки ўсиб боровчи иқтисодиёт мақсадга мувофиқ таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш имконини беради.

**Ўзбекистонда ЯИМ ва асосий капиталга киритилган
инвестицияларнинг ўсиш суръатлари динамикаси
(ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)**



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

1.1-расм

Саноат корхоналарини реструктуризациялашда инвестицияларнинг ўсиш суръатлари алоҳида аҳамият касб этади, чунки инвестиция суръатларининг ўсиши натижасида ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик таъминоти яхшиланади, янги ишлаб чиқариш турлари ўзлаштирилади, иқтисодий ўсиш суръатлари фаоллашади.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда инвестиция ҳажмининг юқори суръатларда ўсиб боришига эришиш саноат корхоналарининг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади (1.1-расм).

1.1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатларида

икки босқич якқол кўзга ташланади: 1997-2000 йилларни ўз ичига оловчи биринчи босқич ва 2000-2008 йилларни ўз ичига оловчи иккинчи босқич.

Биринчи босқичда асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръатларининг муттасил камайиб бориши кузатилади: агар 1997 йилда инвестицияларнинг ўсиш суръати 117 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 101 фоизгача пасайди.

Бунинг натижасида инвестицияларнинг ўсиш суръатлари ЯИМ ўсиш суръатларидан орқада қола бошлади ва уларнинг ЯИМдаги улуши пасая бошлади: агар 1997 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ЯИМдаги салмоғи 44,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 22,9 фоизга тенг бўлди.

Иккинчи босқичда (2000-2008 йиллар) инвестицияларнинг ўсиш суръатлари жадаллашди. Агар 2001 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг кўшимча ўсиш суръатлари 3,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб мазкур кўрсаткич 28,3 фоизни ташкил этди. Натижада 2008 йилга келиб инвестициялар ўсиш суръатларининг ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатларидан юқори бўлишига эришилди.


Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, саноат корхоналарини реструктуризациялашнинг ички бозор муҳитида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда.

Ўзбекистонда саноат корхоналари фаолиятига таъсир кўрсатувчи омиллардан яна бири инфляция ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси ҳисобланади. Инфляция даражасининг юқори бўлиши корхоналар айланма маблағларининг қадрсизланишига, бу эса унинг иш фаоллигига ўз салбий таъсирини кўрсатади. Айни вақтда инфляция даражасининг мўътадил даражада сақланиб туриши узоқ муддатли стратегик режалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда бу соҳада ҳам республикамизда сезиларли муваффақиятларга эришилмоқда (1.2-расм).

1.2-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда инфляциянинг ўртача йиллик даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда: агар 2000 йилда мазкур кўрсаткич 26 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб 7,8 фоизгача пасайди. Шу билан бирга гарчи саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси таҳлил қилинаётган давр мобайнида 70,2 фоиздан 25,8 фоизгача пасайган

бўлсада, ушбу кўрсаткичнинг истеъмол нархлари индексида қарийб 3,3 марта юқори эканлигини таъкидлаш зарур.

Ўзбекистонда 2000-2008 йилларда ўртача йиллик инфляция даражасининг ўзгариши, %



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

1.2-расм

Истеъмол нархлари ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг бундай даражаси саноат корхоналарида узок муддатли реструктуризациялаш тадбирларини режалаштириш ва амалга ошириш имконини беради.

Саноат корхоналарини реструктуризациялашга таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан яна бири давлат томонидан олиб борилаётган ташқи иқтисодий сиёсат ҳисобланади. Жаҳон хўжалигида рўй бераётган глобаллашув жараёнлари корхоналарнинг фаол ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишларини тақозо этиб, айтили вақтда ташқи иқтисодий фаолият, айтили, экспорт салоҳиятини муттасил ошириб бориш корхоналар самарали фаолият юритишининг асосий шarti ҳисобланади.

Ўзбекистонда корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш бўйича асосий ҳужжат “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонун ҳисобланади. Ушбу қонун ташқи

иқтисодий фаолият юритишнинг асосий меъёрлари ва қоидаларини белгилаб беради.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ислохотларнинг асосий йўналиши қилиб ушбу соҳани тартибга солишнинг иқтисодий усулларига ўтиш ва ташқи иқтисодий алоқалар субъекти сифатида корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш белгиланган. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва унинг экспорти ҳажминини кўпайтиришни рағбатлантиради.

1.3. Саноат корхоналарини реструктуризациялашнинг услубий масалалари

Реструктуризация жараёнини муваффақиятли амалга ошириш учун унга мантиқий жиҳатдан ўзаро боғлиқ чора-тадбирларнинг яхлит тизими сифатида қараш лозим. Бу эса реструктуризациялаш дастурини ишлаб чиқишни ва уни изчиллик билан амалга оширишни тақозо этади. Реструктуризациялаш дастури - бу ушбу жараёни амалга ошириш алгоритми ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, реструктуризация дастури унинг ҳар бир йўналиши бўйича ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларни ўзида акс эттирувчи қуйи дастурлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ. Ҳар бир қуйи дастурда реструктуризациялаш-нинг муайян йўналиши бўйича кўзда тутилган мақсадга эришиш усуллари, уни амалга ошириш муддати ва самараси, ҳар бир чора-тадбирни бажариш учун зарур маблағ манбалари ва уни амалга оширувчи масъул шахслар кўрсатилган бўлиши лозим.

Одатда реструктуризация дастурини амалга ошириш уч босқичдан иборат бўлади: корхонани реструктуризациялаш салоҳиятини аниқлашга йўналтирилган диагностик тадқиқот, реструктуризациялашнинг стратегик режасини ишлаб чиқиш, стратегик режани амалга ошириш ва реструктуризация дастури самарадорлигини аниқлаш (1.2-чизма). Бу учта босқич бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улардан ҳар бирининг муваффақиятли ҳал этилиши дастурни самарали амалга оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Реструктуризация корхонани диагностик тадқиқ этишдан бошланиб, у корхонанинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш,

бошқарув, молия ва бошқа фаолият турларини таҳлил қилишни ўз ичига олади.

1.2-чизма. Саноат корхоналарини реструктуризациялаш босқичлари



Саноат корхоналарини диагностик тадқиқ этишнинг биринчи босқичида корхонанинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Бунда асосий эътибор корхонанинг ялпи маҳсулоти динамикаси, унга таъсир этувчи омиллар, ялпи маҳсулот таркиби, корхонада ишлаб чиқариладиган асосий тур маҳсулотлар ва уларнинг таннархи динамикаси, ушбу маҳсулотлар нархларининг шаклланиш

хусусиятлари, маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш, корхона маҳсулотининг рақобатбардошлик масалаларига қаратилади.

Сўнгра ушбу таҳлилнинг узвий давоми сифатида корхонанинг молиявий ҳолати таҳлил қилинади. Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда махсус коэффициентлардан фойдаланилади. Бу коэффициентларнинг умумий сони, айрим мутахассислар фикрича, 50 тагачани¹⁹, бошқа мутахассислар фикрича 80 тадан ортиқни²⁰ ташкил этиб, улар қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қўлланилади.

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб уларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда қуйидаги коэффициентлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

1. Ликвидлик ва тўловга қобилиятлилик коэффициентлари.
2. Жорий активлар таркиби коэффициентлари
3. Молиявий барқарорлик коэффициентлари
4. Иш фаоллиги коэффициенти
5. Рентабеллик коэффициентлари

Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда ликвидлик ва тўловга қобилиятлилик коэффициентларидан кенг фойдаланилади.

Жорий қарзларни қоплаш коэффициенти жорий активларни қисқа муддатли мажбуриятлар суммасига бўлиш ёрдамида аниқланади. Бу кўрсаткич корхонанинг қисқа муддатли қарзларни қоплаш имкониятига баҳо беришда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу кўрсаткичнинг тавсия қилинадиган қиймати 1,0-3,0 га тенг, бошқача қилиб айтганда корхонада жорий активларнинг қиймати қисқа муддатли қарзлар қийматидан 1-3 марта юқори бўлиши мақсадга мувофиқ. Айнан шундай ҳолат корхонанинг барқарор фаолият кўрсатишига имконият яратади.

¹⁹Гинзбург А.И. Экономический анализ. – СПб.: Питер, 2007. – с.134

²⁰Статистика. Т.: Ибн Сино, 2004. – 197-б.

1.3-жадвал

**Иккиламчи рангли металларни қайта ишлаш
корхонасининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш
коэффициентлари**

Коэффициент номи	Меъёри
1. Ликвидлик ва тўловга қобилиятлилик коэффициентлари	
1. Жорий қарзларни қоплаш коэффициенти	1,0-3,0
2. Мутлақ ликвидлик коэффициенти	0,3-1,2
3. Критик баҳолаш коэффициенти	0,4-2,1
4. Моддий-ишлаб чиқариш захираларига боғлиқлик коэффициенти	0,68-0,70
5. Соф тушум коэффициенти	-
2. Жорий активлар таркиби коэффициентлари	
1. Жорий активларда пул маблағларининг улуши коэффициенти	0,25-0,40
2. Тез сотиладиган қимматли қоғозларнинг улуши коэффициенти	0,10-0,35
3. Моддий-ишлаб чиқариш захираларининг улуши коэффициенти	0,25-0,60
3. Молиявий барқарорлик коэффициентлари	
1. Ўз капитали билан таъминланганлик (автономлик) коэффициенти	0,50-0,60
2. Жалб этилган капитал билан таъминланганлик коэффициенти	0,40-0,50
3. Молиявий барқарорлик коэффициенти	0,1
4. Ўз капиталининг маневрлилик коэффициенти	0,05-0,85
5. Ўз ва жалб этилган капиталларнинг ўзаро нисбати коэффициенти	0,60-1,0
4. Иш фаоллиги коэффициенти	
1. Асосий капиталнинг айланиши коэффициенти	-
2. Ўз капиталининг айланиши коэффициенти	-
3. Фонд қайтими коэффициенти	-
4. Пул маблағларининг айланиши коэффициенти	-
5. Моддий-ишлаб чиқариш захираларининг айланиши коэффициенти	-
5. Рентабеллик коэффициентлари	
1. Асосий капитал рентабеллиги коэффициенти	-
2. Маҳсулот рентабеллиги коэффициенти	-
3. Ўз капитали рентабеллиги коэффициенти	-
4. Асосий фаолият бўйича рентабеллик коэффициенти	-
5. Соф фойда коэффициенти	-
6. Асосий активлардан олинган даромад коэффициенти	-

Мутлақ ликвидлик коэффициенти ҳам молиявий таҳлилда ўзига хос ўрин тутиб, у пул маблағларини қисқа муддатли мажбуриятлар

суммасига бўлиш ёрдамида аниқланади. Бу кўрсаткич корхонанинг ликвидлик даражасини, яъни қисқа муддатли мажбуриятларни пул маблағлари билан қоплаш имкониятини ифодалайди. Мазкур кўрсаткичнинг тавсия этилган қиймати 0,3-1,2 га тенг, яъни пул маблағлари қисқа муддатли мажбуриятларнинг 30 фоиздан 120 фоизгачасини ташкил этса, амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади.

Критик баҳолаш коэффиценти корхона молиявий ҳолатининг критик чегарасини белгилаб беришга хизмат қилади. Бу кўрсаткич жорий активлардан истикболдаги харажатлар ва моддий ишлаб чиқариш захиралари қийматини чегириб ташлаб, чиққан натижани қисқа муддатли мажбуриятлар қийматига бўлиш ёрдамида аниқланади. Бу кўрсаткичнинг тавсия этилган қиймати 0,4-2,1 га тенг.

Моддий-ишлаб чиқариш захираларига боғлиқлик коэффиценти корхонанинг моддий ишлаб чиқариш захираларига қай даражада боғлиқ эканлигини кўрсатади ва моддий ишлаб чиқариш захиралари қийматини қисқа муддатли мажбуриятларга бўлиш ёрдамида аниқланади. Ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражаси 0,68-0,70 га тенг. Бошқача қилиб айтганда, моддий ишлаб чиқариш захиралари қиймати қисқа муддатли мажбуриятлар қийматининг 68-70 фоизига тенг бўлса, молиявий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ бўлади.

Корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилишда жорий активлар таркиби коэффицентлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Жорий активларнинг мақсадга мувофиқ таркибини шакллантириш корхона молиявий сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлиши лозим. Пул маблағларининг жорий активлардаги улуши 25-40 фоиз бўлиши, тез сотиладиган қимматли қўғозларнинг улуши 10-35 фоиз бўлиши, моддий ишлаб чиқариш захираларининг улуши 25-60 фоиз бўлиши молиявий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Албатта, ушбу кўрсаткичларни бир неча йил бўйича ҳисоблаш ва уларнинг йиллар бўйича ўзгаришини кузатиш жорий активлар таркибини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга, чунки, бир томондан, корхонанинг ривожланиши асосан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, иккинчи томондан, корхона билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган фирмалар ва потенциал инвесторлар

ишни бошлашдан олдин корхонанинг молиявий барқарорлиги билан яқиндан танишиб чиқадилар.

Маълумки, молиявий барқарорлик корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан асосий ва айланма капиталга, номоддий активларга киритилган харажатларни қоплаш, ўз мажбуриятларини вақтида тўлай олиш қобилиятини ифодалайди. Корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг асосий манбаси корхона баланси ҳисобланади. Баланс маълумотлари асосида бир қатор коэффицентлар ҳисобланади.

Корхона молиявий барқарорлигининг ўзгаришига баҳо беришда автономлик коэффицентидан фойдаланилади. Бу кўрсаткич корхона молиявий ҳолатининг мустақиллик даражасини ифодалайди. Автономлик коэффицентининг ўсиши келажакда молиявий қийинчиликларнинг камайишидан ва корхонанинг молиявий мажбуриятларни тўлаш учун ўз захираларининг ўсаётганлигидан далолат беради. Амалий тажриба шуни кўрсатадики, агар автономлик коэффиценти 0,5-0,6 дан катта қийматга эга бўлса, бу ҳолат корхона барча тўловларни ўз маблағлари ҳисобидан тўлашга қодир эканлигини кўрсатади.

Ўз ва жалб этилган капиталларнинг ўзаро нисбати коэффиценти корхона ўз хўжалик айланмасига четдан капитал жалб эта олиш қобилиятини аниқлаш учун ҳисобланади. Ўз ва жалб этилган капиталлар ўртасидаги нисбат 1 га тенг бўлса, бу ҳолат энг мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Агар бу кўрсаткич 1 дан катта бўлса, бу четдан жалб этилган маблағларни қоплаш учун корхонанинг ўз маблағлари етарли эмаслигидан далолат беради.

Ўз капиталининг маневрлилик коэффиценти корхона ўз капитали билан қанчалик даражада маневр қила олишини ифодалайди. Маневрлилик коэффицентининг ўсиши корхона молиявий ҳолатининг барқарорлигидан далолат беради.

Корхонанинг иш фаоллиги коэффицентлари капиталнинг айланиши ёрдамида аниқланади. Капиталнинг айланиши нафақат корхона мулки доиравий айланишининг тезлашиши, балки таҳлил қилинаётган даврда капиталнинг камайиши, инфляция натижасида нархнинг ўсиши билан ҳам ошиши мумкин. Корхонанинг молиявий натижаларини таҳлил этишда унинг фойдалилик даражасига, молиявий натижаларнинг таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш, фойданинг шаклланиши ва

ишлатилишининг асосланганлигини текшириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу энг аввало шу билан боғлиқки, фойда бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосини ташкил этади. Фойда – бу хўжалик молия фаолиятининг якуни, самарасидир. Фойда корхонанинг ички эҳтиёжларини қондириш билан бирга давлат бюджети маблағларини тўплаш, бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар ва ҳомийлик қилишнинг моддий асосидир. Шу сабабли корхона фаолиятини диагностика қилишда ушбу кўрсаткич ва унга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш муҳим ўрин тутди. Фойда даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар жумласига сотиладиган маҳсулот ҳажми, таркиби, таннари ва нархининг ўзгариши кириди. Корхонанинг молиявий ҳолатига баҳо беришда рентабеллик даражасини аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга. Рентабеллик корхона фаолиятининг даромадлилигини, самарадорлигини ифодалайди.

Одатда корхонанинг молиявий ҳолатига баҳо беришда рентабелликнинг қуйидаги кўринишларидан фойдаланилади: маҳсулотни сотиш рентабеллиги, асосий фаолият рентабеллиги, умумхўжалик фаолияти рентабеллиги, хўжалик юритувчи субъектнинг ўзига тегишли капитали рентабеллиги ва хўжалик юритувчи субъектнинг бюджет рентабеллиги.

Корхона фаолиятини диагностик тадқиқ этишда у томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражасига баҳо бериш муҳим аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида товарнинг рақобатбардошлиги унинг бошқа турдош товарлардан афзаллик жиҳатларининг мавжудлиги, умумэътироф этган талабларга жавоб бериши, товар ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар миқдори билан белгиланади. Товарнинг рақобатбардошлигига баҳо беришда истеъмолчининг эҳтиёжи ва бозор талабларини ҳисобга олиш лозим.

Реструктуризациялаш жараёнининг биринчи босқичи якунида корхонанинг ички реструктуризация омиллари ва имкониятлари, унга таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар, мавжуд муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш имкониятларига баҳо берилади.

Агар диагностика асосида корхонанинг рентабеллик билан фаолият кўрсатишини таъминлаш (тиклаш) имконияти мавжуд эмаслиги тўғрисида хулоса чиқарилса, у ҳолда мулкдорлар,

кредиторлар ёки унга масъул бўлган давлат корхоналари томонидан корхонани тугатиш ҳақида қарор қабул қилинади. Агар корхонанинг ҳаётийлигини таъминлаш имкониятлари ва захиралари аниқланса, у ҳолда реструктуризациялашнинг кейинги босқичига ўтилади. Саноат корхонасида муваффақиятли реструктуризация жараёнини амалга ошириш учун реструктуризациялашнинг бир неча варианты ишлаб чиқилади, уларнинг афзалликлари ва камчиликларига баҳо берилади, кутилаётган самара ва натижалар муҳокама қилинади. Фақат шундан сўнг у ёки бу вариант танлаб олинади.

Реструктуризациялашнинг узок муддатли режасини ишлаб чиқишда асосий эътибор корхонанинг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши, техник ва технологик жиҳозланиши, ишлаб чиқаришга бошқарувнинг илғор усуллари жорий этишига қаратилади. Шунингдек, узок муддатли режада стратегик режалаштиришни амалга оширишга мавжуд вазиятдан келиб чиқиб тузатишлар киритиш ҳам кўзда тутилади.

Реструктуризациялашнинг учинчи босқичида унинг стратегик режаси амалга оширилади. Бунда, энг аввало, реструктуризациялашни амалга ошириш концепциясини ишлаб чиқиш муҳим ўрин тутди. Концепцияда реструктуризациялашни амалга оширувчи шахсларнинг мақсадлари, вазифалари, масъулияти ва реструктуризациялаш тадбирини амалга ошириш муддатлари аниқ кўрсатилади. Якуний босқич олдинги босқич тадбирлари билан узвий боғлиқликда амалга оширилиб, сифат жиҳатидан янги ўзгаришларни амалга оширишни ва маҳсулотнинг жаҳон стандартларига мослашишини кўзда тутди.

Корхонанинг реструктуризациялаш дастури амалга оширилгандан сўнг унинг самарадорлигига баҳо берилади. Маълумки, иқтисодий самарадорлик масаласини ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича деярли барча иқтисодчиларнинг фикрлари бир хил, яъни иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш натижасини ёки ундан олинган самарани сарфланган ресурсларга ёки харажатларга таққослаш йўли билан аниқланади²¹.

²¹Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия: Учебное пособие. – Минск: Экоперспектива, 1998. – 498 с.; Петухов Р.М. Оценка эффективности промышленного производства: Методы и показатели. – М.: Экономика, 1994. – 191 с.; Липсиц И. В., Коссов В. В. Инвестиционный проект: методы подготовки и анализа. - М.: Бек, 1996.; Мелкумов Я.С. Экономическая оценка эффективности инвестиций и финансирование инвестиционных проектов. - М.: ИКЦ "ДИС", 1997; Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – М.: ИНФРА-М, 1997 ва бошқалар.

Шу нуктаи назардан реструктуризациялаш самарадорлигини аниқлашда ҳам шундай ёндошувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, яъни реструктуризациялашни амалга оширишдан олинган фойдани унга сарфланган харажатларга нисбати реструктуризациялаш самарадорлигини аниқлашда асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Бундай ёндошув кўпроқ инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашда қўлланилади²². Реструктуризациялашга эса саноат корхонаси даражасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаси сифатида қариш мумкин. Шу сабабли мазкур услубий ёндошувдан реструктуризациялаш самарадорлигини аниқлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Юқорида келтирилган ёндошувга мувофиқ реструктуризациялаш дастурига киритилган инвестициялар самарадорлигининг жорий қийматини аниқлаш учун дастлабки базис боғлиқлик қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$I_c = \frac{P_t - I_t}{I_t} \quad (1)$$

Бу ерда: I_c – “t” вақт учун ҳисобланган реструктуризациялаш дастурига киритилган қўйилмаларнинг нисбий самарадорлиги;

P_t - инвестиция киритиш натижасида “t” вақт давомида корхона томонидан олинган жами пул тушумлари (даромадлари);

I_t - “t” вақт давомида реструктуризациялаш дастурига киритилган жами инвестициялар.

Маълумки, реструктуризациялаш дастурига киритилган инвестиция қўйилмалари самарадорлиги самарадорлик аниқланаётган давр мобайнидаги вақт функцияси ҳисобланади. Пировард самарадорликни аниқлаш учун (1) формуладаги “t” вақтни дастурни амалга ошириш вақтига тенг деб қабул қилиш лозим.

Бу давр оралиғи, бир томондан, дастурга киритилаётган капитал қўйилмалар оқимининг тўхташи, иккинчи томондан, ушбу қўйилмалар таъсирида даромадлар ўсиш жараёнининг тугаши муддатига мувофиқ келиши керак. Бошқача қилиб айтганда, “t” давр қўйилмалар ва уларнинг таъсир муддатлари йиғиндисига тенг бўлиши лозим. Саноат корхоналарини реструктуризациялаш дастурига татбиқан айтганда унга киритилган қўйилмалардан олинadиган самара қисқа муддат, яъни икки-уч йилда олинishi керак.

²² COMFAR III Expert (программный продукт нового поколения, разработанный ЮНИДО для проведения финансовой и экономической оценки инвестиционных проектов)

Реструктуризациялаш дастури самарадорлигини ҳисоблаш учун (1) формулани қўллашнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, инвестиция лойиҳалари дастури самарадорлигини ҳисоблашдан фарқли ўлароқ, реструктуризациялаш шароитида инвестиция қўйилмалари реструктуризациялаш дастурига киритилган инвестицияларга бевосита боғлиқ бўлмаган даромадлар ва харажатлар оқими мавжуд бўлган ва фаолият кўрсатаётган корхоналарга киритилади. Ушбу салмоқли хусусиятни ҳисобга олиш учун реструктуризациялаш дастури самарадорлигини аниқлашда (1) формулани икки усулда қўллаш имкониятини кўриб чиқиш мумкин.

Биринчидан, реструктуризациялаш дастурига киритилган инвестициялар самарадорлигини аниқлаш. Бунинг учун (1) формуладаги P_t пул даромадларини I_t инвестициялар натижасида олинган пул ўсиши кўринишида корхона жами пул даромадларининг бир қисми сифатида аниқлаш зарур. Бундай ёндошув реструктуризациялашга киритилган инвестициялар самарадорлигини аниқлаш имконини беради, аммо уни амалга ошириш реструктуризациялаш дастурига киритилган инвестициялар томонидан келтирилган даромадлар қисмини аниқлашнинг мураккаблиги туфайли қийин ҳисобланади.

Иккинчидан, инвестицияларни ажратмаган ҳолда, яъни реструктуризациялаш дастурига киритилган ва бошқа инвестициялар натижасида реструктуризация қилинаётган корхона фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш. Бу ҳолатда (1) формуладаги P_t даромадлар оқими корхона томонидан инвестиция манбаидан қатъий назар олинган пул маблағлари тушуми йиғиндисига тенг деб олинади. Шунга мувофиқ равишда (1) формуладаги I_t нинг қийматини “ t ” даврда ишлаб чиқаришга киритилган инвестиция қўйилмалари йиғиндиси, яъни кўриб чиқиладиган давр оралиғида ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар сифатида аниқлаш зарур бўлади.

Корхонани реструктуризациялашнинг комплекс дастури самарадорлигини аниқлашнинг иккинчи усули қўллаш учун осон ва шу сабабли, бизнинг фикримизча, ушбу усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу усул асосида реструктуризациялаш дастури самарадорлигини баҳолаш учун бошланғич формула қуйидаги кўринишни олади:

$$И_c = \frac{P_t - X_t}{X_t} \quad (2)$$

Бу ерда: I_c – корхонани реструктуризациялаш дастури самарадорлиги кўрсаткичи;

P_t - кўриб чиқиладиган давр мобайнида реструктуризация амалга ошириладиган корхона томонидан олинган даромадлар оқими, пул тушумлари йиғиндиси;

X_t - кўриб чиқиладиган давр мобайнида корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш ва реструктуризациялаш дастури тадбирларига сарфлаган харажатлари йиғиндиси.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, (2) формуладаги I_c нинг қиймати ўзининг иқтисодий мазмунига кўра реструктуризациялаш дастурини амалга оширишга сарфланган харажатларни ҳисобга олган ҳолда реструктуризация амалга ошириладиган корхона иши рентабеллигининг кўриб чиқиладиган даврдаги ўртача кўрсаткичи ҳисобланади. Ушбу кўрсаткични корхона ишининг бошланғич рентабеллиги билан солиштириб, маблағларни корхонани реструктуризациялаш дастурига киритиш қанчалик даражада самара бераётганлиги ва дастурни амалга ошириш даражасига қараб рентабеллик даражаси қандай йўналишда ўзгараётганлигини кузатиш мумкин.

(1) ва (2) формулаларга кирувчи P_t , I_t ва X_t қийматлари “t” давр оралиғидаги даромадлар (пул тушумлари), инвестициялар ва харажатлар йиғиндиси эканлигини ҳисобга олсак, бу кўрсаткичлар қуйидагича аниқланади:

$$P_t = \sum_{i=1}^n P_i; \quad I_t = \sum_{i=1}^n I_i; \quad X_t = \sum_{i=1}^n X_i \quad (3),$$

Бу ерда: P_i - кўриб чиқиладиган “t” давр оралиғига кирувчи “i” вақт оралиғидаги (ой, квартал, йил) пул тушумлари;

I_i - “i” вақт оралиғида реструктуризациялаш дастурига киритилган инвестициялар;

X_i - “i” вақт оралиғида корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти ва реструктуризациялаш дастурига сарфлаган харажатлари;

n – кўриб чиқиладиган “t” вақт оралиғини ташкил этувчи ой, квартал, йил сони. Бу даврларда реструктуризациялаш дастурига киритилган инвестициялар ва дастурнинг ўзининг самарадорлиги аниқланади.

Корхонани реструктуризациялаш дастурига киритилган узоқ вақтни ўз ичига олган (йил ва ундан ортиқ) инвестициялар самарадорлигини ҳисоблашда дастур самарадорлиги аниқланаётган

вақтга пул оқимини дисконтлаш лозим. Бундай дисконтлаш зарурияти икки омил билан изоҳланади: киритилаётган инвестицияларнинг ушбу инвестицияларни банкда жойлаштириш шароитида олиниши мумкин даромадлар миқдорида йўқотилиши ва инфляция натижасида реструктуризация дастурини амалга ошириш вақтида пул маблағлари қийматининг пасайиши.

Агар банк депозити фоизи ва инфляция (нарх ўсиши индекси) кўрсаткичи ҳамда уларнинг дастур самарадорлигини аниқлаш вақтидаги динамикаси аниқ бўлса, юқорида келтирилган ҳар иккала омилни миқдорий жиҳатдан аниқлаш мумкин.

Ушбу омилларни биргаликда ҳисобга олишда келажакдаги даромадлар ва харажатларни дастурни амалга ошириш ёки дастурга киритилган инвестицияларнинг бошланғич даврига келтириш учун уларни келтириш коэффициенти – K_k га кўпайтириш ёрдамида аниқлаш мумкин. Келтириш коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$K_k = \frac{1}{(1+r+p)^t} = (1+r+p)^{-t} \quad (4),$$

Бу ерда: r – йиллик банк депозити фоизи;

p – инфляциянинг йиллик даражаси;

t – йилларда ўлчанадиган вақт оралиғи.

$r+p=q$, деб белгилаб олсак, у ҳолда:

$$K_k = \frac{1}{(1+q)^t} = (1+q)^{-t} \quad (5).$$

Жаҳон молиявий инқирози шароитида r , p ва q йил давомида ҳам сезиларли даражада ўзгаришини ҳисобга олсак, реструктуризациялаш дастурига киритилган инвестициялар самарадорлигини баҳолашда инвестицияларни дисконтлашни нафақат йил, балки квартал ва ой ўлчовларида ҳам амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

(3) формулани (5) формуладаги келтириш коэффициентини қўллаш асосида харажат ва натижалар қийматларини дисконтлаш омилларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартирамиз:

$$P_t = \sum_{i=1}^n \frac{P_i}{(1+q_i)^i}; \quad I_t = \sum_{i=1}^n \frac{I_i}{(1+q_i)^i}; \quad X_t = \sum_{i=1}^n \frac{X_i}{(1+q_i)^i} \quad (6),$$

Бу ерда: i – навбатдаги вақт оралиғи номери (дастурни амалга ошириш муддати вақт оралиқлари “ i ” га бўлинади);

n – дастурни амалга ошириш муддати бўлинган ой, квартал ва йилларнинг умумий сони.

Агар дастурга киритилаётган инвестициялар ва уни амалга ошириш муддати уч йилдан ошмаса, (6) формулани

реструктуризациялаш дастурига киритилган инвестициялар ва лойиҳалаштириш босқичида реструктуризациялаш дастурининг самарадорлигини баҳолаш ҳамда дастурни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарор қабул қилиш учун қўллаб, “i” вақт бирлиги сифатида бир квартални қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Ундан ортиқ муддат учун “i” вақт бирлиги сифатида бир йилни қабул қилиш мумкин.

Агар самарадорликни баҳолаш квартал кесимида амалга оширилаётган бўлса, у ҳолда (6) формуладаги q_i нинг қиймати ($q_i = r_i + p_i$ тенглик ўринли) қуйидаги шартларнинг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда аниқланади:

r_i – банк депозит фоизининг кварталлик ставкasi;

p_i – инфляциянинг кварталлик даражasi.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, (6) формуладаги q_i , r_i ва p_i ларнинг қиймати нисбий кўрсаткичлар ҳисобланади, шу сабабли уларнинг фоиздаги қийматларини 100 фоизга бўлиш ва уларни нисбий кўрсаткичларда ифодалаш лозим бўлади.

(6) формуладаги P_t ва I_t ларни (1) формулага қўйиб, саноат корхоналарини реструктуризациялаш дастурига киритилаётган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг қуйидаги формуласига эга бўламиз:

$$I_c = \frac{\sum_{i=1}^n \frac{P_t}{(1+q_i)^i} - \sum_{i=1}^n \frac{I_i}{(1+q_i)^i}}{\sum_{i=1}^n \frac{I_i}{(1+q_i)^i}} \quad (7).$$

Худди шундай (6) формуладаги P_t ва X_t ларни (2) формулага қўйиб, реструктуризациялаш дастурининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг қуйидаги формуласига эга бўламиз:

$$I_c = \frac{\sum_{i=1}^n \frac{P_i}{(1+q_i)^i} - \sum_{i=1}^n \frac{X_i}{(1+q_i)^i}}{\sum_{i=1}^n \frac{X_i}{(1+q_i)^i}} \quad (8).$$

(7) ва (8) формулаларнинг фарқи шундан иборатки, (7) формулада фақат инвестициялар киритиш воситасида олинган корхона даромадлари ҳисобга олинса, (8) формулада корхонанинг барча турдаги пул тушумлари ҳисобга олинади.

(7) формула корхонани реструктуризациялашга киритилган инвестицияларнинг қопланиш муддати (Т) ни аниқлаш имконини беради. Албатта, бу муддат $n=N$ бўлган шароитда юз беради ва бунда

инвестициялар ҳисобига корхонанинг даромадлари йиғиндиси киритилган инвестициялар миқдорига тенг бўлади:

$$\sum_{i=1}^N \frac{P_i}{(1+q_i)^i} = \sum_{i=1}^N \frac{I_i}{(1+q_i)^i} \quad (8)$$

(8) формуладан қопланиш муддатининг аниқ қийматини аниқлаш қийин, аммо айнан шу формула орқали ҳисоб-китоб йўли билан ёки даромадлар ва инвестицияларнинг вақт давомидаги ўзгариши графигини тузиш орқали аниқлаш мумкин бўлади. Агар даромадлар йиғиндиси инвестициялар миқдорига тенг бўлса, қопланиш муддати вақт оралиқлари сонига тенг бўлади $n=N$ ёки даромадлар ва инвестициялар ўзгариши графигида улар кесишган нуқтада $n=N$ бўлади.

Корхонани реструктуризациялаш дастури нисбатан қисқа муддатли бўлган шароитда (одатда бир ёки икки йил бўлган шароитда) реструктуризациялаш дастурининг иқтисодий самарадорлигини инвестициялар ва даромадлар дисконти ҳамда инфляция омилини ҳисобга олмасдан уларнинг ўртача қиймати асосида ҳам аниқлаш мумкин. Бундай ҳолатда реструктуризациялаш дастурига киритилган инвестициялар самарадорлиги (I_c) оддий нисбат билан аниқланади:

$$I_c = \frac{\sum_{i=1}^n P_i - \sum_{i=1}^n I_i}{\sum_{i=1}^n I_i} = \frac{P_j - I_j}{I_j} \quad (9),$$

Бу ерда: P_j – реструктуризациялаш дастурини амалга ошириш даврида корхона томонидан олинган жами пул тушумлари;

I_j – шу давр мобайнида реструктуризациялаш дастурига киритилган инвестициялар миқдори.

Корхонанинг реструктуризациялаш дастури учун инвестициялар самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичини бирга яқин қилиб белгилаш тавсия этилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, $I_c=0$ инвестицияларнинг қопланганлигини билдиради. Шу сабабли ҳар қандай $I_c>0$ ижобий самарани ифодалайди, $I_c=1$ эса инвестициялар икки марта қопланганлигини билдиради.

(9) формулада келтирилган соддалаштирилган боғлиқликка мувофиқ реструктуризациялашга киритилган инвестицияларнинг қопланиш муддати қуйидаги нисбатдан келиб чиқади:

$$\sum_{i=1}^N P_i = \sum_{i=1}^N I_i = I_j \quad (10),$$

Бу ерда N – дастур тақсимланган вақт оралиқлари сони, бу вақт оралиғида инвестициялар ҳисобига соф пул тушумлари жами инвестициялар (I_j)га тенг бўлади. Агар бир вақт оралиғидаги ўртача тушумлар (P_{ur})дан фойдалансак, у ҳолда (10) формула $P_{ur} \times N = I_j$ кўринишига келади. Ундан эса қуйидаги формулага эга бўламиз:

$$N = \frac{I_j}{P_{ur}} \quad (11).$$

Шундан келиб чиққан ҳолда инвестицияларнинг қопланиш муддати қуйидагича аниқланади:

$$T = N \times t = \frac{I_j}{P_{ur}} \times t \quad (12),$$

Бу ерда: t – дастурни амалга ошириш муддати тақисмланган бир вақт оралиғи муддати.

Шундай қилиб, реструктуризациялаш дастурига сарфланган инвестицияларнинг қопланиш муддатини аниқлашда (12) формуладан фойдаланиш мумкин.

Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Реструктуризацияга берилган иқтисодий таърифлар ва назарий қарашларни умумлаштириш асосида унга қуйидагича таъриф бериш мумкин: Реструктуризация - корхона ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, кескин рақобат муҳитида муваффақиятли фаолият кўрсатишни таъминлаш мақсадида муайян ривожланиш стратегиясини танлаш ва ушбу стратегияни амалга ошириш учун ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат бўлиб, корхонанинг ички таркибини қайта ташкил этиш асосида бозор шароитларига мослашиш жараёнини ўзида акс эттиради.

2. Саноат корхоналарини реструктуризациялаш иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади. Реструктуризациялашнинг иқтисодий жиҳатлари корхона бошқарув тизимининг такомиллашишида, ишлаб чиқариш таркибининг диверсификациялашишида, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ва таннархининг пасайишида, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик жиҳозланишининг яхшиланишида ва пировард натижада корхонанинг рентабеллиги ва фойда миқдорининг ошишида ўз аксини топса, ижтимоий жиҳатлари корхонада ишлаётган ходимлар иш ҳақларининг ошишида, ишдан бўшаган ишчиларда

касбий қайта тайёрлаш орқали замонавий иш ўринларини эгаллаш имкониятининг юзага келишида ва жамият ижтимоий таркибининг такомиллашишида, корхонада ижобий ижтимоий муҳитнинг шаклланишида намоён бўлади.

4. Бугунги кунда металлургия, шу жумладан, рангли металлургия саноатидаги молиявий-иқтисодий инқироз кенг кўламлилиги ва глобал миқёсда эканлиги билан тавсифланади. 2008 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб рангли металлларга бўлган нархларнинг кескин пасайиши иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарининг молиявий-иқтисодий фаолиятига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга уларни реструктуризациялаш имкониятларини кескин чеклаб қўйди. Бу эса реструктуризациялаш тактикаси ва стратегиясига тегишли ўзгартиришлар киритишни тақозо этади.

5. Глобал инқироз шароитида иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонасида реструктуризациялаш жараёнларини муваффақиятли амалга ошириш учун экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ички талабни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш лозим. Айни вақтда корхонада қўшилган қиймат даражаси юқори товарлар ишлаб чиқариш, локализация дастури асосида янги ишлаб чиқариш турларини ўзлаштириш мақсадга мувофиқ.

6. Реструктуризациялаш самарадорлигини ҳисоблашда бир қатор мураккабликлар мавжуд бўлиб, бу, энг аввало, шу билан изоҳланадики, инвестиция лойиҳалари дастури самарадорлигини ҳисоблашдан фарқли ўлароқ, реструктуризациялаш шароитида инвестиция қўйилмалари реструктуризациялаш дастурига киритилган инвестицияларга бевосита боғлиқ бўлмаган даромадлар ва харажатлар оқими мавжуд бўлган ва фаолият кўрсатаётган корхоналарга киритилади. Шу муносабат билан тадқиқот ишида реструктуризациялаш дастурига киритилган ва бошқа инвестициялар натижасида реструктуризация қилинаётган корхона фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш услуби таклиф этилган.

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИККИЛАМЧИ РАНГЛИ МЕТАЛЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИ РЕСТРУКТУРИЗАЦИЯЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.1. Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарининг ривожланиш тенденциялари

Моддий ресурсларни такрор ишлаб чиқаришнинг асосий усулларида бири ҳисобланган ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш миллий иқтисодиётнинг хом ашё базасини кенгайтириш, товар ишлаб чиқарувчилар моддий таъминотининг барқарорлигини ошириш, хом ашё, моддий ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш жараёнидаги йўқотишларни сезиларли даражада қисқартириш имконини беради. Бундан ташқари иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш орқали мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, чиқиндисиз технологияга ўтиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш мумкин.

Масалан, жаҳонда энг йирик алюминий ишлаб чиқарувчи компаниялардан бири – “Alcoa Inc” ишлатилган алюминий банкаларини қайта ишлаш даражасини 2007 йилда 52 фоиздан 2015 йилда 75 фоизга етказишни режалаштирмоқда. Бундай банкалар АҚШда йилига 1,5 млн тонна истеъмол қилинади ва унинг 800 минг тоннаси иккиламчи қайта ишланади. Ушбу хом ашёни иккиламчи қайта ишлашни 23 фоизга ўстириш йилига 1286 МВт электр қуввати ва 380 минг тонна алюминийни иқтисод қилиш имконини беради. Шу билан бирга атмосферага зарарли газлар чиқиндиси 11,8 млн. тоннага камаяди. Иккиламчи алюминий ишлаб чиқаришга сарфланадиган электр қуввати бирламчи алюминийга сарфланадиган электр қувватига нисбатан 20 баробар кам²³. Шунини таъкидлаш лозимки, жаҳон бўйича алюминий банкаларни қайта ишлаш даражаси ўртача 60 фоизни ташкил этса, энг юқори кўрсаткичлар Япония (92 фоиз) ва Бразилия (95 фоиз)га тегишли.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистоннинг иккиламчи металлларни қайта ишлаш корхоналарида, хусусан, “Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖда чуқур реструктуризациялаш жараёнини амалга

²³Вторичные металлы. 2008, №2/3. – с. 18

ошириш, корхонанинг кескин рақобат шароитида юқори самара билан ишлашини таъминлаш имконини берадиган ривожланиш стратегиясига ўтиши бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, корхонада реструктуризация жараёнини амалга ошириш XX аср 90-йилларининг бошиданок объектив заруриятга айланди. Гап шундаки, 1943 йилда ўз фаолиятини бошлаган "Иккиламчирангли-металл" ишлаб чиқариш бошқармаси негизида 1973 йилда Тошкент алюминий қотишмалари заводи куриб фойдаланишга топширилди. Бу корхона рангли металл чиқиндилари ва парчаларини пирометаллургик усул билан қайта ишлаш бўйича йирик тоннажли механизациялашган ишлаб чиқариш мажмуи сифатида барпо этилган бўлиб, собиқ Иттифоқнинг Ўрта Осиё минтақасидаги республикалари эҳтиёжини қондириш учун қуйма алюминий қотишмалари ишлаб чиқариши кўзда тутилган. Заводнинг қуввати 1980 йил июнь ойида барча ишлаб чиқариш мажмуалари ишга туширилгач, бир йилда 45 минг тоннани ташкил этди. XX аср 80-йилларининг охирларида заводнинг қуввати йилига 52 минг тоннага етди ва бу даврда корхона тўлиқ юклама билан иш юрита бошлади.

Аммо собиқ Иттифоқнинг тарқалиши натижасида корхонанинг хом ашё етказиб берувчилар доираси кескин торайди. Шунга мувофиқ равишда қотишмалар ишлаб чиқариш ҳажми ҳам сезиларли даражада қисқарди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш қувватларининг юкланганлик даражаси сезиларли даражада пасайди. Масалан, 1998 йилда, гарчи кўплаб ускуналар фойдаланишдан чиқарилиб, заводнинг қуввати йилига 38 минг тоннагача пасайтирилган бўлса-да, ишлаб чиқариш қувватларининг юкламаси атиги 4% ни ташкил этди, холос. Албатта, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик маҳсулот таннархига ўз салбий таъсирини кўрсатди, корхонада ишловчилар сонини кескин қисқартириш зарурияти пайдо бўлди. Буларнинг барчаси корхона молиявий-иқтисодий кўрсаткичларининг пасайишида ўз аксини топди.

Шу муносабат билан корхонада чуқур реструктуризация жараёнларини амалга ошириш, унинг бошқарув тузилмасини қайта ташкил этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркибини такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 мартдаги

“Иккиламчиранглиметалл” ишлаб чиқариш бирлашмасини “Ўзиккиламчиранглиметалл” очик турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантириш тўғрисидаги 160-сон қарорига мувофиқ “Ўзиккиламчиранглиметалл” ОХЖ ташкил топди. Кейинчалик 2006 йил 18 июлда рангли металл парчалари ва чиқиндилари ҳосил бўлиши ҳамда улардан фойдаланиш тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш, уларни комплекс ва чуқур қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш мақсадида “Ўзиккиламчиранглиметалл” ОХЖ ва унинг ҳудудий бўлинмаларини қайта ташкил этиш ва уларнинг негизида “Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖни ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 419-сонли қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда “Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рангли металл парчалари ва чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш бўйича монопол корхона ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда очик иқтисодиёт асосларининг барпо этилиши ва иқтисодий муносабатларнинг эркинлаштирилиши корхона олдида янги вазифалар қўймоқда. Бу, энг аввало, корхонанинг ички тузилишини кескин рақобат ва ўзгарувчан бозор муҳитига самарали тарзда мослаштириш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар улушини ошириш каби лардан иборатдир.

“Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖда реструктуризация жараёнини амалга ошириш корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилишни талаб қилади (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

“Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси

	1996	1998	2000	2002	2004	2006	2008	2008 йилда 1996 йилга нисбатан, %
Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, амалдаги нархларда, млн.сўм	198,9	360,7	717	2215,1	3675,4	10019,2	16081,9	55,4 марта
Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, 2008 йил нархларида, млн.сўм	2537	3159,2	3742,2	4517,8	4434,1	6408,9	7761,8	305,9
Ўсиш суръати, %	110,5	108	105,2	105,9	82,2	110,1	110,0	-
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми, млн сўм	-	-	5,2	178,2	201,9	168,6	285,6	-

Манба: “Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖ маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1996-2008 йиллар давомида корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таққослама нархларда қарийб 3 мартага кўпайган. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўртача кўшимча ўсиш суръати таҳлил қилинаётган давр мобайнида 8 фоиздан кўпроқни ташкил этди. Шунини таъкидлаш лозимки, корхона ялпи маҳсулоти ҳажмининг ўзгаришига унча омил таъсир кўрсатади: биринчидан, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, иккинчидан, ялпи маҳсулот таркибидаги ўзгаришлар, учинчидан, маҳсулот турларига бўлган нархлар динамикаси.

Шу муносабат билан корхона ялпи маҳсулоти динамикасига ушбу омиллар таъсирини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ (2.2-жадвал).

Жадвал маълумотлари таҳлили шундан далолат берадики, 1996 йилга нисбатан 2008 йилда алюминий қотишмаси ишлаб чиқариш 4354 тоннадан 1090,9 тоннагача, яъни 75 фоизга камайган бўлса, мис катодлари ишлаб чиқариш 2004 йилга нисбатан 2008 йилда 32 фоизга, сирланган сим ишлаб чиқариш 2000 йилга нисбатан 2008 йилда 50

фоизга, мис катанкаси ишлаб чиқариш 92 фоизга камайган.

Кўриниб турибдики, корхона ялпи маҳсулотининг ўсишига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши кучли таъсир кўрсатмаган. Аммо мис асосидаги металл қотишмалар ишлаб чиқаришнинг 2002 йилга нисбатан 2008 йилда 10,4 фоизга, лом ва рангли металл чиқиндилари ишлаб чиқаришнинг 1998 йилга нисбатан 2008 йилда 1,8 мартага ўсиши ялпи маҳсулот қийматининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатган.

2.2-жадвал

“Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖ ялпи маҳсулотининг товар таркибидаги ўзгаришлар динамикаси, тонна

	1996	1998	2000	2002	2004	2006	2008	2008 йилда 1996 йилга нисбатан, %
Алюминий қотишмаси	4354	2215	1496	1221	881	1098	1090,9	25,0
Мис асосидаги рангли металл қотишмаси	-	-	-	500,2	423,5	162,6	552,2	110,4*
Мис катодлари	-	-	-	-	312	484,4	215	68,9**
Мис катанкаси	-	-	374,5	221,4	198,2	66,3	29,4	7,8***
Сирланган сим	-	-	19,3	151,5	99,9	218,3	9,5	49,2****
Рангли металл чиқиндилари ва парчалари	-	1650	2775	330	1501	1672,2	3059	185,4*****

Манба: “Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖ маълумотлари

*2002 йилга нисбатан; **2004 йилга нисбатан; ***2000 йилга нисбатан; ****1998 йилга нисбатан

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, 2007 йилга қадар корхона ялпи маҳсулоти таркибида қатор ижобий ўзгаришлар юз берган бўлиб, бу, энг аввало, ялпи маҳсулот таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар – мис катоди, мис катанкаси, сирланган сим улушининг ўсишида ўз аксини топган эди. Аммо 2008 йилда бошланган жаҳон-молиявий инқироzi натижасида жаҳон бозорида рангли металлларга бўлган нархларнинг пасайиши маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли даражада пасайишига олиб келди.

Жадвал маълумотлари сўнгги йилларда ишлаб чиқарилаётган

маҳсулотлар таркибида жиддий ўзгаришлар юз берганлигидан далолат беради. Агар 1996 йилда корхонанинг асосий маҳсулоти фақат алюминий қотишмасидан иборат бўлган бўлса, 2000 йилдан бошлаб мис катанкаси, сирланган сим, лом ва рангли металллар чиқиндиси, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, 2002 йилдан бошлаб мис асосидаги рангли металллар қотишмаси, 2004 йилдан бошлаб эса мис катодлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари 2000 йилдан бошлаб халқ истеъмоли моллари (қозонлар (5-100 л), бачоклар (3-8 л), турли сиғимдаги чойнаклар, нон қолиплари ва бошқалар) ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Агар 2000 йилда ҳаммаси бўлиб 5,2 млн сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 178,2 млн сўмни, 2005 йилда 201,9 млн сўмни, 2006 йилда 168,6 млн сўмни, 2007 йилда 203,7 млн сўм ва 2008 йилда 285,6 млн сўмни ташкил этди.

2.3-жадвал

“Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖ нинг асосий товарларига бўлган нархлар динамикаси, кг/сўм

	1996	1998	2000	2002	2004	2006	2008	2008 йилда 1996 йилга нисбатан, %
Алюминий қотишмаси	46	96,8	157,7	561	1084	1624	2236	48,6 марта
Мис асосидаги рангли металл қотишмаси	-	-	-	1027,2	1887	4198	5796	5,6 марта*
Мис катодлари	-	-	-	-	3000	8005	8074	2,7 марта**
Мис катанкаси	-	-	360,1	1500	3538	8247,2	8858	24,6 марта***
Сирланган сим	-	-	1399	2700	4600	10755	12266,4	8,8 марта***

Манба: “Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖ маълумотлари

*2002 йилга нисбатан; **2004 йилга нисбатан; ***2000 йилга нисбатан.

Корхона ялпи маҳсулоти қийматига ижобий таъсир кўрсатган омиллардан энг муҳими асосий маҳсулот турларига бўлган ички нархларнинг ўсиши билан боғлиқ. Маълумки, 2003 йилдан 2008

йилнинг февраль ойига қадар жаҳон рангли металллар бозорида барча турдаги металллар нархларининг сезиларли даражада ўсиши кузатилди. Бу эса республикамиз ички бозорида ҳам рангли металллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар нархларининг ўсишида ўз аксини топди.

Таҳлилар шуни кўрсатадики, 1996 йилга нисбатан 2008 йилда 1 кг алюминий қотишмасининг нархи 46 сўмдан 2236 сўмгача, яъни 48,6 мартага ўсган бўлса, 2002 йилга нисбатан қарийб 4 мартага, 2004 йилга нисбатан 2,1 мартага, 2006 йилга нисбатан 1,4 мартага ўсган. Айни вақтда корхонада ишлаб чиқариладиган бошқа маҳсулотларга бўлган нархларда ҳам сезиларли ўсиш кузатилади.

Хусусан, 2004 йилга нисбатан 2008 йилда 1 кг мис катодининг нархи 3000 сўмдан 8074 сўмгача, мис катанкасининг нархи 3538 сўмдан 8858 сўмгача, сирланган симнинг нархи 4600 сўмдан 12266 сўмгача ошган. Бу шундан далолат берадики, корхона ялпи маҳсулоти қийматининг ўсишига нарх омили кучли таъсир кўрсатди.

Корхона ялпи маҳсулотига таъсир кўрсатаётган омиллар таҳлилидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, корхона хом ашё базаси ҳали ҳам қисқариш тенденциясига эга бўлмоқда. Бу эса яқин келажакда корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатиши мумкин (2.4-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1999-2008 йиллар давомида корхонада хом ашё тайёрлаш ҳажми 1,1 фоизга ўсган, шу жумладан, йирик тоннажли металллар тайёрлаш 6,8 фоизга камайган бўлса, кичик тоннажли металллар тайёрлаш 3,1 мартага кўпайган. Йирик тоннажли металллардан фақат кўрғошин тайёрлаш ҳажми ўсган, холос.

Агар 1999 йилда 2181,5 тонна кўрғошин тайёрланган бўлса, 2008 йилга келиб мазкур кўрсаткич 2865,6 тоннага етган. Айни вақтда таҳлил қилинаётган давр оралиғида мис тайёрлаш 48 фоизга, алюминий – 22,3 фоизга, латунь – 16 фоизга, бронза – 42,1 фоизга камайган.

Кичик тоннажли металлларнинг деярли барчасида маҳсулот тайёрлаш ҳажми ўсган.

2.4-жадвал

“Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖ да иккиламчи рангли металл парчаларини тайёрлаш динамикаси, тонна

	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2008 йилда 1999 йилга нисбатан, %
Йирик тоннажли рангли металллар											
Кургошин	2181,5	2022,8	2709,1	2189	1935	1674	1768	1801	1999	2865,6	131,4
Алюминий	2025,9	1649,2	2107,9	1589	1211	1106	1071	1406	1560	1574,0	77,7
Мис	986,7	1197	1155,9	1202	1266	1218	1477	962	1067	509,2	52,0
Латунь	535,5	462,1	524,2	510	486	338	264	248	275	449,3	84,0
Бронза	129,7	168,9	168,9	248	330	244	240	232	257	62,1	47,9
Жами	5859,3	5500	6666	5738	5228	4580	4820	4649	5160	5460,2	93,2
Кичик тоннажли рангли металллар											
Никель	69,8	53,7	38,7							112,1	160,6
Титан	136,8	97	61,2								
Рух	42,2	72,2	9,8	27	41	33	116	146	162	200	473,9
Магний	17,8									48,8	274,1
Бошқалар	23,7	3,4	5,2	43	53	37	340	64	71	388,3	16,4 марта
Жами	290,3	226,3	114,9	70	94	70	456	210	233	910,13	3,1 марта
Гурухлар буйича жами	6149,6	5726,3	6780,9	5835	5363	4683	5392	5005	5587	6211,2	101,0

Манба: “Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖ маълумотлари

Сўнгги йилларда рангли металл парчалари тайёрлаш ҳажми пасайишнинг бир нечта сабаблари мавжуд бўлиб, улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, рангли металл парчалари ва чиқиндилари тайёрлаш ҳажми умумиқтисодий вазият билан белгиланади. Хусусан, инвестиция ҳажмининг ўсиши амортизацион ломлар шаклланишининг жадаллашишини таъминлайди. Ўзбекистонда 1999-2004 йилларда асосий капиталга киритилган инвестиция ҳажмининг ўсиш суръатлари сезиларли даражада пасайди. Асосий капиталга киритилган инвестициялар камида бир йилдан сўнг амортизацион лом шаклланишига олиб келади. Шу сабабли 1998 ва 1999 йилларда инвестициялар ўсиш суръатларининг юқори бўлиши 1999-2002 йилларда рангли металл парчалари ва чиқиндиларининг нисбатан кўпроқ тайёрланишига олиб келган бўлса, кейинги йиллардаги пасайиш рангли металл парчалари тайёрлаш ҳажмига салбий таъсир кўрсатди. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, 2006-2008 йилларда

Ўзбекистонда инвестициялар ўсиш суръатларининг сезиларли даражада жадаллашиши 2009-2010 йилларда рангли металл парчалари тайёрлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, республикада рангли металл чиқиндилари ва парчаларини етказиб берувчи асосий тармоқ машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати ҳисобланади. Рангли металл парчалари ва чиқиндилари ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишига ушбу тармоқ ривожланишининг талаб даражасида эмаслиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу билан бирга тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилда 1999 йилга нисбатан 10 фоиздан кўпроққа пасайди. Айтилиши мумкин, сўнгги йилларда тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори суръатларда ўсиши рангли металл парчалари тайёрлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, 2005 йилга қадар Ўзбекистонда рангли металл парчалари ва чиқиндиларини аҳолидан, яъни жисмоний шахслардан қабул қилиш таъқиқлаб қўйилган эди. Фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 сентябрдаги 3800-сонли Фармонида мувофиқ кислота-қўрғошинли аккумуляторларни жисмоний шахслардан қабул қилиш мумкин, холос. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли қўлида тўпланган сезиларли ҳажмдаги маиший рангли металл чиқиндиларидан фойдаланмасликка ва йирик ҳажмдаги рангли металлларнинг ноқонуний тарзда сотилишига ҳамда ноқонуний экспортнинг ошишига олиб келди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, рангли металл парчаларини йиғиш, иккиламчи қайта ишлаш ва уни сотиш жаҳон мамлакатларида турлича ташкил қилинади. Масалан, Россияда аҳоли ва корхоналардан рангли металл чиқиндилари ва парчаларини нақд пул тўлаш асосида қабул қилишда чеклаш мавжуд эмас. Бунинг натижасида хусусий хўжаликлар ва саноат объектларидан рангли металлларни ўғирлаш оммавий тус олди ва ушбу жараёни назорат қилиш қийинлашди. Шу сабабли, Россияда, давлатнинг иқтисодий усуллар воситасида муаммони ҳал қилиш имкониятлари чегараланиб қолгач, бир қатор минтақаларда маҳаллий ҳокимиятлар вазиятни назорат остига олиш ва тайёрлов фаолиятини лицензиялаш бўйича қаттиқ маъмурий чораларни кўра бошлади. Бироқ, бу чоралар орқали ҳам юқоридаги муаммолар тўлиқ ҳал этилмапти. Масалан, рангли металлларнинг ўғирланиши натижасида РАО "ЕЭС" 1999 йилда 70 млн. доллардан зиёдроқ зарар кўрган. Шу йили 540 нафар киши,

асбоб-ускуналар ва юқори электр қуввати остидаги симларни ўғирлаш чоғида, турли хил даражада жароҳат олган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Россияда бундай ҳолат юз беришининг ўзига хос сабаблари ҳам мавжуд бўлиб, булардан энг асосийси шундан иборатки, Россияда кўплаб хусусий тадбиркорларга рангли металл парчалари ва чиқиндиларни тайёрлашга лицензия берилди. Бунинг натижасида бу жараёни назорат қилиш имкониятлари қийинлашди. Ўзбекистонда эса рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш монополлаштирилган бўлиб, бу мазкур жараёни назорат қилиш ва ҳисобга олиш ишларини мақсадга мувофиқ ташкил этиш имкониятини беради.

Тўртинчидан, гарчи Ўзбекистонда металл парчаларини йиғиш ва топшириш эркин (шартнома) нархларда амалга оширилган бўлса-да, рангли металл парчаларининг харид нархлари бозор нархларидан сезиларли даражада паст бўлиши кузатилар эди. Бу эса рангли металл парчалари ва чиқиндиларини топширувчилар манфаатларига мос келмас эди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг 2006 йил 11 августдаги “Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖ ва унинг ҳудудий корхоналари томонидан рангли металл парчалари ва чиқиндиларини харид қилиш нархини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ Лондон Металл биржасида котировка қилинмайдиган рангли металл парчалари ва чиқиндиларига бўлган нархлар бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгиланадиган бўлди. Лондон Металл биржасида котировка қилинадиган металл парчалари ва чиқиндиларининг нархлари биржа нархига асосланади. Фақат Лондон биржасида шаклланган нархлар Марказий Банк расмий алмашув курси асосида "сўм"га айлантирилади ҳамда ундан металлни сертификациялаш, экспертизадан ўтказиш ва транспорт харажатлари ҳамда рангли металл қотишмаларини тайёрлаш харажатлари чиқариб ташланади (1-илова).

Бундан ташқари корхона Бошқарув қарорига мувофиқ юқорида келтирилган тартибда ҳисобланадиган нархлардан қимматроқ нархда ҳам рангли металл парчалари ва чиқиндиларини сотиб олиши мумкин. Бунинг учун рангли металл парчалари ва чиқиндиларини

топширувчилар йирик партиядаги рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қатъий белгиланган муддатда корхонага етказиб беришлари лозим бўлади. Бу муддат 6 ойдан ошиб кетмаслиги керак.

Албатта, рангли металл парчалари ва чиқиндиларига нархлар белгилашда бундай ёндошув рангли металл парчалари ва чиқиндиларини топширишдан манфаатдорликларини оширади. Шу сабабли кейинги йилларда корхонада ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли даражада ошиши кутилмоқда (2008 йилда кичик тоннажли рангли металллар етказиб бериш ҳажмининг ўсганлигини кўп жиҳатдан шу омил билан изоҳлаш мумкин).

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонасини реструктуризациялашда ички бозордаги таклиф ҳажмини ўрганиш, унинг шаклланиш манбаларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга (2.5-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000-2008 йилларда алюминий қотишмаларининг ички истеъмоли ҳажми 979 тоннадан 1143,7 тоннагача, яъни қарийб 17 фоизга ўсган. Бу ўсиш, энг аввало шу билан тушунтириладики, республикамизда сўнгги йилларда барқарор ўсиш суръатларининг кузатилаётганлиги, рангли металллар истеъмолчиси ҳисобланган корхоналарда чуқур модернизация жараёнларининг амалга оширилаётганлиги, ташқи бозорда 2008 йилга қадар қулай конъюнктуранинг шаклланганлиги алюминий қотишмалари истеъмолчилари харид қобилиятларининг ўсишида ўз аксини топди.

Бундан ташқари 2000 йилдан бошлаб алюминий қотишмаларининг ички истеъмоли сезиларли даражада ўсди ва алюминий қотишмаларидан тайёрланадиган маҳсулотлар, шу жумладан, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада кўпайди.

Шу билан бирга бугунги кунда “ЎзДЭУавто” корхонаси учун локализация дастури асосида 6 турдаги эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ўзлаштирилди. Таҳлиллар ва соҳа мутахассисларининг бераётган баҳоларига кўра, иккиламчи алюминийнинг ички бозори салоҳияти жуда катта. Корхоналар эҳтиёжларининг амалга ошиши ва алюминий қотишмаларига харид қобилиятининг пайдо бўлиши миллий иқтисодиётнинг ривожланиш суръатларига боғлиқ.

2.5-жадвал

“Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖ маҳсулотларининг 1998-2008 йилларда ички бозорда сотилиш динамикаси

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2008 йилда 2000 йилга нисбатан, %
Алюминий қотишмалари, тонна	979	710	651,1	793,7	625,6	483,8	585,1	602,4	1143,7	116,8
Аккумуляторлар, дона	0	884	1192	2271	1910	1460	1083	926	430	48,6*
Кабель-сим маҳсулотлари, км	0	646,6	1210	38,9	0	0	493,5	497,4	0	-
Мис катанкаси, тонна	456,4	279,7	92,3	352,6	179,5	135,8	37,9	42,1	114,2	25
Мис катодлари, тонна	0	0	0	298,4	64,7	119	13	15	180	-
Сирланган сим, тонна	3,3	102,3	135,1	83,9	84,0	21,5	188,2	201,5	110,7	33,5 марта
Қўрғошин қотишмалари, тонна	2	81,3	67,1	17	35,4	70	86,6	91,2	71,6	35,8 марта
Мис қотишмалари, тонна	44,1	47,4	31,5	47,6	84	80,8	186,7	205,4	444,7	10,8 марта
Алюминий қотишмаларидан қуйилмалар, тонна	0	27,8	23,7	50,9	24,4	213,4	189,7	301,4	370	13,3 марта*
Алюминий қотишмаларидан буюмлар, дона (шт)	0	15720	17677	9813	6410	6672	2400	2500	55000	3,5 марта*
Қозонлар, дона	1350	38262	24198	14675	15800	5643	4133	3860	1175	87,0
Нон қолиплари, дона		14946	22228	36913	19860	7435	4288	4000	22000	1,5 марта*
Алюминий бачоклар, дона		0	10031	4400	1310	3056	1800	1800	1025	-
Рангли металл парчалари ва чиқиндилари, тонна	208	163,5	12,1	568,6	952	2892,2	979,3	3212	2395,4	115,2

Манба: “Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖ маълумотлари

Айни вақтда иккиламчи алюминийдан тайёрланган маҳсулотларга бўлган талабнинг юқорилиги корхонада алюминий қотишмаларидан тайёрланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб боришни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан корхонанинг мақбул маҳсулотлар портфелини шакллантириш учун корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ички бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришларини кузатиб бориш, нархлар ўзгаришини таҳлил қилиш, рақобатчи корхоналар фаолиятини ўрганиш ва шунга мувофиқ чора-тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Жадвал маълумотларидан яна шуни кўриш мумкинки, корхонада рангли металл парчалари ва чиқиндиларини сотиш динамикасида аниқ бир тенденция кўзга ташланмайди. Бу, энг аввало, шу билан изоҳланадики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ корхона 1998 йилдан бошлаб тайёрланган рангли металл парчалари ва чиқиндиларини “ЎзЭксайд” қўшма корхонасига сотиши кўзда тутилган эди. Аммо қўшма корхонада айланма маблағларнинг етишмаслиги натижасида “Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖ томонидан тайёрланган хом ашёни харид қила олмади. Бу эса корхона омборхоналарида рангли металл парчалари ва чиқиндиларининг тўпланиб қолишига олиб келди. 2005 йилда корхона томонидан қарийб 3 минг тонна рангли металл парчалари ва чиқиндиларининг сотилиши айнан шу ҳолат билан изоҳланади, яъни 2005 йилда “ЎзЭксайд” қўшма корхонаси йирик миқдорда хом ашё сотиб олишга эришди.


Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун рангли металллар чиқиндилари ва парчаларини қайта ишлаш даражасини ошириш лозим. Бу эса ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ва технологияларни такомиллаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш билан боғлиқ.

Таъкидлаш лозимки, бу йўналишда корхонада қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2002 йилда Марказий Осиёда ягона қиймати 1750 минг АҚШ долларини ташкил этувчи мис асосга эга бўлган қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича замонавий линия корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан фойдаланишга топширилди. “Индуктерм” (“Ферросталь” Германия) индукционли тигел печи, рангли металлларнинг кимёвий таркибини аниқлаш учун ўз лабораториясига эга бўлган мажмуа ўрнатилди.

Айни вақтда шу йилнинг ўзида мис ва алюминий гуруҳидаги рангли металл темир-терсакларини механизациялашган тарзда қайта ишлаш бўйича лойиҳа амалга оширилди, Япония ҳукуматининг грант маблағлари ҳисобидан қиймати 1750 минг АҚШ долларга тенг бўлган ускуналар – алюминий қотишмалари учун акслантирадиган печ, ишчи механизмлари (бутловчи қисмлар билан бирга), мобилли юклама машина, йирик габаритли универсал майдалагич, майдаланган темир-терсакларни майда-майда қилиб увадаловчи универсал гранулятор, плазмали кесувчи асбоблар етказиб берилди. Умуман 2002-2004

йиллар давомида корхонага 3 млн АҚШ долларида зиёдрок инвестиция киритилган.

“Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖнинг ташқи иқтисодий фаолияти кўрсаткичлари, минг АҚШ доллари



Манба: “Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖ маълумотлари

2.1-расм

2005 йилда корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан қиймати 1650 минг АҚШ долларига тенг бўлган кўрғошинли аккумуляторларни ажратиш бўйича ускуналар мажмуи ишга туширилди. Технологияларни такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш учун алюминий қотишмаларидан кенг истеъмол моллари (нон қолиплари, қозонлар, ғишт заводлари учун панжаралар) ишлаб чиқариш бўйича қуйиш цехи ташкил қилинди, 3 та кичик акслантирувчи печлар қуюлди ва фойдаланишга топширилди, қўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар (сирланган сим, мис катодлар, ғўла темирлар) ишлаб чиқариш бошланди.

Корхонада реструктуризациялаш жараёнини муваффақиятли амалга ошириш унинг ташқи иқтисодий фаолиятини

такомиллаштириш билан яқиндан боғлиқ (2.1-расм).

Бугунги кунда “Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖ яқин ва узоқ хориждаги 17 мамлакат фирма ва компанияларига маҳсулотлар етказиб бериш бўйича шериклик муносабатлари ўрнатган. Корхона ўз маҳсулотларини асосан Швейцария, АҚШ, Қозоғистон, Канада, БАА, Панама, Германия, Россия Федерацияси, Бельгия, Хитой каби мамлакатларга экспорт қилади.

2.1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 1998-2008 йилларда корхонанинг ташқи савдо айланмаси 2686,2 минг доллардан 5150,2 минг долларгача, яъни 1,9 мартага ўсган бўлса, экспорт ҳажми 1989 минг доллардан 3126,1 минг долларгача (1,5 марта), импорт ҳажми 696,6 минг доллардан 2024,1 минг долларгача (2,9 марта) кўпайган.

Бироқ экспорт динамикасида аниқ бир тенденция кўзга ташланмайди. Хусусан, 1998-2003 йилларда корхонанинг ташқи савдо айланмаси 55,6 фоизга, экспорт ҳажми 46 фоизга, импорт ҳажми эса қарийб 83 фоизга қисқарган.

2.6-жадвал

“Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖ экспортининг товар таркибидаги ўзгаришлар динамикаси, %

Йиллар	Рангли металл парчалари	Алюминий	Мис асосидаги қотишмалар	Жами
1998	100	-	-	100
1999	67,7	32,3	-	100
2000	88,5	11,5	-	100
2001	52,0	25,7	22,3	100
2002	29,9	40,9	29,2	100
2003	30,1	16,2	53,7	100
2004	16,4	11,7	71,9	100
2005	47,2	2,3	50,5	100
2006	20,8	33,1	46,1	100
2007	19,8	32,4	47,8	100
2008	22	34,5	43,5	100

Манба: “Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖ маълумотлари

Бу шундан далолат берадики, корхонанинг экспорт ҳажми кўп жиҳатдан жаҳон рангли металллар бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришларга боғлиқ. Масалан, 1998 йилда корхона 2581 тонна

рангли металл парчаларини 1989 минг долларга сотган бўлса, 1999 йилда 5088 тонна рангли металл парчалари 1588 минг долларга сотилган. Худди шундай аҳвол кейинчалик ҳам юз берган: агар 2005 йилда 1293 тонна рангли металл парчаси 1310,1 минг АҚШ долларига сотилган бўлса, 2006 йилда 606,6 тонна рангли металл парчасини сотишдан 476,3 минг АҚШ доллари миқдорида пул тушумига эга бўлинган.

Шунга қарамасдан, корхона экспортининг товар таркибида бир қатор ижобий ўзгаришлар юз бераётганини таъкидлаш лозим (2.6-жадвал). Жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, корхонанинг экспорт маҳсулоти 1998 йилда фақат рангли металл парчаларидан иборат бўлган бўлса, 2008 йилда 3 турдаги маҳсулот четга чиқарилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, экспорт таркибида қўшилган қиймат даражаси нисбатан юқори бўлган мис асосидаги қотишмалар улуши ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Агар 1998 йилда жами экспорт тушумларининг барчаси рангли металл парчалари ҳисобига олинган бўлса, 2008 йилда мис асосидаги қотишмаларнинг жами экспортдаги улуши 43,5 фоизни, алюминийнинг улуши 34,5 фоизни ташкил этган.

Шунга қарамасдан, корхонанинг экспорт маҳсулотлари номенкла-тураси анча тор эканлигини қайд этиш лозим. Бу эса, бир томондан, маҳсулот экспорти ҳажмининг беқарор бўлишига олиб келса, иккинчи томондан, экспорт ҳажмини жаҳон рангли металллар бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришларга боғлиқ қилиб қўяди.

Шу муносабат билан корхонанинг экспорт таркибини диверсификация-лаш ва экспорт таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар улушини ошириб бориш бўйича аниқ чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш лозим. Ана шундай йўналишлардан бири корхонада ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли молларини экспорт қилиш ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, Марказий Осиё мамлакатлари бозорларини маркетинг тадқиқотлари воситасида ўрганиш ушбу мамлакатларга халқ истеъмоли моллари экспортини амалга ошириш имконини беради.

Шу ўринда яна бир жиҳатни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 5 февралдаги 2212-сонли фармонида мувофиқ миллий ишлаб чиқарувчиларни хом ашё билан таъминлаш ва ички бозорни ҳимоя қилиш мақсадида рангли металлларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига

олиб чиқиш таъқиқланган.

Фақат “Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган миқдорда рангли металл чиқиндилари ва парчаларини экспорт қилиши мумкин. Бу миқдор ички бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Агар корхона ички бозорда истеъмолчилар эҳтиёжини қондира олса, ундан ортган қисмини экспорт қилиш ҳуқуқига эга. Бошқача қилиб айтганда, бу ҳолат экспорт ҳажмини чеклашга таъсир кўрсатса-да, корхонанинг юқори самара билан ишлаши экспорт ҳажмини ошириш имкониятини беради.

2.2. Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарини реструктуризациялаш таҳлили ва унинг самарадорлигини баҳолаш

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарида реструктуризациялаш жараёни самарадорлигига баҳо беришда унинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш муҳим ўрин тутди. Бу ҳолат, энг аввало шу билан изоҳланадики, агар корхонада пасив реструктуризация амалга оширилса, бозор муҳитига мослашув билан боғлиқ чора-тадбирлар корхонанинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда молиявий барқарорлик ҳукм сурган шароитда реструктуризация жараёнларини муваффақиятли амалга ошириш мумкин. Агар актив реструктуризация амалга оширилса, потенциал инвесторлар ҳамкорлик тўғрисидаги қарорни корхонанинг молиявий ҳолати ва барқарорлигидан келиб чиқиб қабул қиладилар.

Маълумки, молиявий барқарорлик корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан асосий ва айланма капиталга, номоддий активларга киритилган харажатларни қоплаш, ўз мажбуриятларини вақтида тўлай олиш қобилиятини ифодалайди (2.7-жадвал).

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналари молиявий барқарорлигининг ўзгаришига баҳо беришда автономлик коэффициентидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу кўрсаткич корхона молиявий ҳолатининг мустақиллик даражасини ифодалайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, амалий тажриба шуни кўрсатадики, агар автономлик коэффициенти 0,6 дан катта қийматга эга бўлса, бу

ҳолат корхона барча тўловларни ўз маблағлари ҳисобидан тўлашга қодир эканлигини кўрсатади.

2.7-жадвал

“Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖ нинг 2001-2008 йиллардаги молиявий барқарорлик кўрсаткичлари

	Меъёр	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Автономлик коэффиценти	>0,6	0,43	0,38	0,51	0,53	0,54	0,49	0,45	0,43	0,43
Молиявий барқарорлик коэффиценти	>0,1	0,27	0,37	0,22	0,16	0,19	0,22	0,43	0,45	0,46
Умумий ликвидлик коэффиценти	>2	3,77	3,23	3,47	4,35	3,48	3,59	1,88	1,92	1,93
Мутлақ ликвидлик коэффиценти	>0,2 <0,7	1,61	0,76	0,18	0,48	0,22	0,18	0,38	0,41	0,44
Иш фаоллиги коэффиценти	-	1,56	1,09	0,68	0,81	0,58	0,72	0,99	1,01	1,05
Рентабеллик даражаси	-	23,0	21,9	16,5	8,8	8,0	14,2	15,9	16,2	16,2
Асосий фондларнинг янгиланиши коэффиценти	-	0,37	0,06	0,45	0,38	0,10	0,44	0,28	0,29	0,27
Асосий фондларнинг чиқарилиши коэффиценти	-	0,04	0,02	0,01	0,38	0,01	0,03	0,01	0,01	0,01
Асосий фондларнинг эскириши коэффиценти	-	0,36	0,41	0,43	0,33	0,53	0,51	0,36	0,41	0,45

Манба: “Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонасида ушбу кўрсаткични ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатадики, корхона барча тўловларни ўз маблағлари ҳисобидан қоплаши учун етарли даражада мустақил эмас. Корхона бўйича автономлик коэффиценти 2000-2008 йилларда ўзгаришсиз қолган ва 0,43 ни ташкил этган. Бу эса меъёрий кўрсаткичдан паст ҳисобланади.

Молиявий барқарорлик коэффиценти корхона ўз хўжалик

фаолиятига қўшимча манбаларни (қарз маблағларини) жалб эта олиш қобилиятини кўрсатади. Агар мазкур коэффициент 1 дан катта қийматга эга бўлса, корхона маблағларининг жалб этилган маблағларни қоплаш учун етарли эмаслигини кўрсатади.

“Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖда молиявий барқарорлик коэффициенти динамикасини таҳлил қилиш корхонанинг барқарор ҳолатда эканлигини, ташқи кредиторларга боғлиқ эмаслигини, жорий фаолиятни молиялаштириш асосан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилётганлигини кўрсатади. Шу билан бирга корхонанинг ташқи молиялаштириш манбаларидан етарли даражада фойдаланмаётганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. 2.7-жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, гарчи 2000 йилга нисбатан 2008 йилда молиявий барқарорлик коэффициенти 0,27 дан 0,46 гача ўсган бўлса-да, корхона ўз хўжалик фаолиятига сезиларли миқдорда ташқи молиялаштириш манбаларини жалб этиши мумкин. Чунки молиявий барқарорлик коэффициентининг 1 га тенг бўлиши назарий жиҳатдан энг оптимал ҳисобланади.

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонаси бўйича умумий ликвидлик коэффициенти аниқлаш натижалари шуни кўрсатадики, мазкур коэффициент пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Агар 2006 йилга қадар мазкур кўрсаткич меъёрий даражада ёки ундан юқори бўлган бўлса, 2008 йилда 1,93 ни ташкил этди ва бу меъёрий даражадан сезиларли даражада пастдир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, умумий ликвидлик коэффициентининг пасайиши дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилган тақдирда ҳам корхонанинг тўлов қобилияти пасаётганлигини кўрсатади. Корхонада умумий ликвидлик даражасининг пасайиши ликвидли маблағлар миқдорининг сезиларли даражада қисқариши билан боғлиқ.

Корхона бўйича мутлақ ликвидлик коэффициентда ҳам худди шундай тенденция кузатилади. Агар 2000 йилда мутлақ ликвидлик коэффициенти 1,61 га тенг бўлган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 0,44 гача пасайган. Агар мутлақ ликвидлик коэффициенти корхонанинг қисқа муддатли қарзларнинг қанча қисмини тўлаш қобилиятига эга эканлигини ифодалашини ҳисобга олсак, корхона тўлов қобилиятининг пасаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Корхонанинг иш фаоллиги молиявий жиҳатдан капиталнинг

умумий айланиши кўрсаткичи орқали аниқланади. Юқоридаги жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонасининг иш фаоллиги коэффиценти пасаймоқда: агар мазкур кўрсаткич 2000 йилда 1,56 га тенг бўлган бўлса, 2008 йилга келиб 1,05 гача пасайган. Бу корхонада сезиларли миқдорда ишлаб чиқариш захиралари тўпланиб қолганлигидан далолат беради.

Корхонанинг молиявий аҳволига баҳо беришда рентабеллик кўрсаткичи муҳим аҳамиятга эга. Рентабеллик ишлаб чиқаришнинг даромадлилигини, фойдалилигини, самарадорлигини ифодаловчи муҳим иқтисодий кўрсаткичдир. Бу кўрсаткич турли миқдор ва сифат кўрсаткичлари: ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши, таннарх пасайишининг ўзига хос синтези сифатида намоён бўлади.

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонасида рентабеллик даражасини таҳлил қилиш натижалари шундан далолат берадики, кейинги йилларда бу кўрсаткич пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Гарчи фойда миқдори 2000 йилда 319,4 млн сўмдан 2008 йилда 1150,2 млн сўмгача ўсган бўлса-да, рентабеллик даражаси ушбу даврда 23 фоиздан 16,2 фоизгача пасайган. Бу, энг аввало, янгидан ишга туширилган асосий фондлар қиймати ўсиш суръатларининг юқорилиги ва ишлаб чиқариш қувватлари юқламасининг пастлиги билан тушунтирилади. Шу билан бирга корхонада рентабеллик даражасининг 2004 йилдан бошлаб ўсиш тенденциясига эга бўлаётганлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Корхонанинг асосий фондлари ҳолати ва уларни такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таҳлил қилиш реструктуризация жараёнини амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади, чунки бу фондлар корхона ўз маблағларининг асосий қисмини ташкил этиш билан бирга ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш, янги техника ва технологияларни қўллаш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга баҳо бериш имконини беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, гарчи сўнгги йилларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда янги техника ва технологияларни жорий этиш бўйича ижобий ишлар амалга оширилётган бўлса-да, корхонада асосий фондларнинг янгиланиш коэффиценти сўнгги йилларда пасаймоқда. Агар янгиланиш коэффицентининг қиймати 2000 йилда 0,37 ни ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб 0,27 га тенг

бўлган. Асосий фондларнинг эскиришида эса нисбатан барқарорлик кузатилади. Асосий фондларнинг янгиланиши ва эскириши коэффициентларини ўзаро солиштириш натижалари корхонада янги техника ва технологияларни жорий этиш ишлари нисбатан сустр бораётганлигини кўрсатади. Бунинг натижасида асосий фондлар таркибида эскирган ускуналар улуши ўсиб бормоқда. Бу эса албатта маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ва сифатига ўз салбий таъсирини кўрсатади. Шу сабабли корхонага янги инвестициялар жалб этиш ишларини фаоллаштириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш лозим.

2.8-жадвал

“Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖда реструктуризациядан кутилган самарадорликни ҳисоблаш учун берилган кўрсаткичлар

Дастур кўрсаткичлари	2009				2010			
	I кв	II кв	III кв	IV кв	I кв	II кв	III кв	IV кв
Дастур доирасида кўзда тутилган инвестициялар ҳажми, млн сўм, жорий нархларда	80	100	120	150	50	-	-	-
Кутилган фойда, млн сўм, жорий нархларда	0	60	110	160	130	120	120	120
Банк депозит фоизининг кварталлик ставкаси, %	3,5	3,5	3,5	3,5	3,5	3,5	3,5	3,5
Инфляциянинг ўртача кварталлик даражаси, %	1,8	1,8	1,8	1,8	2	2	2	2

Манба: “Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖнинг реструктуризация дастури маълумотлари

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонасида амалга оширилаётган реструктуризация жараёнларига молиявий барқарорлик ва асосий фондлардан фойдаланиш коэффициентлари орқали баҳо бериш натижалари корхонанинг нисбатан барқарор ва молиявий жихатдан мустақил эканлигини, жорий фаолият асосан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини кўрсатади. Шу билан бирга ликвидлик кўрсаткичлари корхонада ликвид ресурслар захиралари камайиб бораётганлигини кўрсатади. Корхонанинг иш фаоллиги кўрсаткичлари

айланма маблағларнинг айланиш тезлиги пасайганлигини кўрсатади. Бу эса корхонада сезиларли миқдордаги ишлаб чиқариш захиралари тўпланиб қолганлигидан далолат беради.

Корхонанинг рентабеллик даражаси сўнгги йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Бу ҳолат янгидан ишга туширилган асосий воситалар қийматининг юқорилиги ва ишлаб чиқариш қувватлари юкламаларининг пастлиги билан изоҳланади.

Корхона асосий фондларининг янгиланиш ва эскириш коэффицентларини ўзаро солиштириш натижалари корхонада янги техника ва технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнлари сусти бораётганлигидан далолат беради. Айни вақтда эскириш коэффицентининг янгиланиш коэффицентидан юқори бўлиши асосий фондлар таркибида эскирган фондлар улушининг юқори бўлишига олиб келади. Бу эса молиявий-иқтисодий кўрсаткичларга салбий таъсир кўрсатади.

Юқоридаги таҳлиллар натижасини умумлаштириш шуни кўрсатадики, корхонада жиддий реструктуризациялаш чора-тадбирларини амалга ошириш лозим. Бунинг учун реструктуризациялаш дастурини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигига баҳо бериш лозим.

Мазкур тадқиқот ишида “Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖда 2009-2010 йилларга мўлжалланган реструктуризация дастури самарадорлигига баҳо берилди. Реструктуризация самарадорлигига баҳо беришда ушбу тадқиқот ишида таклиф этилган услубий ёндошувдан фойдаланилди. 2009 йилда реструктуризация дастури доирасида 500 млн сўмлик маблағ сарфланиши режалаштирилган. Реструктуризациялаш дастури самарадорлигига баҳо бериш учун дастлабки маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Мазкур тадқиқот ишида келтирилган реструктуризация самарадорлигини аниқлаш услубиёти асосида (6) формула бўйича дисконтлаш ва инфляцияни ҳисобга олган ҳолда инвестициялар ва соф даромадлар оқими ва (7) формула бўйича инвестициялар самарадорлиги ҳисобланди.

Ҳисоб-китоб натижалари шуни кўрсатадики, реструктуризациялаш дастурига киритилган инвестицияларнинг қопланиш муддати тахминан бир йилу 4 ойни ташкил этади. Бу ҳисоб-китобда келтирилган инфляция даражаси кўрсаткичлари 2009 йилнинг биринчи ярмидаги инфляция даражаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил учун Инқирозга қарши дастурида келтирилган прогноз кўрсаткичларига асосланган. Банк депозит фоизининг кварталлик ставкаси эса 2010 йилда ҳам ўзгармас деб қабул қилинган.

2.9-жадвал.

**“Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини
тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОХЖда реструктуризация
самарадорлиги кўрсаткичлари**

Дастур кўрсаткичлари	2009				2010			
	I кв	II кв	III кв	IV кв	I кв	II кв	III кв	IV кв
Жами инвестиция оқимларининг келтирилган киймати, млн сўм	76,0	166,3	269,1	391,1	429,3	-	-	-
Жами фойданинг келтирилган киймати, млн сўм	-	54,1	148,3	278,4	377,9	464,6	546,8	624,7
Жами инвестициялар ва фойда ўртасидаги тафовут	-76,0	-112,2	-120,8	-112,7	-51,4	35,3	117,5	195,4
Инвестиция самарадорлиги	-1,0	-0,67	-0,45	-0,29	-0,12	0,08	0,27	0,45

Аниқланган самарадорлик кўрсаткичлари инвестициялар самарадорлигининг юқори эканлигини кўрсатади.

Маълумки, иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонасини реструктуризациялаш натижасида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши, корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти ошиши, молиявий ҳолати яхшиланиши, экспорт имкониятлари кенгайиши лозим. Иккиламчи металлларни қайта ишлаш корхонасини реструктуризациялаш стратегиясининг асосий йўналишларини асослашда корхона фаолиятини SWOT-таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

SWOT-таҳлил корхонанинг кучли ва кучсиз жиҳатларини аниқлаш, имкониятлар ва таҳдидларни ҳисобга олиш имконини беради ва реструктуризация моделини танлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. SWOT-таҳлил натижалари SWOT-таҳлил матрицасида акс эттирилади.

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонасида қуйидаги йўналишлар бўйича SWOT-таҳлилни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: хом ашё бозори, маҳсулотлар сотишнинг ички бозори, ташқи бозор, тайёрлов соҳаси, технология, маркетинг, молиявий ҳолат, харажатлар даражаси, корпоратив ривожланиш.

SWOT-таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда корхонани реструктуризация стратегиясини белгилаб олиш лозим. Бизнинг

фикримизча, иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонаси учун “ишлаб чиқаришни диверсификациялаш” модели мос келади, чунки корхонанинг молиявий аҳволини қониқарли баҳолаш мумкин, аммо корхонада мавжуд қувватлардан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Маълумки, реструктуризациялашнинг “ишлаб чиқаришни диверсификациялаш” модели корхонанинг маҳсулотлар портфелида қўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар улушини ошириш орқали, бир томондан, маҳсулотлар турини кўпайтиришни, иккинчи томондан, маҳсулотларни сотишдан олинadиган даромадлар миқдорини оширишни кўзда тутadi. Бундай моделнинг қўлланилиши корхонани жаҳон бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришларга боғлиқлигини пасайтиради, чунки тайёр маҳсулотлар бозорида хом ашё бозорига нисбатан нархлар тебраниши амплитудаси анча паст бўлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, корхона учун энг муҳим муаммолардан бири хом ашё тайёрлаш ҳажмининг пасаётганлиги ҳисобланади. Шу сабабли реструктуризациялаш жараёнининг асосий йўналишларидан бири хом ашё тайёрлаш ҳажмини оширишдан иборат.

Таъкидлаш лозимки, бу соҳада корхонада қисқа муддатга мўлжалланган чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган ва улар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда хом ашё ҳажмини ошириш қуйидаги йўналишлардаги ишларнинг муваффақиятига боғлиқ.

2.1-чизма. "Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи" ОАЖнинг SWOT матрицаси

Имкониятлар	Таҳдидлар
<i>Хом ашё бозори</i>	
1. Касаначиликни ривожлантириш йўли билан ички хом ашё бозорини кенгайтириш.	1. Жисмоний шахслардан рангли металл чиқиндилари ва парчаларини тайёрлаш таъқиқланганлиги туфайли хом ашё ҳажмининг қисқариши
<i>Маҳсулотларни сотиш бўйича ички бозор</i>	
1. Алюминий ва мис қотишмалари ички бозорининг юқори салоҳияти. 2. Алюминий қотишмалари ва халқ истеъмоли молларининг янги бозорларига чиқиш. 3. Мис қотишмаларидан тайёрланган маҳсулотлар билан янги бозорларга чиқиш	1. Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, қурилиш саноати ва бошқа соҳаларда турғунлик ҳолатининг вужудга келиши ҳамда саноат корхоналари харид қобилиятининг пасайиши. 2. Корхона фаолиятини тартибга солишда ноқулай ўзгаришларнинг юз бериши. 3. Барқарор ишлаб чиқариш базасининг мавжуд эмаслиги туфайли мис катанкаси ва сирланган мис ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши.
<i>Ташқи бозор</i>	
1. Рангли металл истеъмоли ва нархларининг ўсиши.	1. Рангли металл нархларининг пасайиши
Кучли жиҳатлари	Кучсиз жиҳатлари
<i>Тайёрлов</i>	
1. Фонд асосида хом ашё билан таъминлаш ва хом ашё тайёрлаш ҳажмини сезиларли даражада ошириш.	1. Хом ашё тайёрлаш ҳажмини кенгайтириш имкониятининг чекланганлиги.
<i>Технология</i>	
1. Мис қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича замонавий линиянинг мавжудлиги. 2. Алюминий қотишмалари учун замонавий универсал гранулятор, плазмали кесувчи асбобларнинг мавжудлиги. 3. Қўрғошинли аккумуляторларни ажратиш бўйича ускуналар мажмуининг ишга туширилганлиги.	1. Асосий фондлар эскириш даражаси ва энергия сифимининг юқорилиги.
<i>Маркетинг</i>	
1. Маҳсулотларнинг қарийб 40 фоизининг ички бозорда юқори рентабеллик асосида сотилиши. 2. Маҳсулотлар портфелининг юқори ликвидлиги.	1. Маҳсулотлар номенклатурасининг торлиги ва ички бозорда маркетинг воситаларидан суғайдаланилиши. 2. Халқ истеъмоли моллари бозорининг етарли даражада ўрганилмаганлиги.
<i>Молиявий ҳолат, харажатлар даражаси</i>	
1. Корхонанинг ижобий молиявий натижалари. 2. Техник жиҳатдан қайта қуrollаниш учун ўз маблағларининг етарлилиги.	1. Ишлаб чиқариш қувватларининг паст юкланганлиги. 2. Маҳсулотлар таннархининг нисбатан юқорилиги.
<i>Корпоратив ривожланиш</i>	
1. Корхона бизнесини қайта ташкил этиш заруриятининг корхона раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланиши. Корхона бошқаришда стратегик ёндашувга ўтиш. 2. Технологик ва ташкилий ривожланиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, ходимларни ўқитиш вазифаларининг қўйилаётганлиги.	1. Молиявий ҳисоб ва режалаштиришнинг талаб даражасида эмаслиги. 2. Харажатларни бошқариш тизимининг такомиллашмаганлиги. 3. Корхонанинг функционал бўлимлари орасидаги мувофиқликнинг етарли даражада таъминланмаганлиги.

Манба: Муаллиф томонидан тузилган

Биринчидан, республикада барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг сақланиб қолиши ва янада жадаллашиши, ишлаб

чиқаришни қайта куроллантиришга сарфланаётган инвестициялар ҳажмининг ошиши ва бунинг натижасида амортизацион рангли металл парчалари тайёрлаш ҳажмининг кўпайиши. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги уч йилда ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатларининг жадаллашиши ва инвестициялар ҳажмининг сезиларли даражада ошиши кузатилмоқда. Бу эса хом ашё тайёрлаш ҳажмининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, корхона томонидан қабул қилинаётган рангли металл парчалари ва чиқиндиларининг харид нархларини ошириш. Бу соҳада ҳам, юқорида таъкидлаганимиздек, сезиларли натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг 2006 йил 11 августдаги “Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОАЖ ва унинг ҳудудий корхоналари томонидан рангли металл парчалари ва чиқиндиларини харид қилиш нархини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ Лондон Металл биржасида котировка қилинмайдиган рангли металл парчалари ва чиқиндиларига бўлган нархлар бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгиланадиган бўлди. Лондон Металл биржасида котировка қилинадиган металл парчалари ва чиқиндиларининг нархлари биржа нархига асосланади. Бу эса хом ашё тайёрлаш ҳажмига ижобий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, хом ашё тайёрлаш ҳажмини ошириш мақсадида корхона ўз филиаллари билан пудрат шартномасини тузиш амалиётини йўлга қўйди. Бу шартномага мувофиқ рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаган бригадалар топширилган рангли металл парчалари ва чиқиндилари қийматининг 8 фоизини иш ҳақи сифатида оладилар. Шартномага мувофиқ, белгиланган топшириқ 3 ой давомида бажарилмаса, у ҳолда завод шартномани бузишга ҳақли ҳисобланади. Бундай амалиётнинг йўлга қўйилиши хом ашё етказиб берувчиларни рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳажмини оширишдан манфаатдорлигини оширади. Бу эса ўз навбатида хом ашё тайёрлаш ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Тўртинчидан, аҳоли қўлида тўпланиб қолган маиший рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлов соҳасига жалб этиш. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 4

мартдаги “Рангли металл парчалари ва чиқиндилари ўғирланиши ҳамда ноқонуний четга олиб кетилишининг олдини олиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2559-сонли Фармонига мувофиқ рангли металл парчалари ва чиқиндиларини жисмоний шахслар томонидан тайёрланиши ҳамда улардан “Тошкент рангли металл парчалари, чиқиндиларини қайта ишлаш заводи” ОАЖ тайёрловчи ташкилотларида қабул қилиниши таъқиқланган. Фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 сентябрдаги 3800-сонли Фармонига кўра жисмоний шахслардан ишлатиб бўлинган аккумуляторларни қабул қилиб олиш бундан мустасно. Шу сабабли корхона маиший рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлов соҳасига жалб этиш мақсадида касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Унга кўра касаначи корхонанинг агенти сифатида ишга қабул қилинади ва улар ўртасида шартнома имзоланади. Шартномага мувофиқ касаначи аҳоли қўлида тўпланиб қолган маиший лом тўғрисида ахборот йиғади. Касаначи томонидан тўпланган ахборотга мувофиқ аҳоли қўлида тўпланган рангли металл парчалари ва чиқиндилари муайян даражага етгандан сўнг корхона томонидан сотиб олинади ва касаначига умумий қийматнинг 5 фоизи миқдорида иш ҳақи тўланади (5-илова).

Таъкидлаш лозимки, касаначилар томонидан электротехника (кабеллар, электр узатувчи ҳаво линиялари, алоқа линиялари), саноат (дендритлар, катализаторлар, шлаклар, қириндилар), ҳарбий соҳада ҳосил бўлган рангли металл парчалари ва чиқиндилари, шунингдек, темир йўл ва ҳаракатдаги состав ускуналари қабул қилинмайди. Ишни бундай ташкил этиш шакли аҳоли қўлида тўпланиб қолган маиший ломларни тайёрлов соҳасига жалб этиш имконини беради ва хом ашё тайёрлаш ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Кўриниб турибдики, хом ашё тайёрлаш ҳажмини ошириш бўйича реструктуризация дастури доирасида корхонада сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ шуни қайд этиш лозимки, корхонанинг экстенсив ривожланиш, яъни ишлаб чиқаришга йирик миқдордаги хом ашёни жалб этиш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятлари чекланган. Корхона даромадларини кўпайтиришнинг истиқболли йўналиши интенсив ривожланиш усулига ўтиш, яъни рангли металл парчалари ва чиқиндиларига ишлов бериш даражасини ошириш ҳисобланади. Бу эса оқилона маҳсулотлар таркибини

шакллантиришни, маҳсулотлар таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори товарлар улушини ошириш ва маҳсулотлар сотишнинг янги бозорларини ўзлаштириш асосида ишлаб чиқаришни чуқур диверсификация-лашни тақозо этади.

Шу муносабат билан корхона маҳсулоти таркибида мис асосидаги қотишмалар (латунъ ва бронза) ишлаб чиқариш салмоғини ошириш мақсадга мувофиқ бўлиб, у корхона ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Бунинг учун корхона ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобига янги технологик линиялар сотиб олиш лозим.

Корхона маҳсулотлар таркибини такомиллаштиришдаги кейинги қадам прокат ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборат. Прокат ишлаб чиқаришни ташкил этиш, энг аввало, корхонанинг экспорт имкониятларини кенгайтиради. Шу билан бирга бу товарларни ички истеъмолчиларга тақлиф этиш импорт ҳажмининг сезиларли даражада қисқаришига ва корхона учун янги юқори самарали товар бозорининг шаклланишига олиб келади.

Корхонани реструктуризациялашнинг яна бир муҳим стратегик йўналиши алюминий қотишмалари ишлаб чиқаришни ривожлантиришдир. Шу мақсадда алюминий ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва модернизациялаш ҳамда юқори сифатли алюминий қотишмалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур. Натижада корхона янги экспорт бозорларига чиқиш ва ўз маҳсулотларини сотиш учун қулай шарт-шароитлар барпо этиш имкониятига эга бўлади.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш корхона фаолиятининг муҳим йўналиши сифатида сақланиб қолиши лозим. Бу ерда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- халқ истеъмоли товарларининг ҳар бир тури бўйича самарадорлик даражасини аниқлаш ва шу асосда паст самарали ишлаб чиқариш турларини қисқартириш ёки ишлаб чиқаришдан чиқариб ташлаш;

- халқ истеъмоли молларини сотиш бозорларидаги конъюнктуравий ўзгаришларни кузатиш ва таҳлил қилиб бориш ҳамда шундан келиб чиқиб, халқ истеъмоли молларининг маҳсулотлар пакетини шакллантириш;

- халқ истеъмоли молларини қўшни мамлакатлар (Марказий Осиё республикалари, Афғонистон)га сотиш имкониятларини аниқлаш ва бу соҳада амалий чора-тадбирларни амалга ошириш ва ҳ.к.

Корхонани реструктуризациялаш стратегиясининг муҳим таркибий қисми маркетинг соҳасидаги ишларни такомиллаштиришдир. Шу нуқтаи назардан иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонасида маркетинг тадқиқотларини қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ички бозорда алюминий қотишмаларидан тайёрланган маҳсулотларга бўлган талаб ва уларни сотиш имкониятларини тадқиқ этиш. Бу ерда асосий эътибор нафақат ишлаб чиқарилган товарларни сотишга, балки харидор (истеъмолчи) хоҳлаган товарни ишлаб чиқаришга ҳам қаратилмоғи лозим;

- ташқи бозорда рангли металллар ишлаб чиқариш ва унинг истеъмоли ривожланишидаги тенденцияларни аниқлаш ва шу асосда қисқа ва узоқ муддатли башорат кўрсаткичларини аниқлаб бориш. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, башорат кўрсаткичларини илмий асосланган ҳолда ҳисоблаш корхона фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли корхонада амалга оширилган ҳисоб-китобларни нуфузли илмий муассасалар ва халқаро экспертлар томонидан ҳисобланган башорат кўрсаткичлари билан таққослаб бориш лозим;

- жаҳон рангли металллар бозоридаги нарх конъюнктурасини доимий равишда кузатиб бориш. Маълумки, ҳом ашё бозорларида тайёр маҳсулотлар бозорларига нисбатан нархларнинг тебраниш амплитудаси анча кенг бўлади. Шу сабабли нарх конъюнктурасининг қулай ёки ноқулай бўлишини аниқлаш корхона учун муҳим аҳамият касб этади;

- қўшни мамлакатларнинг (Марказий Осиё мамлакатлари, Россия) рангли металллар бозорларидаги вазиятни мунтазам равишда кузатиб бориш ва ҳ.к.

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонасининг муваффақиятли фаолият юритиши кўп жиҳатдан харажатларни бошқаришга боғлиқ. Бу эса ишлаб чиқариш қувватлари таркибини такомиллаштиришни, харажатларни бошқаришнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этади. Бунда асосий эътибор корхонада мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари

юкламасини оширишга ва маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилмоғи лозим.

Корхонада амалга оширилаётган реструктуризация жараёнининг муваффақияти ва корхонанинг бозор муҳитига самарали тарзда мослашиши реструктуризация жараёнини амалга ошираётган ходимларнинг билим-малакасига, уларнинг бозор иқтисодиёти қонунлари ва амалга оширилаётган реструктуризация жараёнининг моҳиятини қай даражада англаганликларига боғлиқ. Бу эса уларни ўқитиш, малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар тизимини амалга оширишни тақозо этади.

Бу соҳада реструктуризация дастури доирасида корхонада муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, корхона қошида ўқув маркази ташкил этилган бўлиб, бу марказда корхона мутахассислари ва ишчилари корхона иқтисодиёти, меҳнат қонунчилиги, корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш корхоналарида режалаштиришнинг асосий тамойиллари, маҳсулот сифатини бошқаришни ташкил этиш, замонавий ахборот технологиялари, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, заводда ишлаб чиқаришни бошқариш, рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва илмий-техника тараққиётида ташқи инвестицияларнинг роли каби фанлардан сабоқ оладилар.

Ўқитиш жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида унга корхона мутахассислари билан бирга Тошкент Давлат Техника университетининг профессор-ўқитувчилари ҳам кенг жалб этилмоқда.

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонасини реструктуризациялашнинг яна бир йўналиши сифатни бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳисобланади. Шу сабабли корхонанинг обрў-эътибори ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш, молия, тижорат ишларини бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг замонавий усулларида бўлган ISO 9001-2000 халқаро стандарти асосида сифатни бошқариш тизими жорий этилди. Шунингдек, корхонада Атроф Муҳитни Бошқариш бошқарув тизимини (экология менеджменти) ИСО 14001 стандарти бўйича ва Саноат хавфсизлиги менеджментини OHSAS 18001 стандарти бўйича жорий этиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

2.3. Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарини реструктуризациялаш бўйича хориж тажрибаси

Саноат корхоналари, шу жумладан, иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарини реструктуризациялаш бўйича жаҳон тажрибаси бой ва хилма хил бўлиб, айниқса, ташқи муҳитда кескин ўзгаришлар юз берган шароитда, хусусан, бир иқтисодий тизимдан иккинчисига ўтиш (иқтисодий трансформация), иқтисодий инқирозлар даврида бу жараён сезиларли даражада фаоллашади. Албатта, бу табиий ҳол бўлиб, корхоналар фаолият кўрсатаётган ташқи омилларнинг ўзгариши корхоналар ички тузилишида тегишли таркибий ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади, акс ҳолда корхона инқирозга юз тутаяди. XX асрнинг 90-йиллари бошларида собиқ социалистик лагернинг парчаланиши натижасида ушбу тизимда фаолият кўрсатган корхоналарнинг аксариятида хусусийлаштириш ва реструктуризация жараёнларининг амалга оширилганлиги фикримиз далилидир.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган саноат корхоналарини реструктуризациялашда хорижий мамлакатларда, айниқса, тарихий ривожланиши муштарак бўлган МДХ мамлакатларида тўпланган тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда ушбу тажрибаларнинг ижобий жиҳатларидан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Собиқ Иттифоқ республикаларида амалга оширилган саноат корхоналарини реструктуризациялаш жараёнларида Беларусь Республикаси алоҳида қизиқиш уйғотади. Бу мамлакатда саноат корхоналарини реструктуризациялашни амалга оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини Беларусь Республикаси Президентининг 1995 йил 30 декабрдаги 526-сонли “Республика мулкида бўлган давлат объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, Беларусь Ҳукуматининг 1994 йил 14 сентябрдаги “Республика мулкида бўлган фаолият кўрсатаётган корхоналар таркибидан хусусийлаштириш жараёнида ажратиладиган таркибий бўлинмалар асосида корхоналар барпо этиш тўғрисидаги қоидаларни тасдиқлаш ҳақида”ги, 1996 йил 6 майдаги 310-сонли “Давлат мулкини

хусусийлаштириш жараёнида очик турдаги хиссдорлик жамиятларини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорлари ташкил этади.

Ушбу меъёрий-ҳукукий ҳужжатларга кўра Беларусь саноат корхоналарини реструктуризациялашнинг асосий вазифалари этиб, ишлаб чиқаришнинг энергия ва материал сиғимини пасайтириш, ишлаб чиқаришни ёқилғи-энергетика ва хом ашё ресурслари импортига боғлиқлигини пасайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш белгилаб олинди.

Беларусь саноат корхоналарини реструктуризациялашнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, жамиятда ижтимоий тангликнинг келиб чиқишини олдини олиш мақсадида реструктуризациялашда ижтимоий омилларга алоҳида эътибор қаратилган. “Банкротлик ва тўлов қобилятини йўқотган корхоналарни тугатиш реструктуризациянинг оммавий стратегияси сифатида қабул қилиниши мумкин эмас, чунки ўтган йиллар фаолияти натижалари асосида корхонанинг тўловга қобилятсизлиги тўғрисида фикр юритиб бўлмайди. Корхоналарнинг аксарияти нотўғри бошқарилган ёки уларнинг раҳбарларида корхона фаолиятини яхшилаш учун мотивация етишмаган. Корхоналар етарли даражада рағбатга эга бўлган менежерлар ва ишловчилар билан таъминланса, улар юқори рентабелликка эришишлари мумкин. Ана шунда активларнинг ликвидлик даражаси ошади, корхонанинг ижобий баҳоси пайдо бўлади. Хўжалик юритиш объектини тугатишда бу потенциал қиймат бутунлай йўқотилади. Корхонани тугатиш нафақат корхона ва унда ишловчиларга, балки кредиторлар ва давлатга ҳам катта зарар келтиради. Негаки, давлат ишчи ўринларини қисқариши натижасида юзага келган ижтимоий оқибатларни бартараф этиш учун масъул ҳисобланади”²⁴.

Шу билан бирга ижтимоий масалаларга ҳаддан зиёд эътибор қаратиш ва банкротлик механизмининг тўла амал қилмаслиги Беларусда корхоналар фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётганлигини ҳам таъкидлаш зарур. Беларуслик иқтисодчилар П. Данейко ва С.Пукович фикрларига кўра, “Банкротлик механизмининг тўла ва самарали амал қилмаслиги натижасида Беларусь Республикаси бугунги кунда шундай тизимга эга бўлдики,

²⁴Национальная экономика Беларуси: Потенциалы. Хозяйственные комплексы. Направления развития. Механизмы управления. /В.Н. Шимов, Я.М. Александрович, В.В. Богданович и др.; Под общ. ред. В.Н. Шимова. – Мн.: БГЭУ, 2005. – с.563.

уни социалистик тизим ҳам, ўтиш иқтисодиёти ҳам деб бўлмайди. Бу тизимни бозор иқтисодиёти деб аташ ҳам ноўрин бўлар эди. Бошқача сўз билан айтганда, биз шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, қандайдир трансформация жараёнлари кечмоқда ва ҳеч ким бу тизим келажакда қандай натижаларга олиб келишини айта олмайди”²⁵.

Саноат корхоналарини реструктуризациялаш бўйича Беларусь тажрибасини умумлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти шароитида банкротлик ва санация механизмини пухта ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим. Бу механизмларни қўллашни кечиктириш, улардан воз кечиш ёки нотўғри қўллаш мумкин эмас. Шу муносабат билан республикаимиз саноат корхоналарини реструктуризациялашда ушбу жиҳатни албатта ҳисобга олиш зарур.

Беларусда реструктуризациялашнинг асосий шаклларида бири молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ҳисобланади, чунки кўплаб йирик корхоналар ишни ташкил этишнинг маркетинг шаклини кенг қўллаш шароитида банк тузилмалари билан яқин ҳамкорликда жаҳон хўжалик алоқаларининг самарали субъектларига айланишлари мумкин. Шу нуқтаи назардан сўнгги йилларда Беларусда “Гранит”, “Беларусавто”, “Межгосметиз”, “Формаш”, “Электрон технологиялар”, “Интерагроинвест” каби молия-саноат гуруҳлари ташкил этилди.

Молия-саноат гуруҳлари фаолиятининг самарадорлиги бундай бирлашмалар асосига қўйилган юқори иқтисодий салоҳият билан белгиланади. Бу, энг аввало, иқтисодий асосда молия ва саноат капиталининг интеграциялашувида ўз аксини топади. Бундай бирлашмалар фаолиятининг натижавийлиги бевосита мақсадга мувофиқ муносабатларнинг йўлга қўйилишига, қабул қилинган корпоратив меъёрлар ва қоидаларга боғлиқ. Мамлакат ичида интеграциялашган бирлашмалар ташкил этиш ва хорижий корпоратив тузилмалар барпо этиш асосида саноат корхоналарини реструктуризациялаш саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш жараёнини жадаллаштириш ва барқарор ривожлантириш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон саноат корхоналарини реструктуризациялашда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш

²⁵ Дайнеко П., Пукович С. Реструктуризация предприятий в условиях экономического роста в Республике Беларусь. //Институт приватизации и менеджмента, 2004. – с.409.

шаклидан фойдаланиш ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий усуллари кенг қўллаш имконини беради.

Саноат корхоналарини реструктуризациялаш бўйича Россия тажрибаси ҳам мамлакатимиз учун алоҳида қизиқиш уйғотади. Россиялик иқтисодчилар томонидан амалга оширилган тадқиқотларни умумлаштириш натижалари шунини кўрсатадики, бугунги кунда Россия саноат корхоналарида қўлланилаётган реструктуризациялаш моделларини бешта гуруҳга ажратиш мумкин:

2.2-чизма. Россияда саноат корхонасини реструктуризациялаш шакллари ва моделлари



1. “Мажбурий реструктуризациялаш” модели.
2. “Кластер” модели.
3. “Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш” модели.
4. “Таянч компетенциялар” модели.
5. “Аутсорсинг” модели.

Реструктуризациялаш моделларининг таснифи 2.2-чизмада келтирилган.

“Мажбурий реструктуризациялаш” модели тегишли банкротлик жараёнларини амалга ошириш доирасида банкрот корхоналарга нисбатан қўлланилади. Бундай ҳолатда одатда реструктуризациялашнинг суд жараёнидан фойдаланилади. Бу жараён “Банкротлик тўғрисида”ги Федерал қонун билан тартибга солинади.

Мазкур жараён доирасида энг кўп қўлланиладиган реструктуризация-лаш активларни “алмаштириш” ҳисобланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, кредиторлар қарорига мувофиқ қарздор корхонанинг мулки асосида бир ёки бир нечта ҳиссадорлик жамиятлари ташкил этилади. Ушбу жамиятларнинг акциялари кредиторлар талабини қондириш учун очиқ савдода сотилади. Шунини таъкидлаш лозимки, бу жараёнда қарздор корхона юридик шахс сифатида тугатилади ва унинг мулки асосида бир ёки бир нечта корхоналар ташкил этилади.

“Кластер” модели реструктуризациянинг ҳимоявий шакли бўлиб, корхонани инқироз шароитида сақлаб қолишга йўналтирилади. Таъкидлаш лозимки, реструктуризациянинг бу шаклидан Ғарб мамлакатларида ҳам кенг фойдаланилади ва у фирмани “сиқиш”га қаратилган инқирозга қарши дастурнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бундай ёндошув мол етказиб берувчиларни асосий ишлаб чиқаришга бевосита яқин жойга жойлаштириш ғоясига асосланади.

Бундай моделда реструктуризация асосий ишлаб чиқариш ҳажмини минималлаштириш йўли билан амалга оширилади. Маҳсулот номенклатураси торайтирилади, фақат бозорда талаб юқори ва рақобатбардош маҳсулотлар қолдирилади. Маҳсулот номенклатурасининг торайиши ҳисобига ишлаб чиқариш қувватларининг пасайиши, ортиқча активларни тугатиш ва ишлаб чиқариш майдонларининг озод қилиниши юз беради. Бу майдонлардан фойдаланиш қўшимча фойда олишга йўналтирилади.

“Кластер” моделини инкироз шароитида турган корхоналарга нисбатан қўллаш тавсия этилади.

“Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш” модели ҳам реструктуриза-циянинг ҳимоявий шакли ҳисобланади. Бундай ҳолатда корхонани қайта ташкил этиш корхонанинг активлари асосида кооперация алоқаларини ривожлантиришга асосланади. Таркибий ўзгаришлар натижасида корхона бўлинмаларининг мустақиллиги оширилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш турлари кўпайтирилади ва бунда асосий эътибор маҳсулотларни қайта ишлаш даражасини оширишга қаратилади. Бундай кооперация модели, айниқса, хом ашёни қайта ишлашга, жумладан, иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарига жуда мос келади.

“Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш” модели корхонани диагностик тадқиқ этиш қониқарли натижа берган, аммо мавжуд ресурслардан фойдаланиш даражаси мақсадга мувофиқ бўлмаган корхоналарда кенг қўлланилади.

“Таянч компетенциялар” модели реструктуризациялашнинг стратегик шаклига тегишли бўлиб, унинг асосида “ҳар бир киши ўз иши билан профессионал даражада шуғулланиши лозим”, деган ғоя ётади.

Бу моделга мувофиқ корхона якуний операцияларга, шунингдек, бозор билан ишлаш, фан, молия масалаларига ихтисослашуви талаб этилади. Тайёрлаш, таъминлаш ва хизмат кўрсатиш функциялари корхонадан ташқарига чиқарилади. Улар аутсорсинг асосида ёки пудратчилардан сотиб олинади. Шу билан бирга ушбу моделда корхона таркибини фаолиятнинг нопрофиль турларига пудратчилар ёки аутсорсингни жалб этишни ҳисобга олган ҳолда оптималлаштириш лозим. Шу ўринда “аутсорсинг” атамасининг моҳияти тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. У инглизча “out” – ташқи, “source” – манба сўзларидан олинган. “Аутсорсинг” асосий фаолият турига диққат-эътиборни жамлаш ва асосий фаолиятдан бошқа функцияларни ташқи ихтисослашган компанияларга бериш орқали корхона фаолиятини оптималлаштириш усули ҳисобланади.

“Аутсорсинг модели” корхонани реструктуризациялашнинг стратегик шакли бўлиб, унга “таянч компетенциялар” моделининг такомиллашган тури сифатида қараш мумкин.

Бу моделнинг моҳияти шундан иборатки, корхона ўз ишлаб чиқариш функцияларини аста-секин бошқа корхоналарга беради ва натижада ишлаб чиқариш воситаларига эгалик ҳуқуқидан тўлиқ воз кечади ҳамда ўз диққат-эътиборини тадқиқот, дизайнерлик ва маркетинг фаолиятига қаратади. Шундай қилиб, компания ўз фойдасини ўрнатилган активларга эмас, балки Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ) ҳамда рекламага инвестиция қилиш имкониятига эга бўлади. Ишлаб чиқариш компанияси (пудратчи) зиммасига соф ишлаб чиқариш масалалари қолади. Бош фирма ишлаб чиқариш компаниясини бозор шароитларига мослаштириш масалалари билан шуғулланади, харидорларни излаб топиш ва маҳсулотни охирги истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ муаммолардан озод этади.

“Таянч компетенциялар” ва “аутсорсинг” моделларини молиявий барқарор корхоналарга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ.

Аутсорсинг институти (Outsourcing Institute, АҚШ) мутахассислари фикрича, бизнес жараёнлари аутсорсинги энг динамик ривожланаётган корхона фаолиятини оптималлаштириш усулларида бири ҳисобланиб, у айниқса корхона молияси ва бухгалтерия ҳисоби соҳаларида кенг ривож топмоқда. Ушбу институт томонидан амалга оширилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, АҚШда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган 600 фирманинг деярли барчасида ҳеч бўлмаганда молиявий ва бухгалтерия ҳисоботи ҳамда маъмурий функцияларнинг бир қисми аутсорсингга берилган²⁶. Америка Менежмент Уюшмаси (American Management Association, АҚШ) томонидан амалга оширилган тадқиқот натижалари эса 1999 йилдаёқ АҚШ саноат корхоналарининг ярмидан кўпроғи ўз ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳеч бўлмаганда битта унсурини аутсорсингга берганлигини кўрсатади²⁷.

Аутсорсингнинг корхонани реструктуризациялаш модели сифатида энг асосий афзалликларидан бири шундаки, унда корхона раҳбарлари иккиламчи вазифалар билан чалғимасдан, барча эътиборни асосий ишлаб чиқаришга қаратишлари мумкин бўлади.

Россияда саноат корхоналарини реструктуризациялашда юқоридаги моделларининг қайси биридан фойдаланиш корхонани

²⁶ Бекасова И.Э. Что такое аутсорсинг? //Бухгалтерский учет, М.: №5. – с.35

²⁷http://www.rk-audit.ru/buhuchet/ststiyaa5_buhuchet.html

диагностик тадқиқот қилиш натижасида унинг молиявий ҳолатига қандай баҳо берилганлигига боғлиқ. Одатда диагностика натижасида корхона ўсиш (фаол ривожланиш) ҳолатида эканлиги аниқланса, у ҳолда “аутсорсинг модели”, барқарор ривожланиш ҳолатида бўлса – “таянч компетенциялар”, пасайиш ҳолатида бўлса – “ишлаб чиқаришни диверсификациялаш”, инқироз шароитида бўлса – “кластер модели” ва банкротлик ҳолатида бўлса – “мажбурий реструктуризациялаш модели” қўлланилади.

Ўзбекистон саноат корхоналарини реструктуризациялашда ушбу ёндошувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, у кўплаб корхоналарда реструктуризациялаш стратегиясини танлаш муаммосини ҳал этиш имкониятини беради. Албатта, реструктуризация стратегиясини танлашда диагностик тадқиқотни тўғри амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Саноат корхоналарини реструктуризациялаш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганишда Жаҳон банки томонидан амалга оширилган тадқиқотлар муҳим ўрин тутди. Бу нуфузли молиявий ташкилот томонидан Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДХ мамлакатларида олиб борилган тадқиқотларда саноат корхоналарини реструктуризациялашда йўл қўйилган асосий хатолар ва камчиликлар тўғрисида фикр юритилади²⁸. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, реструктуризация лойиҳаси қуйидаги ҳолатларда муваффақиятсизликка юз тутди:

- реструктуризациялаш лойиҳаси етарли даражада юқори лавозимга эга бўлмаган ходимлар томонидан амалга оширилса;
- корхона раҳбарларининг эътиборлари ортиқча даражада ишлаб чиқариш масалаларига қаратилса;
- менежерлар “кутиш режимида” бўлсалар, яъни улар жараёнга жалб этилмасалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, консалтинг фирмаларининг ўқитиш ва маслаҳатга устуворлик берган ҳолда ғоя, тамойилларни шакллантиришга асосланган анъанавий иш усуллари корхонани реструктуризациялаш муваффақиятини белгилаб бера олмайди. Реструктуризациялашни амалга оширишда муваффақиятсизликнинг

²⁸Переходный период: анализ и уроки первого десятилетия для стран Восточной Европы и бывшего Советского Союза. Исследование Всемирного банка. М.: Издательства «Весь Мир», 2002. – 275 с.

70 фоизи “юмшоқ омиллар” (мотивация, раҳбарият иштирокининг мажбурийлиги, эксперт раҳбарликнинг зарурлиги) билан изоҳланади.

Шу муносабат билан реструктуризациялаш жараёнида энг кўп учрайдиган хато ва камчиликлар тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Саноат корхонасини реструктуризациялаш жараёнида энг кўп учрайдиган хатолардан бири шундан иборатки, корхона раҳбарлари бошқариш ҳамда ишлаб чиқариш тизимини мажмуавий тарзда ислоҳ қилиш ўрнига корхонанинг алоҳида соҳаларида ишларни сезиларли даражада яхшилашга ҳаракат қиладилар. Бошқача қилиб айтганда, корхона бошқа барча жараёнларни инкор этган ҳолда ўз диққат-эътиборини алоҳида жараёнларга қаратади. Бундай хато айниқса, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда кўпроқ учрайди. Корхона фаолиятининг турли соҳаларини такомиллаштириш жараёнида кутилган самарага эришилмаса-да, корхона раҳбарияти туб ўзгаришларни амалга оширишга журъат этмайдилар. Бундай консерватив ёндошув шу билан изоҳланадики, мавжуд жараёнлар тушунарли ва тегишли инфратузилма билан қўллаб-қувватланади ва эски функцияларни қисман яхшилаш энг хавфсиз ва оғриқсиз йўл бўлиб кўринади.

Муваффақиятсизлик сабаби шундан иборатки, ташқи муҳитда юз бераётган ўзгаришлар корхонанинг барча соҳаларига таъсир кўрсатади. Хусусан, бозор иқтисодиётига ўтиш корхона фаолиятини тубдан қайта қуришни талаб этади. Илгари режали иқтисодиёт шароитида фаолият кўрсатган корхонанинг алоҳида бўлимларини ислоҳ қилиш билан уни муваффақиятли ривожлантириш мумкин эмас.

Саноат корхоналарини реструктуризациялаш жараёнида кўп учрайдиган хатолардан яна бири ислохотларни муддатидан илгари якунлаш ҳисобланади. Бунда икки ҳолат кузатилади. Баъзи корхоналар реструктуризациялаш жараёнида дуч келинган биринчи қийинчиликданок жараённи тўхтатадилар, баъзилари эса биринчи муваффақиятга эришиш билан вазифа бажарилган ҳисоблайдилар. Ҳар иккала ҳолат ҳам реструктуризациялашнинг якуний жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

Реструктуризациялаш олдида тор вазифанинг қўйилиши уни бошланмасданок муваффақиятсизликка маҳкум этади. Кўп ҳолларда реструктуризация корхонанинг миссияси белгиланмасдан маркетинг

ёки молиявий сиёсат мақсадларини аниқлашдан бошлаб юборилади. Бундай ҳолатда корхона бир вазифани бажармасдан туриб, иккинчи унга боғлиқ функцияни ислоҳ қилиш заруриятига дуч келади. Реструктуризацияни амалга ошираётган корхонанинг ички муҳити уни амалга оширишга йўл қўймаслиги ҳам мумкин, чунки корхона ходимларининг ўз ишига бўлган консерватив ёндошувлари ҳар қандай янгилик киритишга қаттиқ қаршилик кўрсатади. Шу муносабат билан реструктуризация олдида кенг кўламдаги вазифаларни қўйиш ҳамда уни комплекс тарзда амалга ошириш тақозо этилади.

Реструктуризациялаш жараёнида йўл қўйиладиган хатолардан яна бири реструктуризациялаш жараёнининг “юқори”дан эмас, балки “паст”дан амалга оширилиши ҳисобланади. Реструктуризациялаш ҳеч қачон “паст”дан “юқори”га ўтказилмайди. Аксинча, у доимо “юқори”дан “паст”га қараб ҳаракат қилади, чунки паст ва ўрта бўғин менежерлари реструктуризациялашни амалга ошириш учун зарур бўлган корхона фаолиятига кенг қарашга эга бўлмайдилар. Уларнинг тажрибалари ўз бўлинмаларида бажарадиган функцияларини билиш билан чекланган. Улар одатда ўз бўлинмаларининг тор муаммоларини бошқаларга нисбатан яхшироқ биладилар, аммо корхонани бир бутун организм сифатида тасаввур қилишлари ва унинг заиф жиҳатларини кўришлари қийин.

Паст ва ўрта бўғин менежерлари корхонада умумий эмас, балки хусусий, ўз бўлинмалари доирасидаги ўзгаришларни амалга оширишлари мумкин. Бундан ташқари реструктуризациялаш жараёни кўп ҳолларда ташкилий чегараларни ҳам кесиб ўтади. Шу сабабли паст ва ўрта бўғин менежерлари умумий ўзгаришларни талаб қилиш учун етарли ваколатга эга эмаслар. Бундан ташқари мавжуд бошқарув тизимининг тубдан қайта қурилиши ўрта бўғин менежерларини ишсиз қолдириши ёки қайта малака оширишга мажбур қилиши мумкин. Шу сабабли паст ва ўрта бўғин менежерлари нафақат реструктуризациялаш жараёнига кўмаклашмаслик-лари, балки юқоридан тегишли кўрсатмалар бўлмаган шароитда унга тўсқинлик ҳам қилишлари мумкин.

Корхона раҳбарининг биринчи даражали роли шу билан изоҳланадики, у ҳар бир ходим корхона келажаги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиши, реструктуризация жараёнида ўз ўрни ва

вазифаларини аниқ билиши ҳамда мустақил ҳаракат қилиш учун етарли даражада мотивацияга эга бўлишига эришиши лозим.

Реструктуризациялаш жараёнининг муваффақияти унга ушбу жараён-нинг мақсади, амалга ошириш механизми ва бошқа корхоналар тажрибасини билувчи кишининг масъул этиб тайинланишига боғлиқ. Акс ҳолда корхонани ислоҳ қилиш муваффақиятсизликка юз тутлади.

Корхонани реструктуризациялаш жараёнида унга етали даражадаги ресурсларнинг ажратилмаслиги ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бу инвестицияларнинг энг асосий таркибий қисми реструктуризациялашга масъул раҳбарларнинг вақт ва иш харажатларидир. Бу айниқса, реструктуризациялашнинг биринчи босқичида муҳим ҳисобланади. Реструктуризациялаш корхона раҳбарларининг бевосита ва шахсий масъулиятларини талаб этади. Масъулиятни пастки бўғин ходимларига юклаш мақсадга мувофиқ эмас. Албатта, раҳбариятнинг юқори бўғини мустақил равишда ушбу жараёни амалга ошириши лозим, деган тушунча бўлмаслиги керак. Улар ёрдамчилар ва қуйи бўғин раҳбарлари кўмагига таянишлари лозим, аммо реструктуризациялаш учун масъулиятни қўл остидагиларга ўтказишлари мақсадга мувофиқ эмас.

Реструктуризациялашни ҳеч кимнинг манфаатига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда амалга оширишга ҳаракат қилиш унинг муваффақиятига акс таъсир кўрсатади. Реструктуризация жуда мураккаб ва меҳнат сиғими юқори жараён ҳисобланиб, барча ишловчилардан жуда катта ҳаракат талаб қилади. Реструктуризациялаш натижасида баъзилар ўз ишларини ўзгартиришларига тўғри келса, баъзилар иш ўринларини йўқотадилар, яна бошқалар эса иш жойида ўзларини янада қулай ҳис қиладилар. Шу сабабли реструктуризациялаш туфайли юз бераётган ўзгаришларга баъзи ходимларнинг қаршилик кўрсатиши табиий ҳолат ҳисобланиб, бу ҳолат амалга оширилаётган ижобий ишлар суръатига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак.

Реструктуризациялаш жараёнининг ҳаддан зиёд чўзилиб кетиши ҳам унинг муваффақиятига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу жараёни амалга ошириш корхонада муайян босимни юзага келтиради ва шу сабабли унинг чўзилиб кетиши хавfli ҳисобланади. Баъзи ҳисобкитобларга кўра реструктуризациялашнинг ҳар уч босқичини амалга ошириш учун 12 ой етарли ҳисобланади. Шу билан бирга бу муддат

ҳар бир корхонанинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўзгариши мумкин. Реструктуризациялашнинг муваффақияти кўп жиҳатдан уни амалга оширувчиларнинг манфаатдорлиги ва мотивацияга боғлиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2008 йилнинг иккинчи ярмидан бошланган жаҳон молиявий инқироzi корхоналарни, шу жумладан, иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарини реструктуризациялаш олдиға янги вазифаларни қўймоқда. Бундай шароитда реструктуризациялаш олдиға қўйилган асосий мақсад корхоналарни инқироз шароитида яшовчанлигини сақлаб қолишдан иборат. Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири ўринбосари А.Дементьев таъкидлаганидек, “Инқироз – бу корхона активларини етарли даражада кучли реструктуризациялаш имкониятидир. Ҳозирги шароитда биз инқироздан металлургиянинг бошқа қиёфаси – замонавийроқ, бозор тебранишларига чидамлироқ қиёфаси билан чиқишимиз лозим. Барча бизнесни ўстириш билан ҳаддан зиёд қизиқиб, унинг барқарорлигига эътибор қаратмай қўйди. Шу сабабли барқарор ривожланиш стратегиясига қайтиш лозим”²⁹.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

1. Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонаси ривожланишини таҳлил қилиш натижалари корхонани реструктуризациялашда ҳисобга олиниши лозим бўлган қатор муаммоларни ажратиб кўрсатиш имконини беради. Хусусан, корхона ялпи маҳсулоти ҳажмининг ўсиши асосан нарх омили ҳисобига юз бермоқда. Шунингдек, сўнгги йилларда корхонанинг хом ашё билан таъминланишида пасайиш ҳолати кузатилмоқда. Айни вақтда корхона экспорти номенклатурасининг торлиги ва унда асосан хом ашё маҳсулотларининг устувор ўринга эга эканлиги экспорт тушумлари ҳажмини жаҳон рангли металллар бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришларга боғлиқ қилиб қўймоқда.

2. Корхонанинг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили корхонанинг нисбатан барқарор ва молиявий жиҳатдан мустақил эканлигини, жорий фаолият асосан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини кўрсатади. Шу билан бирга ликвидлик кўрсаткичлари корхонада ликвид ресурслар захиралари камайиб бораётганлигидан далолат беради.

²⁹“Кризис приведет к значительной реструктуризации металлургического комплекса”. //Известия металлургии. 24 ноября 2008 года

3. Корхонанинг иш фаоллиги кўрсаткичлари айланма маблағларнинг айланиш тезлиги пасаётганлигини кўрсатади. Бу эса корхонада сезиларли миқдордаги ишлаб чиқариш захиралари тўпланиб қолганлигидан далолат беради. Шу билан бирга Корхонанинг рентабеллик даражаси сўнгги йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Бу ҳолат янгидан ишга туширилган асосий воситалар қийматининг юқорилиги ва ишлаб чиқариш қувватлари юкламаларининг пастлиги билан изоҳланади.

4. Корхона асосий фондларининг янгиланиш ва эскириш коэффициентларини ўзаро солиштириш натижалари корхонада янги техника ва технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнлари сустр бораётганлигидан далолат беради. Айни вақтда эскириш коэффициентининг янгиланиш коэффициентидан юқори бўлиши асосий фондлар таркибида эскирган фондлар улушининг юқори бўлишига олиб келади.

5. Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонасида қабул қилинган реструктуризация дастури самарадорлигини аниқлаш натижалари шуни кўрсатадики, реструктуризацияга киритилган инвестицияларнинг қопланиш муддати 1 йил 4 ойни ташкил этади. Бу эса реструктуризацияга сарфланган инвестициялар самарадорлигининг юқори эканлигини кўрсатади.

6. Саноат корхоналарини реструктуризациялаш бўйича жаҳон тажрибасини умумлаштириш қуйидаги хулосаларга келиш имкониятини берди:

- бозор иқтисодиёти шароитида банкротлик ва санация механизмини пухта ишлаб чиқиш ва уни собитқадамлик билан амалга ошириш лозим;

- Ўзбекистон саноат корхоналарини реструктуризациялашда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш шаклидан фойдаланиш ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий усуллари кенг қўллаш имконини беради;

- Ўзбекистон саноат корхоналарини реструктуризациялашда саноат корхонасининг молиявий ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб, реструктуризациялаш моделини танлаш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бундай ёндошув кўплаб корхоналарда реструктуризациялаш стратегиясини танлаш муаммосини ҳал этиш имкониятини беради.

III-БОБ. ИККИЛАМЧИ РАНГЛИ МЕТАЛЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИ РЕСТРУКТУРИЗАЦИЯЛАШ СТРАТЕГИЯСИ

3.1. Саноат корхоналарини реструктуризациялашнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш

Рангли металлларни қайта ишлаш корхонасида реструктуризациялаш жараёнини амалга оширишдан кўзда тутилган асосий мақсад корхонанинг узоқ муддатли барқарор ривожланишини таъминлашдан иборат бўлиб, у ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тақозо этади.

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонасини реструктуризациялаш тизимида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш алоҳида ўринга эга. Бунда корхона хўжалик фаолиятини режалаштиришга стратегик ёндошувни жорий этиш, корпоратив молияни бошқариш, корхонанинг ташкилий тузилишини такомиллаштириш асосий ўринни эгаллайди.

Реструктуризация дастури доирасида бу соҳада қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаш зарур. Энг аввало, корхонанинг ташкилий тузилишида ўзгаришлар юз берди. “Ўзиккиламчиранглиметалл” ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмалари акциядорлари ҳамда қатнашчиларининг таклифига биноан 2006 йил 18 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 419-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ “Ўзиккиламчиранглиметалл” ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизида “Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” очик акциядорлик жамияти ташкил этилди (9-илова).

Корхонанинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:


- рангли металл парчалари ва чиқиндиларини комплекс равишда чуқур қайта ишлаш, республика истеъмолчиларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ҳамда экспортга етказиб беришни кенгайтириш учун улардан прокат, қотишмалар ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасида тизимли ишларни ташкил этиш;

- мавжуд қайта ишлайдиган қувватларни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, рангли металлларни қайта

ишлашнинг замонавий юксак самарали ускуна ва технологияларини тадбиқ этиш;

3.1-чизма

“Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОАЖнинг ташкилий тузилиши



- рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳамда уларни темир-терсак топширувчилардан қабул қилиш, шу жумладан, рангли металл парчалари ва чиқиндилари мунтазам ҳосил бўлиб турадиган юридик шахслар билан фьючерс шартномаларини тузиш йўли билан тайёрлаш ва қабул қилишнинг аниқ-пухта тизимини ташкил қилиш;

- топшириладиган рангли металл парчалари ва чиқиндилари учун фақат юридик шахслар – темир-терсак топширувчилар томонидан темир-терсак ҳамда чиқиндилар топширилишини рағбатлантирувчи эркин (шартномавий) нархлар бўйича ҳисоб-китоблар тизимини жорий этиш.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, илгари корхонанинг ҳудудий бўлинмалари юридик шахс ҳуқуқида фаолият юритган бўлсалар, ушбу қарорга мувофиқ улар корхонанинг филиалларига айлантирилди ва бу филиаллар юридик шахс тузмасдан фаолият кўрсатади.

Корхонанинг бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида унинг ташкилий тузилиши қайта кўриб чиқилди ва умумий сони 24 кишидан иборат янги бошқарув аппарати тузилмаси ташкил этилди. Бу ташкилий тузилма амалда бўлган ташкилий тузилмадан бир қатор жиҳатлари билан фарқ қилади. Энг аввало, шуни таъкидлаш лозимки, корхонанинг амалда бўлган ташкилий тузилмаси чизиқли-штабли шаклда фаолият кўрсатган бўлса, янги ташкилий тузилма чизиқли-функционал шаклда ташкил этилган.

Бунинг натижасида корхонада бошқарув бўғинлари олтитадан тўрттага қисқартирилган. Янги ташкилий тузилмага ўтиш зарурияти корхона фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан тушунтирилади. Маълумки, одатда бошқарувнинг функционал тузилмаси доимий тарзда такрорланиб турувчи, оператив қарорлар қабул қилишни тақозо этмайдиган вазифаларни ҳал этишга қаратилади. Бундай ташкилий тузилмада функционал хизматлар ўзларига юкланган вазифалардан келиб чиқувчи аниқ фаолият турларини бажара оладиган юқори малакали мутахассислардан иборат бўлади.

Шу нуқтаи назардан корхонанинг янги бошқарув тузилмасига ўтиши бир қатор қулайликларни келтириб чиқаради:

- янги бошқарув тузилмасида бошқарув ваколатлари аниқ тақсимланган;

- чизикли-функционал бошқарув тузилмасида ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш имконияти мавжуд;
- бошқарувнинг мазкур шаклида раҳбарнинг ўзи бошқараётган бўлинма фаолияти натижаларига жавобгарлик даражаси юқори бўлади;
- янги бошқарув тузилмасида бошқарув қарорларини оператив қабул қилиш мумкин;
- ушбу бошқарув тузилмасида ижрочиларга ресурслар билан таъминланган ўзаро боғлиқ вазифаларни ҳал этиш вазифасини юклаш мумкин;
- бўлинма раҳбарларида корхона фаолиятини такомиллаштириш учун мустақил таклифлар ва тавсиялар киритиш имконияти мавжуд ва ҳ.к.

3.1-жадвал

“Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОАЖнинг молиявий натижалар кўрсаткичлари

	2006	2007	2008	2008 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши
Маҳсулот сотишдан олинган тушум, минг сўм	6102667	8590064	9654850	3552183
Таннарх, сўм	4262475	5798712	6585692	2323217
Ялпи фойда, сўм	1840192	2791352	4656450	2816258
1 сўмлик сотилган маҳсулотга сарфланган жами харажат	69,8	67,5	58,5	-11,3
Даврлар харажатлари, сўм	1299097	1595352	1856232	557135
Сотиш харажатлари, сўм	29716	39472	44585	14869
1 сўмлик сотилган маҳсулотга сарфланган даврлар харажатлари	21,3	18,6	16,5	-4,8
Маъмурий харажатлар, сўм	292699	378100	450540	157841
1 сўмлик сотилган маҳсулотга сарфланган бошқарув харажатлари	4,8	4,4	3,8	-1,0
Бошқа оперцион харажатлар, сўм	976682	1177780	1375250	398568
Соф фойда, сўм	641856	991031	1150200	508344
Асосий ишлаб чиқариш фондларига нисбатан рентабеллик, %	19,5	21,9	23,0	3,5

Манба: "Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи"
ОАЖ маълумотлари

Таъкидлаш лозимки, корхонада янги бошқарув тузилмасига ўтишнинг дастлабки ижобий натижаларини 3.1-жадвалда

кузатишимиз мумкин. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бошқарув тузилмасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, бошқаришга сарфланаётган харажатларда ижобий ўзгаришлар юз бермоқда.

Хусусан, 2008 йилда 2006 йилга нисбатан маҳсулот сотишдан тушган тушум ҳажми 58,2 фоизга, маҳсулот таннархи 54,5 фоизга, ялпи фойда 2,5 мартага, соф фойда 1,8 мартага ўсгани ҳолда бошқарув харажатлари 1,5 мартага ўсган. Бунинг натижасида 1 сўмлик сотилган маҳсулотга сарфланган бошқарув харажатлари 4,8 сўмдан 3,8 сўмгача пасайган.

Шу билан бирга бошқа молиявий кўрсаткичларда ҳам ижобий тенденцияни кузатиш мумкин. Чунончи, асосий ишлаб чиқариш фондларига нисбатан рентабеллик даражаси 2006 йилда 19,5 фоиздан 2008 йилда 23,0 фоизгача ўсган.

Айни вақтда корхона молиявий кўрсаткичларини инфляция даражаси ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси билан солиштириш корхона молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида айрим хулосалар чиқариш имконини беради.

Хусусан, 2008 йилда маҳсулот сотишдан олинган тушумнинг ўсиш суръати инфляция даражасига нисбатан 7,5 баробар, саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар нархлари индексига нисбатан 2,25 марта юқори бўлган. Ялпи фойда бўйича бу нисбат мувофиқ равишда 19,2 ва 5,8, соф фойда бўйича – 23,1 ва 7 мартани ташкил этди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, корхонада фойда даражаси реал кўринишда ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Шу билан бирга маҳсулот таннархи ва бошқарув харажатлари ўсиш суръатларининг инфляция ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар нархлари индексига нисбати ишлаб чиқаришнинг харажатли характерга эга бўлаётганлигини кўрсатади. Чунончи, маҳсулот таннархи ўсиш суръатининг инфляцияга нисбати 7 мартани, саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар нархлари индексига нисбати 2,1 мартани ташкил этади. Бошқарув харажатлари бўйича бу нисбат мувофиқ равишда 19,2 ва 5,8 баробарга тенг. Бундай ҳолат, энг аввало, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар энергия сифими ва асосий фондлар эскириш даражасининг юқорилиги билан изоҳланади. Шу нуктаи назардан корхонада реструктуризация стратегияси-нинг муҳим йўналишларидан бири энергияни тежовчи

технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларини жадаллаштиришдан иборат бўлиши лозим.

Жаҳон хўжалик амалиёти шундан далолат берадики, бугунги кунда корхона рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили корхонани мослашувчан ёндошув асосида бошқаришга ўтиш ҳисобланади. Корхонани мослашувчан ёндошув асосида бошқариш зарурияти жаҳон хўжалик тизимида глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви натижасида корхона-лар ўртасида рақобат курашининг кучайиши, бозор муҳитининг ўзгарувчан-лиги, технологиялар ривожланишининг жадаллашуви, амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳаларнинг мураккаблашуви билан изоҳланади. Гап шундаки, функционал бошқарув тузилмаси (механистик бошқарув тузилмаси) шароитида қарорлар қабул қилиш жараёни юз бераётган ўзгаришларга зудлик билан самарали жавоб қайтаришни таъминлай олмайди. Бу эса истеъмолчилар талабларига мос келувчи ишлаб чиқариш турларини ривожлантириш имкониятини чеклайди, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатади.

Мослашувчан бошқарув тузилмаси эса ташқи муҳитда юз бераётган ўзгаришларга тегишли тарзда тезкор муносабат билдириш ва янги технологияларни жорий этиш имконини беради. Бу бошқарув тузилмасини ташқи муҳит шароитларидан келиб чиққан ҳолда тез муддатларда модификация қилиш имконияти мавжуд. Шу сабабли, айниқса, ташқи муҳитда кескин ўзгаришлар бераётган шароитда, хусусан, жаҳон молиявий инқирози шароитида мослашувчан бошқарув тизими юқори самара беради. Бошқарувнинг мослашувчан тузилмаси иқтисодий адабиётларда органик тузилмалар деб ҳам аталади.

Таъкидлаш лозимки, бошқарувнинг мослашувчан тузилмаси соф ҳолда амалиётда учрамайди, бироқ бошқарувнинг қайси бир тузилмаси белгиларидан устуворроқ фойдаланилиши масаласи муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг фикримизча, рангли металлларни қайта ишлаш корхонасини бошқаришда мослашувчан ёндошувдан устувор тарзда фойдаланиш унинг ташқи ўзгаришлар ва кескин рақобат шароитларига самарали тарзда мослашишида ва шундан келиб чиққан ҳолда рақобатбардошлик даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Мослашувчан ёндошув асосида бошқаришнинг моҳияти шундаки, унда бирор бир муҳим муаммони ҳал этиш учун

вақтинчалик тузилма барпо этилади. Бу тузилмада белгиланган смета доирасида, кўзда тутилган муддатда муҳим ва мураккаб лойиҳани амалга ошириш учун ташкилотнинг энг юқори малакали мутахассислари бир гуруҳга жамланади. Лойиҳа якунлангандан сўнг гуруҳ тарқатиб юборилади. Унинг аъзолари эса ўз бўлимларида ишларини давом эттирадилар ёки бошқа лойиҳани амалга оширишга киришадилар.

Бундай тузилманинг энг асосий афзаллиги шундаки, унда барча саъй-ҳаракатлар битта муаммони ҳал этишга қаратилади. Айни вақтда одатдаги бўлим раҳбари бир нечта лойиҳани бир вақтнинг ўзида бажариши лозим. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, лойиҳа раҳбарини корхона раҳбариятидан танлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлиб, у лойиҳани функционал тузилма доирасида амалга оширишни мувофиқлаштириб туради.

Бизнинг фикримизча, рангли металлари қайта ишлаш корхонасида реструктуризация лойиҳасини амалга ошириш учун мослашувчан ёндошув асосида бошқаришга ўтиш юқори самара беради. Бунинг учун махсус лойиҳа гуруҳини ташкил этиш лозим. Бу гуруҳ реструктуризация лойиҳасида кўзда тутилган кўрсаткичларга эришиш устидан назорат юритади. Лойиҳа гуруҳи аъзолари этиб корхона бўлинмаларидаги юқори малакали мутахассислар танлаб олиниши мақсадга мувофиқ.

Лойиҳа аъзолари ҳам лойиҳа раҳбарига, ҳам ўзлари фаолият юритаётган функционал бўлинмалар раҳбарларига бўйсунадилар. Лойиҳа раҳбари эса бирмунча кенг ваколатларга эга бўлиб, унинг ваколат доираси корхона раҳбарияти томонидан белгилаб берилади. Лойиҳа раҳбари реструктуризация жараёнининг натижаси учун жавобгар ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, корхонанинг мослашувчан бошқарув тизими мустақил технологик жараёнларни қамраб олган ички бўлинмаларнинг мустақиллигини оширишга қаратилади. Бу, энг аввало, шу билан изоҳланадики, корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатурасининг кенгайиши, бизнеснинг янги соҳаларида фаоллик кўрсатиш, халқаро бозорларга чиқиш шароитида корхона раҳбари томонидан қабул қилиниши лозим бўлган қарорлар сони ва уларнинг мураккаблиги корхона раҳбари имкониятларидан юқори бўла бошлайди. Шу сабабли корхонанинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун корхона

рахбари ўз ваколатларининг бир қисмини қуйи бўлинмалар раҳбарларига бериши мақсадга мувофиқ.

Корхонани мослашувчан ёндошув асосида бошқариш ваколатларининг мақсадга мувофиқ тақсимланишини тақозо этади. Бундай бошқарув шаклида корпоратив марказнинг асосий вазифаси молиялаштириш, пул маблағларини бошқариш, стратегик инвесторларни жалб этиш, раҳбарларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, узоқ муддатли режалаштириш, корхона ресурсларини бўлимларга тақсимлаш, бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва унга баҳо бериш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдан иборат бўлади. Мустақил бўлинмалар бошлиқлари эса нархларни шакллантириш, маҳсулот сифати, бозорни ўрганиш, маҳсулотларни сотиш каналларини ривожлантириш, маҳсулот таннархини аниқлаш, операцион харажатларни қисқартириш, ходимлар малакасини ошириш билан шуғулланадилар. Рангли металлларни қайта ишлаш корхонасида мослашувчан ёндошувни тадбиқ этиш бир қатор ижобий ўзгаришларга олиб келади:

- мустақил бўлинмалар асосида ресурсларнинг рақобатли тақсимланиши ишлаб чиқарилаётган металл маҳсулотларининг бозор қийматини оширади, корхонанинг эса бозор ўзгаришларига мослашувчан-лиги ортади;

- корхона миқёсида ички бозорнинг шакллантирилиши харажатларнинг камайишига олиб келади, чунки мустақил бўлинмалар рентабелликни оширишдан манфаатдор бўлади;

- ички бўлинмаларнинг мустақиллик даражаси юқори бўлган шароитда юзага келган муаммоларни тез ва самарали бартараф этиш имконияти юзага келади, чунки муаммони ҳал этиш юзасидан унга энг яқин ва шундан келиб чиққан ҳолда муаммони энг яхши биладиган бўлинма раҳбари қарор қабул қилади;

- мослашувчан ёндошув асосида бошқариш ташаббускорликни рағбатлантиради ва бунда ҳар бир корхона аъзоси ўзини йирик корхонанинг бир қисми сифатида ҳис этади;

- мослашувчан ёндошув асосида бошқариш ўз фаолиятининг бошланғич давридаёқ муҳим қарорлар қабул қилиш имкониятини тақдим этар экан ёш раҳбарларни юқорироқ лавозимларга тайёрлашга ёрдам беради. Бу эса корхонага лаёқатли раҳбарларни жалб этиш имконини беради;

- корхона ходимларининг ўз ишига содиқлиги ошади. Энг кичик лавозимдан юқори лавозимгача қисқа йўл билан боришини ҳис этган лаёқатли раҳбарлар корхонада қолиб ишлашни афзал биладилар ва натижада корхона муваффақиятини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Шуни қайд этиш лозимки, мослашувчан бошқарув тузилмаси раҳбари ва унинг аъзолари реструктуризациялашни амалга оширишнинг натижалари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишлари лозим. Бу эса, бир томондан, бошқарув тузилмаси раҳбаридан бозор иқтисодиётига оид зарурий билим ва кўнималарни талаб қилса, иккинчи томондан, корхона ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўрта ва узоқ муддатли башорат кўрсаткичларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

3.2. Реструктуризациялашда қулай инвестиция-инновация имкониятларини яратиш

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси иқтисодий ўсишнинг инновацион моделига ўтишнинг самарали эканлигидан далолат беради. Жаҳон молиявий тизимида ва қатор йирик мамлакатлар иқтисодиётида юз берган инқирозларга қарамасдан инновацион ривожланишга устуворлик бериш узоқ муддатли иқтисодий ривожланиш ва кўплаб глобал муаммоларни ҳал этишнинг асосий омили ҳисобланади.

Бугунги кунда инновацион ривожланиш стратегиясига ўтишни объектив зарурият қилиб қўяётган иккита омилни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, глобаллашув ва глобал рақобатнинг кучайиши. Бу омилнинг таъсирида фирмаларнинг янги бозорларга чиқиш муддатлари қисқармоқда, компаниялар ва мамлакатларнинг инновацион ҳаракатлари жадаллашмоқда. Жаҳон илмий-техника маконида янги глобал иштирокчиларнинг пайдо бўлиши инновация жараёнларига тобора фаол таъсир кўрсатмоқда, халқаро технологиялар алмашинуви, трансмиллий компаниялар, ходимлар мобиллигининг роли кучаймоқда. Айни вақтда глобал муаммолар ечимининг инновациялашув даражаси ортиб бормоқда.

Иккинчидан, инновацияларнинг мураккаблашуви. Инновацияларнинг тармоқлараро характерга эга эканлиги унга

киритилаётган инвестицияларнинг тобора қимматлашувига ва таваккалчилик даражасининг ошишига олиб келмоқда. Бугунги кунда алоҳида олинган фирма инновация билан якка шуғулланиши, барча зарурий тадқиқотларни молиялаштириши, бозор тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиши анча мураккаб. Айни вақтда инновация фаолиятини биргаликда олиб бориш мустақилликни сақлаб қолиш, ўз манфаатларига зарар келтирмаслик нуқтаи назаридан мураккаб ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, XX асрнинг сўнги чорагидан бошлаб жаҳон иқтисодиётидаги радикал таркибий ўзгаришларни таъминлаган муҳим омиллардан бири инновациялар иқтисодий ролининг ўсганлиги ҳисобланади. Бу ўзгаришларнинг турли мамлакатларга таъсир кўрсатиш механизмида умумий ва хусусий жиҳатлар мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: биринчи гуруҳ турли компаниялар, фирмалар ва ташкилотларнинг инновацион ҳаракатлари, иккинчи гуруҳ давлатнинг инновация сиёсати билан боғлиқ.

Корхонанинг инновация сиёсати хўжалик механизмининг янги турдаги маҳсулот ва технологиялар ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиш йўналишлари ва усуллари йиғиндисидан иборат. Корхона инновация сиёсатининг мақсади бевосита инновация лойиҳасини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, унда мазкур лойиҳанинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилади.

Саноат корхонасининг инновация сиёсатини ишлаб чиқиш мураккаб жараён бўлиб, унга жиҳатни ўзида акс эттиради:

1. Инновация сиёсатининг йўналишини аниқлаш.

Мазкур босқичдаги асосий вазифа бозорда истиқболда юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар вариантларини таҳлил қилиш ва корхонанинг келажакдаги мақсадларини башоратлашдан иборат. Ушбу босқичнинг мураккаблиги шундан иборатки, унда шахсий интуиция ва ҳаётий тажрибага асосланиш лозим бўлади. Фақат шундан кейин ғоялардан муқобил мақсадларни шакллантириш зарур.

2. Инновацияларни стратегик режалаштириш.

Бу босқичда олдинги босқичда танланган мақсадларга эришиш йўллари ва воситаларининг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш лозим. Сўнгра таққослаш ва баҳолаш йўли билан ортиқча вариантлардан воз кечиб, охириги стратегия ишлаб чиқилади. Бу стратегия киритилаётган янгиликнинг умумий йўналиши ва

ривожланишини, инновация мақсадига эришиш усуллари, шунингдек, инновациянинг техник-иқтисодий асосномасини ёритиб бериши керак. Шундай қилиб, стратегик режалаштиришнинг пировард мақсади бевосита инновация лойиҳасини яратишдан иборат.

3. Инновацияни оператив режалаштириш.

Мазкур босқичда инновация лойиҳаси алоҳида-алоҳида босқичларга ажратиб олинади. Бу босқичларда муайян чоратадбирлар режалаштирилиши лозим бўлиб, унинг асосий мақсади ишлаб чиқилган стратегияни амалга оширишдан иборат. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир тадбир муайян ишнинг бошланиш ва якунланиш муддатини, ижрочилар сонини, зарурий ресурслар миқдорини аниқлаб бериши лозим. Шундай қилиб, оператив режалаштириш натижасида инновацияни амалга ошириш бўйича изчил ва батафсил режа ишлаб чиқилади.

Жаҳон тажрибаси шунини кўрсатадики, инновация фаолияти билан шуғулланаётган корхоналарнинг ярмидан кўпроғини ишловчилар сони 500 кишидан кўп бўлган корхоналар ташкил этади³⁰. Бу албатта, табиий ҳол, чунки йирик салоҳият ва молиявий маблағларга эга бўлган корхоналар мустақил илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини олиб боришлари, инновация фаолиятини юритишлари мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, "Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи" ОАЖда инновация фаолияти билан шуғулланиш учун шарт-шароитларни қулай деб баҳолаш мумкин.

Мазкур корхона учун инновация жараёнларини фаоллаштиришда илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни марказлашмаган ҳолда ташкил этиш муҳим ўрин эгаллайди. Бунда асосий эътибор қонунчиликда белгилаб берилгандек, ўз-ўзини ташкил этишга қаратилмоғи лозим. Бу эса корхонада тадқиқотчилар жамоасини ташкил этишни тақозо этади.

Марказлашмаган бошқарув тизимида шартнома муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга. Бу муносабатлар, одатда, буюртмачи ва ижрочи ўртасида юзага келади. Корхонада ташкил этилган тадқиқот гуруҳи ва корхона раҳбарияти ўртасида истиқболли инновация

³⁰ Инновационное развитие – основа модернизации экономики России: Национальный доклад. – М.: ИМЭМО РАН, ГУ-ВШЭ, 2008. – с.37

лойиҳаларини амалга ошириш бўйича шартнома имзоланади. Бундан ташқари корхона ва илмий-техникавий ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, илмий-саноат уюшмалари ва бошқа йирик марказлар ҳам инновация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича шартнома имзолашлари мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхоналар томонидан технологик янгиликларга бўлган талаб кўп жиҳатдан унинг ресурслар билан таъминланганлик даражаси билан белгиланади. Молиялаштиришнинг етарли даражада бўлмаслиги самарали инновация лойиҳаларининг амалга оширилишига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида иқтисодиётдаги умумий инновация фаоллигининг пасайишига олиб келади.

Инновация соҳасидаги стагнация кўп жиҳатдан давлат томонидан инновация соҳасининг етарли даражада қўллаб-қувватланмаслиги билан боғлиқ. Шу сабабли давлат томонидан тегишли инновация сиёсати ишлаб чиқилиши ва у изчиллик билан амалга оширилиши лозим.

Давлатнинг инновация сиёсати давлатнинг ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиш усуллари йиғиндисидан иборат бўлиб, унинг мақсади янги турдаги маҳсулот ва технологиялар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шунингдек, миллий товарларга хизмат кўрсатиш бозорларини кенгайтиришдан иборат.

Давлат инновация сиёсатининг мақсади ва йўналишлари, энг аввало, у ёки бу тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари, ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳияти ҳамда мазкур тармоқ асосий маҳсулотининг рақобатбардошлик даражасига боғлиқ.

Таъкидлаш жоизки, миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини ўз маҳсулотининг рақобатбардошлик даражасига кўра учта гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳ тармоқлар йирик рақобатбардошлик салоҳиятига ва жаҳон бозорида ўз мавқеига эга. Бундай тармоқлар гуруҳига Ўзбекистон ёқилғи-энергетика мажмуаси, кимё саноати, пахта толаси ишлаб чиқаришни киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳ тармоқлар жаҳон бозорида рақобатбардошликка яқин маҳсулотлар ишлаб чиқарадилар. Бундай тармоқларга Ўзбекистон автомобилсозлик саноати, металлургия, шу жумладан, иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалик

маҳсулотларини, энг аввало, мева-сабзавотларни қайта ишлаш саноати, енгил саноатнинг айрим тармоқларини киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳга агросаноат мажмуаси, озиқ-овқат саноати, машинасозлик саноатининг кўплаб тармоқлари ва бошқаларни киритиш мумкин. Ушбу саноат тармоқларининг маҳсулотлари жаҳон бозорида ўз ўрнига эга эмас, шу сабабли улар кўпроқ ички бозорга йўналтирилган.

Ўзбекистон иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш саноати иккинчи гуруҳга кирганлиги туфайли бу тармоққа нисбатан юритиладиган давлат инновация сиёсати ўз характери, миқёси, ресурслар ҳажми ва бошқа параметрларига кўра ўзига хос ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, мазкур тармоққа нисбатан давлат инновация сиёсатининг қуйидаги асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- инновация фаолиятининг, уни амалга ошириш механизмининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан республикада инновация фаолиятини ривожлантириш бўйича қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2008 йил 15 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 916-сонли Қарори, 2008 йил 15 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Технологиялар трансфери агентлиги” давлат унитар корхонаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 228-сонли Қарори, “Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 144-сонли Қарорининг қабул қилиниши Ўзбекистонда инновация фаолиятини фаоллаштиришнинг муҳим омили сифатида хизмат қилади;

- инновация фаолияти, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, илмталаб маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражаси ва экспорти ҳажмини оширишни қўллаб-қувватлаш тизимини барпо этиш;

- инновация жараёнининг инфратузилмасини, шу жумладан, ахборот таъминоти, экспертиза, молия-иқтисодий, сертификациялаш ва ишланмаларнинг бозорларга кириб бориш тизимини ривожлантириш;

- кичик корхона ва ташкилотларнинг инновацион фаолияти учун қулай шарт-шароитларни барпо этиш ҳамда улар фаолиятининг дастлабки босқичларида давлат томонидан ёрдам кўрсатиш йўли билан кичик инновация тадбиркорлигини ривожлантириш. Ушбу мақсадга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 144-сонли Қарорида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг грант сифатида 400 млн. сўм миқдоридаги маблағ, шу жумладан кейинчалик уларни инновацион лойиҳаларини ишлаб чиқарувчиларга, шунингдек Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси якунларига кўра инновацион ишланмаларни татбиқ этаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бериш учун Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси ҳисобига – 300 млн. сўм ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳисобига – 100 млн. сўм ажратиш кўзда тутилган³¹;

- инновация лойиҳалари ва дастурларини конкурс асосида танлаш тизимини такомиллаштириш. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги 916-сонли қарорида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги 2009 йилнинг 1 январигча бўлган муддатда илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг илмий, технологик ва лаборатория ускуналарини модернизация қилишга халқаро молия институтларининг мақсадли грант маблағларини жалб этиш масалаларини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди³².

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш саноатида давлат инновация сиёсати жаҳон даражасидаги миллий ва хорижий илмий-

³¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил 21 май

³² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 916-сонли Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2008 йил 16 июль

техника ва технология натижаларини, иккиламчи ресурсларни такрор ишлаб чиқаришни жадал суръатларда ўзлаштиришга қаратилиши мақсадга мувофиқ. Бунда асосий эътибор инновация фаолиятининг экологик жиҳатларига қаратилиши лозим.

Жаҳон амалиётида инновация фаолиятини амалга ошириш усуллари ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий мақсади инновация лойиҳалари ва дастурларини самарали тарзда амалиётга жорий этишдан иборат.

Инновация сиёсатини амалга оширишнинг асосий усуллари қуйидагилардан иборат:

- инновация соҳасида ижобий ўзгаришларга эришиш учун қонуний шарт-шароитларни барпо этиш (яъни қонунчиликда тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган бўлиши лозим);

- илмталаб, юқори технологияли ишлаб чиқаришга ўз маблағларини киритаётган инвесторларни, шунингдек, ташкилотларни (инновацияларни ўзлаштириш даврида) муайян солиқ имтиёзларини киритиш, давлат кафолатлари ва кредитлар ҳисобидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги 916-сонли қарорида илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларини қайта жиҳозлаш ва тўлиқ жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган рўйхатлар бўйича модернизация қилиш доирасида олиб келинадиган ускуналар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилиши кўрсатилган³³;

- инновация фаолиятини юритиш учун қулай шароитларни барпо этиш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги 916-сонли қарорида 2013 йилнинг 1 январигача бўлган даврда ўқув ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда ташкилотлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномалар бўйича амалга ошириладиган амалий илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш қисмида даромад солиғи, ягона солиқ тўлови, қўшилган қиймат солиғи ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар

³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 916-сонли Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2008 йил 16 июль

(ягона ижтимоий тўловдан ташқари) тўлашдан озод этилиши белгилаб қўйилган³⁴;

- миллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни ташқи бозорда сотиш бўйича қўшма корхоналар барпо этиш, миллий инновацияларни хорижда кенг тарғиб қилишни таъминлаш, инновация лойиҳалари бўйича ахборот алмашинуви учун халқаро ахборот тизимларига кириб бориш учун шарт-шароитлар яратиш;

- энг янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мақсадида инновация лойиҳаларини давлат кафолати остида амалга оширишни кўзда тутиб, ускуналар, технологияларга лицензиялар ва ноу-хауларни сотиб олиш, инновация инфратузилмасини ривожлантириш учун хорижий кредит линияларида квоталарни таъминлаш;

- Европа Иттифоқи, МДХга аъзо мамлакатлар, шунингдек, бошқа мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган давлат ҳокимияти органлари ва хусусий инвесторлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

- илмталаб ускуналар лизингини ривожлантириш;

- инновация нуқтаи назаридан фаол ташкилот ва корхоналарни халқаро конкурсларда иштирокини таъминлаш;

- умуммиллий характерга эга бўлган, аммо хусусий корхоналар учун жозибадор бўлмаган инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат инвестицияларини ажратиш ва ҳ.к.

3.3. Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарини реструктуризациялашни башоратлаш

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай саноат корхонаси, шу жумладан, иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонаси ўзгарувчан бозор муҳитини ҳисобга олган ҳолда ўз олдида аниқ мақсадларни қўяди, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, оқилона маҳсулотлар портфелини шакллантириш, бошқарув тузилмасини такомиллаштириш каби вазифаларни бажариш механизми ва муддатини белгилаб олади. Бу эса ушбу вазифаларни бажаришнинг ташкилий механизмини режалаштиришни тақозо этади. Албатта,

³⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 916-сонли Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2008 йил 16 июль

юқоридаги вазифаларнинг бажарилиши ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини жорий қилиш, замонавий технологияларга ўтиш, меҳнатни ташкил этиш ва иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришни режалаштириш билан боғлиқ.

Саноат корхонасини реструктуризациялаш билан боғлиқ ҳар қандай муаммо режалаштиришни, олиб борилаётган ишларнинг пировард якунини кўра билиш ва башорат қилишни талаб қилади. Шу сабабли бозор иқтисодиёти шароитида ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган режа бўлиши ва шу муддатларда эришиш мумкин бўлган кўрсаткичларни башорат қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонаси фаолият кўрсатаётган ташқи муҳитнинг ўзгарувчанлиги, рангли металллар бозорида нархлар конъюнктураси тебранишларининг юқорилиги башорат кўрсаткичларини бир неча вариантда ишлаб чиқишни тақозо этади. Бизнинг фикримизча, иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишини икки вариантда башоратлаш мақсадга мувофиқ: пессимистик башорат кўрсаткичлари ва оптимистик башорат кўрсаткичлари.

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонасини реструктуризациялашни башоратлашнинг биринчи усулида ўтмишда амал қилган тенденциянинг келажакда ҳам сақланиб қолиши кўзда тутилади. Бошқача қилиб айтганда, мазкур усулда башоратлаш экстраполяция усули асосида амалга оширилади.

Башоратлашда экстраполяция, усулини қўллаш қуйидаги шарт-шароитларни тақозо этади:

- ўрганилаётган ҳодисанинг ривожланиши умуман силлиқ эгри чизикда акс эттирилади;

- ҳодиса ривожланишининг ўтмишдаги ва ҳозирги даврдаги умумий тенденцияси келажакда ҳам сезиларли даражада ўзгармайди.

Шу сабабли башоратлаш натижаларнинг аниқлиги ва ишончлилиги башоратлаш муддати ва олдинги аниқланган тенденциянинг ҳақиқатга мос келишига боғлиқ бўлади. Экстраполяцияга охирги башорат кўрсаткичларини аниқлашнинг бошланғич босқичи сифатида қараш лозим. Экстраполяциядан механик фойдаланиш хато хулосалар чиқаришга олиб келиши мумкин.

Башоратлашда муддат қанчалик узайтирилса, оддий экстраполяция усулининг камчилик жиҳатлари шунчалик кўпроқ

намоён бўлади. Бундай ҳолатда иқтисодий воқеа ва ҳодисаларнинг ўзгарувчанлиги уларнинг ривожланишидаги инерционликка зид кела бошлайди. Шу сабабли экстраполяция муддати қанчалик қисқа бўлса, башоратлаш натижалари шунчалик аниқ ва ишончли бўлади, чунки қисқа муддатларда ҳодисаларнинг ривожланиш шарт-шароитлари ва динамикасининг характери кучли ўзгармайди.

Экстраполяцияни умумий кўринишда қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$Y_{i+t}=f(Y_i, T, a_j)$$

бу ерда: Y_{i+t} - башоратланаётган давр;

Y_i - башоратланаётган қаторнинг жорий даражаси;

T - экстраполяция муддати;

a_j - тренд тенгламаси параметри.

Башоратлаш қандай тамойиллар ва бошланғич маълумотларга асосланиб амалга оширилишига қараб, экстраполяциянинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин: ўртача мутлақ қушимча ўсиш, ўртача ўсиш суръати ва қаторларни бирор бир формула бўйича текислаш асосидаги экстраполяция.

Мазкур ишда иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонасини реструктуризациялашни башоратлаш ўртача ўсиш суръати асосида амалга оширилади. Унинг умумий формуласи эса қуйидагича кўринишга эга:

$$Y_{i+t}=Y_i * K_y^t$$

бу ерда: Y_i - динамика қаторининг охирги даражаси;

t - башорат муддати;

K_y - ўсишнинг ўртача коэффиценти.

Экстраполяция усулида башоратлаш жорий иқтисодий сиёсатнинг ўзгармаслигини ҳамда иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонаси асосий кўрсаткичлари динамикасининг сақланиб қолишини кўзда тутди. Шу нуқтаи назардан пессимистик башорат кўрсаткичлари қуйидаги шарт-шароитларнинг мавжуд бўлишини кўзда тутди:

- корхонага хом ашё етказиб бериш ҳажмининг пасайиш тенденцияси сақланиб қолади;

- корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар таркибида сезиларли ўзгаришлар юз бермайди ва қўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми секин суръатлар билан ўсади;

- рангли металллар нархларининг пасайиш тенденцияси давом этади. Бу эса республикамиз ички бозорида ҳам рангли металллар нархларининг пасайишига олиб келади;

- экспорт номенклатурасининг торлиги ва рангли металллар нархларининг пастлиги натижасида корхонанинг ташқи иқтисодий фаолиятида пасайиш ҳолати кузатилади;

- корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар улуши ва ишлаб чиқарилган металл маҳсулотлар нархларининг пастлиги корхонанинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади;

3.2-жадвал

"Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи" ОАЖ ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2015 йилгача бўлган башорат кўрсаткичлари (пессимистик вариант)

	2008	2010	2015	2010 йилда 2008 йилга нисбатан, %	2015 йилда 2008 йилга нисбатан, %	2015 йилда 2010 йилга нисбатан, %
Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, 2006 йил нархларида, млн.сўм	16081,9	18140,6	20150,6	112,8	125,3	111,1
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми, млн сўм	285,6	354,1	383,3	124,0	134,2	108,2
Алюминий қотишмаси, тонна	1090,9	1152,0	1184,7	105,6	108,6	102,8
Мис асосидаги рангли металллар қотишмаси, тонна	552,2	527,9	430,7	95,6	78,0	81,6
Мис катодлари, тонна	215,0	246,2	278,8	114,5	129,7	113,2
Мис катанкаси, тонна	29,4	29,2	28,8	99,2	97,9	98,6
Сирланган сим, тонна	9,5	8,8	7,4	92,4	77,7	84,1
Рангли металл чиқиндилари ва парчалари, тонна	3059,0	3163,0	3453,6	103,4	112,9	109,2

Манба: "Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи" ОАЖ маълумотлари асосида ҳисобланган.

- корхона молиявий аҳволининг оғирлашуви реструктуризация жараёнларини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва бошқарувни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни

амалга ошириш имкониятларини чеклайди ва корхона стратегиясида чуқур ўзгаришлар юз бермайди.

Пессимистик вариантда ҳисобланган башоратлаш кўрсаткичлари 3.2-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пессимистик вариантда 2008 йилга нисбатан 2010 йилда корхонанинг ялпи маҳсулоти 12,8 фоизга, 2015 йилда 25,3 фоизга ўсади. Бундай ўсиш асосан халқ истеъмоли моллари, алюминий қотишмаси ва мис катодлари ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши ҳисобига юз беради. Хом ашё тайёрлаш ҳажмининг пасайиши ва корхона маҳсулоти таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар улушининг паст суръатларда ўсиши айниқса, узоқ муддатли истиқболда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига кучли салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли 2010-2015 йилларда корхона ялпи маҳсулоти қўшимча ўсиш суръати 11,1 фоизгача пасаяди.

Бир сўз билан айтганда, пессимистик вариантда ҳисобланган башорат кўрсаткичлари корхонанинг барқарор суръатларда ўсишини таъминлай олмайди ва реструктуризациялаш стратегияси талабларига жавоб бермайди.

Шу муносабат билан реструктуризация стратегиясига мувофиқ иккинчи (оптимистик) вариантда башорат кўрсаткичларини ҳисоблаш лозим.

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонасини реструктуризациялашни башоратлашнинг иккинчи усули корхона ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимида чуқур ўзгаришларни, макроиқтисодий муҳитда ижобий силжишларни кўзда тутди. Бу, энг аввало, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини кескин чеклашда, нархларнинг тўлиқ эркинлаштирилишида, корхоналарни тенг шароитлар билан таъминлаш орқали рақобат муҳитнинг яхшиланишида, ички хўжалик муносабатларида бозор тамойилларининг жорий этилишида ўз аксини топади.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун давлат молиявий сектор ва банкларни ислоҳ қилиш, тўловсизлик танглигини бартараф этиш, маркетинг тизимига давлатнинг аралашувини бекор қилиш, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, умумий солиқ юки ва солиқ ставкаларини босқичма-босқич пасайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши лозим.

Жорий иқтисодий сиёсатда туб ўзгаришларни амалга

оширишнинг асосини иқтисодиётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш ташкил қилади. Ўзак тармоқларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимидан экспортга йўналтирилган иқтисодиётга ўтиш иқтисодиётда эркин рақобат учун қулай муҳит яратади. Бунинг натижасида эса саноат корхоналарининг фаолият соҳаси кенгаяди.

Экспортга йўналтирилган иқтисодиётнинг қарор топиши натижасида ишлаб чиқарувчилар жаҳон бозорининг қаттиқ талабларига дуч келадилар ва бу ҳолат уларни маҳсулот сифатини муттасил яхшилаб боришга ундайди. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларнинг кириб келиши анча фаоллашади. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришга фан-техника натижаларини кенг жорий этиш, янги техника ва илғор технологиялардан фойдаланиш имкониятлари кенгаяди.

Давлатнинг экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаши натижасида экспорт ҳажми ортади. Экспорт ҳажмининг ошиши эса иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарига замонавий ускуналар ва технологиялар импорт қилиш имконини кенгайтиради. Бунинг натижасида хом ашёни чуқур қайта ишлаш имконияти пайдо бўлади.

Оптимистик вариантда ҳисобланган башорат кўрсаткичлари қуйидаги шарт-шароитларнинг бажарилишини тақозо этади:

- жаҳон рангли металллар бозорида нархларнинг пасайиш тенденцияси барҳам топиб, ўсиш босқичига ўтади;

- корхона томонидан импорт қилинаётган хом ашё маҳсулотларига бўлган нархлар доллар ўлчовида ўзгармас ҳолатда сақланиб қолади;

- корхона томонидан ички фаолиятда бригада пудратининг жорий этилиши, касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши ҳамда хом ашё харид нархларининг Лондон металл биржаси нархларидан келиб чиқиб шакллантирилиши натижасида хом ашё тайёрлаш ҳажми сезиларли даражада ошади;

- корхона томонидан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг янги турлари ўзлаштирилади;

- корхона ялпи маҳсулоти таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш улуши ошади;

- локализация дастури доирасида Ўзбекистон автомобилсозлик саноатига янги турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш турлари ўзлаштирилади;

- ташқи муҳитнинг қулайлиги ва корхонада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволи яхшиланади. Бу эса ўз навбатида инвестицияларнинг янги манбаларини излаб топиш ҳамда ўз маблағлари ҳисобига ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янги технологик ускуналарни сотиб олишга кенг имкониятлар яратади;

- корхонада мослашучан ёндошув асосида бошқаришга ўтиш корхонанинг ички бўлинмалари ўртасида рақобат муҳитини юзага келтиради ва бу маҳсулот таннархига ижобий таъсир кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оптимистик вариантда бажарилиши лозим бўлган шарт-шароитларни муваффақиятли ҳал этиш учун барча имкониятлар етарли. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 29 январда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб берар экан, айнан мана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратган. Корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва уларни кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, касаначиликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида импорт қилинадиган маҳсулотлар миқдорини камайтириш ва экспортга чиқариладиган маҳсулотлар турини кўпайтириш, ички талабни рағбатлантириш, аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан корхоналарда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, экспорт қилинадиган маҳсулотлар таркибини ва умуман, ташқи савдо айланмасини янада диверсификация қилиш борасида белгилаб берилган вазифалар фикримиз далилидир.

Оптимистик вариантда башорат кўрсаткичларини ҳисоблаш натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган (3.3-жадвал).

Оптимистик вариантда ҳисобланган башорат кўрсаткичлари шундан далолат берадики, 2010 йилда 2008 йилга нисбатан таққослама нархларда корхонанинг ялпи маҳсулоти қарийб 1,7 мартага, 2015 йилда эса 2,5 мартага ўсади. Корхонада ишлаб чиқариладиган барча товар гуруҳларида ишлаб чиқариш суръатларининг жадаллашуви юз беради. Халқ истеъмоли моллари бозорини маркетинг тадқиқотлари асосида чуқур ўрганиш ва шу асосда янги турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни

ўзлаштириш натижасида ушбу гуруҳ товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 2008 йилга нисбатан 2010 йилда қарийб 1,8 мартага, 2015 йилда эса 3,1 мартага кўпаяди.

3.3-жадвал

"Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи" ОАЖ ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2015 йилгача бўлган башорат кўрсаткичлари (оптимистик вариант)

	2008	2010	2015	2010 йилда 2008 йилга нисбатан, %	2015 йилда 2008 йилга нисбатан, %	2015 йилда 2010 йилга нисбатан, %
Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, 2008 йил нархларида, млн.сўм	16081,9	27339,2	40269,1	170,0	250,4	147,2
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми, млн сўм	285,6	514,4	890,8	180,1	311,9	173,2
Алюминий қотишмаси, тонна	1090,9	1658,2	2311,6	152,0	211,9	139,4
Мис асосидаги рангли металлар қотишмаси, тонна	552,2	822,8	1091,1	149,0	197,6	132,6
Мис катодлари, тонна	215,0	348,3	483,7	162,0	225,0	138,9
Мис катанкаси, тонна	29,4	36,7	54,4	124,9	185,1	148,2
Сирланган сим, тонна	9,5	14,6	18,4	154,0	194,0	126,0
Рангли металл чиқиндилари ва парчалари, тонна	3059,0	5139,1	7861,6	168,0	257,0	153,0

Манба: "Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи" ОАЖ маълумотлари асосида ҳисобланган.

Бригада пудратини жорий этиш хом ашё тайёрловчиларнинг хом ашё тайёрлаш ҳажмини кўпайтиришдан манфаатларини оширади. Айни вақтда касаначиликни ривожлантириш сезиларли миқдордаги маиший рангли металл парчалари ва чиқиндиларини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Бунинг натижасида рангли металл парчалари ва чиқиндилари ишлаб чиқариш ҳажми эса 2008 йилга нисбатан 2010 йилда қарийб 1,7 мартага, 2015 йилда эса 2,6 мартага кўпаяди.

Хом ашё ҳажминининг кўпайиши, жаҳон рангли металллар бозорида нархларнинг ошиши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш соҳасида олиб борилаётган чора-тадбирлар корхона ялпи

маҳсулотида қўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар улушининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида корхонада алюминий қотишмаси, мис асосидаги рангли металл қотишмаси, мис катодлари, мис катанкаси, сирланган сим ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли даражада ошишини таъминлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оптимистик вариантда ҳисобланган башорат кўрсаткичларига эришиш реструктуризация дастури доирасида уч босқичли чора-тадбирлар тизимини амалга оширишни тақозо этади.

Биринчи босқич 2005 йилдан бошланган бўлиб 2010 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқичда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар қуйидагиларда иборат:

- хом ашё тайёрлаш ҳажмини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш (бу соҳада 2005 йилдан бошлаб сезиларли ижобий ишлар амалга оширилди: корхонада бригада пудрати жорий этилди, касаначилик фаолияти йўлга қўйилди, хом ашё харид нархларининг сезиларли даражада оширилишига эришилди ва ҳ.к);

- корхона маҳсулоти сифатини бошқаришнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш (бу соҳада ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди, хусусан, ISO 9001-2008 халқаро стандарти асосида сифатни бошқариш тизими жорий этилмоқда, бугунги кунда корхонада ушбу тизим ҳужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилди);

- корхона маҳсулотлар портфелини такомиллаштириш ва шу асосда қўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш (1996 йилда корхонанинг асосий маҳсулоти фақат алюминий қотишмасидан иборат бўлган бўлса, 2000 йилдан бошлаб мис катанкаси, сирланган сим, лом ва рангли металл чиқиндиси, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, 2002 йилдан бошлаб мис асосидаги рангли металл қотишмаси, 2004 йилдан бошлаб эса мис катодлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди);

- корхонанинг бошқарув тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш (корхонанинг бошқарув тузиламасини такомиллаштириш мақсадида янги бошқарув тузилмасига ўтилди);

- экспорт ҳажмини оширишга эришиш. Бунда юқори сифатли алюминий ва мис қотишмалари улушини ошириш йўли билан

экспортнинг қиймат кўрсаткичларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш лозим ва ҳ.к.

Кўриниб турибдики, ушбу босқичда кўзда тутилган вазифаларнинг асосий қисми муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Иккинчи босқич 2010-2012 йилларни ўз ичига қамраб олиб, бу босқичнинг асосий вазифалари қуйидагиларда иборат:

- хом ашё тайёрлашнинг узлуксиз тизимини барпо этиш ва хом ашё тайёрлаш ҳажмини муайян даражада барқарорлаштириш (хом ашё тайёрлаш ҳажмини барқарорлаштириш ундан фойдаланишни самарали тарзда режалаштириш имконини беради);

- ISO 9001-2008 халқаро стандарти асосида сифатни бошқариш тизимини жорий этишни якунига етказиш;

- алюминий ва қўرғошин ишлаб чиқаришни модернизациялашга йўналтирилган комплекс инвестиция дастурини ишлаб чиқиш ва узок муддатли молиялаштиришнинг оқилона тизимини барпо этиш;

- корхонанинг маҳсулот таркибини такомиллаштиришга йўналтирилган ишларни давом эттириш ва юқори сифатли металлдан тайёрланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

- корхонанинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш ва ташқи бозорга қўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар билан чиқишга эришиш;

- корхонанинг корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш ва барча ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини башоратлаш асосида стратегик бошқаришни жорий этиш ва ҳ.к.

Учинчи босқич 2012-2015 йилларни ўз ичига олади ва унда дастлабки икки босқичда амалга оширилган ишлар мантиқий якунига етказилади ҳамда корхонанинг барча ишлаб чиқариш бўлинмаларини технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришнинг ишлаб чиқариш ва илмий-техник асослари барпо этилади, бошқарувнинг мослашувчан тузилмаси жорий этилади, жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, халқаро талаблар даражасида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш меъёрлари жорий этилади.

Учинчи боб бўйича хулосалар

1. Тадқиқот ишида рангли металлларни қайта ишлаш корхонасида мослашувчан ёндошув асосида бошқарувга ўтишнинг афзалликлари асослаб берилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- мустақил бўлинмалар асосида ресурсларнинг рақобатли тақсимланиши ишлаб чиқарилаётган металл маҳсулотларининг бозор қиймати оширади, корхонанинг эса бозор ўзгаришларига мослашувчан-лиги ортади;

- корхона миқёсида ички бозорнинг шакллантирилиши харажатларнинг камайишига олиб келади, чунки мустақил бўлинмалар рентабелликни оширишдан манфаатдор бўладилар;

- ички бўлинмаларнинг мустақиллик даражаси юқори бўлган шароитда юзага келган муаммоларни тез ва самарали бартараф этиш имконияти юзага келади, чунки муаммони ҳал этиш юзасидан унга энг яқин ва шундан келиб чиққан ҳолда муаммони энг яхши биладиган бўлинма раҳбари қарор қабул қилади;

- мослашувчан ёндошув асосида бошқариш ташаббускорликни рағбатлантиради ва бунда ҳар бир корхона аъзоси ўзини йирик корхонанинг бир қисми сифатида ҳис этади;

- мослашувчан ёндошув асосида бошқариш ўз фаолиятининг бошланғич давридаёқ муҳим қарорлар қабул қилиш имкониятини тақдим этар экан ёш раҳбарларни юқорироқ лавозимларга тайёрлашга ёрдам беради. Бу эса корхонага лаёқатли раҳбарларни жалб этиш имконини беради;

- корхона ходимларининг ўз ишига содиқлиги ошади. Энг кичик лавозимдан юқори лавозимгача қисқа йўл билан боришини ҳис этган лаёқатли раҳбарлар корхонада қолиб ишлашни афзал биладилар ва натижада корхона муваффақиятини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

2. XX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб жаҳон иқтисодиётидаги радикал таркибий ўзгаришларни таъминлаган муҳим омиллардан бири инновациялар иқтисодий ролининг ўсганлиги ҳисобланади. Бу ўзгаришларнинг турли мамлакатларга таъсир кўрсатиш механизмида умумий ва хусусий жиҳатлар мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: биринчи гуруҳ турли компаниялар, фирмалар ва ташкилотларнинг инновацион ҳаракатлари, иккинчи гуруҳ давлатнинг инновация сиёсати билан боғлиқ.

3. Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонаси фаолият кўрсатаётган ташқи муҳитнинг ўзгарувчанлиги, рангли

металлар бозорида нархлар конъюнктураси тебранишларининг юқорилиги башорат кўрсаткичларини бир неча вариантда ишлаб чиқишни тақозо этади. Шу муносабат билан мазкур бобда иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиши икки вариантда башоратланган: пессимистик башорат кўрсаткичлари ва оптимистик башорат кўрсаткичлари.

4. Пессимистик вариантда 2008 йилга нисбатан 2010 йилда корхонанинг ялпи маҳсулоти 12,8 фоизга, 2015 йилда 25,3 фоизга ўсади. Бундай ўсиш асосан халқ истеъмоли моллари, алюминий қотишмаси ва мис катодлари ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши ҳисобига юз беради. Хом ашё тайёрлаш ҳажмининг пасайиши ва корхона маҳсулоти таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар улушининг паст суръатларда ўсиши айниқса, узок муддатли истиқболда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига кучли салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли 2010-2015 йилларда корхона ялпи маҳсулоти қўшимча ўсиш суръати 11,1 фоизгача пасаяди.

5. Оптимистик вариантда ҳисобланган башорат кўрсаткичлари шундан далолат берадики, 2010 йилда 2008 йилга нисбатан таққослама нархларда корхонанинг ялпи маҳсулоти қарийб 1,7 мартага, 2015 йилда эса 2,5 мартага ўсади. Корхонада ишлаб чиқариладиган барча товар гуруҳларида ишлаб чиқариш суръатларининг жадаллашуви юз беради. Халқ истеъмоли моллари бозорини маркетинг тадқиқотлари асосида чуқур ўрганиш ва шу асосда янги турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш натижасида ушбу гуруҳ товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 2008 йилга нисбатан 2010 йилда қарийб 1,8 мартага, 2015 йилда эса 3,1 мартага кўпаяди.

6. Оптимистик вариантда ҳисобланган башорат кўрсаткичлари қуйидаги шарт-шароитларнинг бажарилишини тақозо этади:

- жаҳон рангли металллар бозорида нархларнинг пасайиш тенденцияси барҳам топиб, ўсиш босқичига ўтади;

- корхона томонидан импорт қилинаётган хом ашё маҳсулотларига бўлган нархлар доллар ўлчовида ўзгармас ҳолатда сақланиб қолади;

- корхона томонидан ички фаолиятда бригада пудратининг жорий этилиши, касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши ҳамда хом ашё харид нархларининг Лондон металл

биржаси нархларидан келиб чиқиб шакллантирилиши натижасида хом ашё тайёрлаш ҳажми сезиларли даражада ошади;

- корхона томонидан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг янги турлари ўзлаштирилади ва корхона ялпи маҳсулоти таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш улуши ошади;

- локализация дастури доирасида Ўзбекистон автомобилсозлик саноатига янги турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш турлари ўзлаштирилади;

- ташқи муҳитнинг қулайлиги ва корхонада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволи яхшиланади;

- корхонада мослашучан ёндошув асосида бошқаришга ўтиш корхонанинг ички бўлинмалари ўртасида рақобат муҳитини юзага келтиради ва бу маҳсулот таннархига ижобий таъсир кўрсатади.

ХУЛОСА

Саноат корхоналарини реструктуризациялаш жараёнининг моҳиятини очиб беришга қаратилган илмий таърифлар ва услубий ёндошувларни таҳлил қилиш реструктуризациялаш жараёнига қуйидагича таъриф бериш имконини бери: реструктуризация - корхона ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, кескин рақобат муҳитида муваффақиятли фаолият кўрсатишни таъминлаш мақсадида муайян ривожланиш стратегиясини танлаш ва ушбу стратегияни амалга ошириш учун ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат бўлиб, корхонанинг ички таркибини қайта ташкил этиш асосида бозор шароитларига мослашиш жараёнини ўзида акс эттиради. Реструктуризациялаш натижасида корхонанинг ташкилий тузилмаси ва бошқариш функцияларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, молиявий-иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш харажатларини пасайтириш, моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, замонавий ахборот тизимини барпо этиш имконияти юзага келади.

Саноат корхоналарини реструктуризациялашнинг объектив зарурият эканлиги қуйидаги шарт-шароитлар билан изоҳланади:

- бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналари ўз фаолиятларини доимо тўғридан-тўғри бозор конъюнктураси ўзгаришларига мўлжаллаб ташкил қиладилар. Бозор конъюнктураси эса, хоҳ у халқаро миқёсда бўлсин, хоҳ миллий давлат доирасида, узлуксиз ўзгариб туради. Бу корхонанинг ишлаб чиқариш ва товар таркибини доимий тарзда реструктуризация қилишни тақозо этади;

- глобаллашув шароитида инвестицион товарлар тез маънавий эскириш хусусиятига эга бўлиб, илғор технологиялар алмашинувининг оператив тус олиб бориши бу жараённи янада жадаллаштиради, маънавий эскириш моддий эскириш суръатларини “қувиб ўтади”. Мазкур ҳодиса бугунги кунда тенденция характериға эга бўлмоқда. Демак, саноат корхонасини реструктуризациялашга бўлган эҳтиёж доимий моҳият касб этади;

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида талабнинг табақалашуви (дифференциацияси) ва истеъмолнинг индивидуаллашув даражаси кучайди. Бундай шароитда истеъмолчиларнинг дид ва талабларига мувофиқ товар ва хизматлар

таклиф этиш, бир томондан, чуқур маркетинг тадбирларини амалга оширишни, иккинчи томондан, корхонанинг техник ва технологик ускуналарини янгилаб туришни, бошқарувнинг илғор усулларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишни тақозо этади ва ҳ.к.

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарини реструктуризациялаш жараёнига ташқи муҳит кучли таъсир кўрсатади. Хусусан, 2008 йилнинг охири чорагидан жаҳон молиявий инқирозининг бошланиши натижасида рангли металлларга бўлган нархларнинг кескин пасая бошлаши иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарининг молиявий-иқтисодий фаолиятига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга уларни реструктуризациялаш имкониятларини кескин чеклаб қўйди.

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхоналарининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда қуйидаги коэффицентлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- ликвидлик ва тўловга қобилиятлилик коэффицентлари;
- жорий активлар таркиби коэффицентлари;
- молиявий барқарорлик коэффицентлари;
- иш фаоллиги коэффицентлари;
- рентабеллик коэффицентлари.

Реструктуризациялаш самарадорлигини ҳисоблашда бир қатор мураккабликлар мавжуд бўлиб, бу, энг аввало, шу билан изоҳланадики, инвестиция лойиҳалари дастури самарадорлигини ҳисоблашдан фарқли ўлароқ, реструктуризациялаш шароитида инвестиция қўйилмалари реструктуризациялаш дастурига киритилган инвестицияларга бевосита боғлиқ бўлмаган даромадлар ва харажатлар оқими мавжуд бўлган ва фаолият кўрсатаётган корхоналарга киритилади. Шу муносабат билан тадқиқот ишида реструктуризациялаш дастурига киритилган ва бошқа инвестициялар натижасида реструктуризация қилинаётган корхона фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш услуби таклиф этилди.

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонаси ривожланишини таҳлил қилиш натижалари корхонани реструктуризациялашда ҳисобга олиниши лозим бўлган қатор муаммоларни ажратиб кўрсатиш имконини беради. Хусусан, корхона ялпи маҳсулоти ҳажмининг ўсиши асосан нарх омили ҳисобига юз бермоқда. Шунингдек, сўнгги йилларда корхонанинг хом ашё билан

таъминланишида пасайиш ҳолати кузатилмоқда. Айни вақтда корхона экспорти номенклатурасининг торлиги ва унда асосан хом ашё маҳсулотларининг устувор ўринга эга эканлиги экспорт тушумлари ҳажмини жаҳон рангли металллар бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришларга боғлиқ қилиб қўймоқда.

Корхонанинг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили корхонанинг нисбатан барқарор ва молиявий жиҳатдан мустақил эканлигини, жорий фаолият асосан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини кўрсатади. Шу билан бирга ликвидлик кўрсаткичлари корхонада ликвид ресурслар захиралари камайиб бораётганлигидан далолат беради. Корхонанинг иш фаоллиги кўрсаткичлари айланма маблағларнинг айланиш тезлиги пасаяётганлигини кўрсатади. Бу эса корхонада сезиларли миқдордаги ишлаб чиқариш захиралари тўпланиб қолганлигидан далолат беради. Шу билан бирга корхонанинг рентабеллик даражаси сўнгги йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Бу ҳолат янгидан ишга туширилган асосий воситалар қийматининг юқорилиги ва ишлаб чиқариш қувватлари юкламаларининг пастлиги билан изоҳланади.

Корхона асосий фондларининг янгиланиш ва эскириш коэффициентларини ўзаро солиштириш натижалари корхонада янги техника ва технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнлари сустр бораётганлигидан далолат беради. Айни вақтда эскириш коэффициентининг янгиланиш коэффициентидан юқори бўлиши асосий фондлар таркибида эскирган фондлар улушининг юқори бўлишига олиб келади.

Иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонасида қабул қилинган реструктуризация дастури самарадорлигини аниқлаш натижалари шуни кўрсатадики, реструктуризацияга киритилган инвестицияларнинг қопланиш муддати 1 йил 4 ойни ташкил этади. Бу эса реструктуризацияга сарфланган инвестициялар самарадорлигининг юқори эканлигини кўрсатади.

Саноат корхоналарини реструктуризациялаш бўйича жаҳон тажрибасини умумлаштириш қуйидаги хулосаларга келиш имкониятини берди:

- бозор иқтисодиёти шароитида банкротлик ва санация механизмини пухта ишлаб чиқиш ва уни собитқадамлик билан амалга ошириш лозим;

- Ўзбекистон саноат корхоналарини реструктуризациялашда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш шаклидан фойдаланиш ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий усулларини кенг қўллаш имконини беради;

- Ўзбекистон саноат корхоналарини реструктуризациялашда саноат корхонасининг молиявий ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб, реструктуризациялаш моделини танлаш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бундай ёндошув кўплаб корхоналарда реструктуризациялаш стратегиясини танлаш муаммосини ҳал этиш имкониятини беради.

Корхонани реструктуризациялаш стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- корхонанинг ички фаолиятида бригада пудратини жорий этиш, харид нархларини ошириш ҳамда касаначиликни ривожлантириш асосида корхонанинг хом ашё базасини кенгайтириш;

- корхонанинг оқилона товар таркибини шакллантириш, рангли металл парчалари ва чиқиндиларига ишлов бериш даражасини ошириш, маҳсулот-лар сотишнинг янги бозорларини ўзлаштириш;

- ички бозорда алюминий қотишмаларидан тайёрланган маҳсулотларга бўлган талаб ва уларни сотиш имкониятларини тадқиқ этиш, ташқи бозорда рангли металллар ишлаб чиқариш ва унинг истеъмоли ривожланишидаги тенденцияларни аниқлаш ва шу асосда қисқа ва узоқ муддатли башорат кўрсаткичларини ҳисоблаш, жаҳон рангли металллар бозоридаги нарх конъюнктурасини доимий равишда кузатиб бориш, қўшни мамлакатларнинг (Марказий Осиё мамлакатлари, Россия) рангли металллар бозорларидаги вазиятни мунтазам равишда таҳлил қилиш орқали маркетинг соҳасидаги ишларни такомиллаштириш;

- корхонада мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари юкламасини ошириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш қувватлари таркибини такомиллаштириш, харажатларни бошқаришнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва бунда корхона хўжалик фаолиятини режалаштиришга стратегик ёндошувни жорий этиш, корпоратив молияни бошқариш, корхонанинг ташкилий

тузулишини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш;

- ходимларнинг билим-малакасини ошириш ва сифатни бошқариш тизимини такомиллаштириш.

Тадқиқот ишида иккиламчи рангли металлларни қайта ишлаш корхонаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича пессимистик ва оптимистик башорат кўрсаткичлари аниқланган.

Пессимистик вариантда 2008 йилга нисбатан 2010 йилда корхонанинг ялпи маҳсулоти 12,8 фоизга, 2015 йилда 25,3 фоизга ўсади. Бундай ўсиш асосан халқ истеъмоли моллари, алюминий қотишмаси ва мис катодлари ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши ҳисобига юз беради. Хом ашё тайёрлаш ҳажмининг пасайиши ва корхона маҳсулоти таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар улушининг паст суръатларда ўсиши айниқса, узок муддатли истиқболда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига кучли салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли 2010-2015 йилларда корхона ялпи маҳсулоти қўшимча ўсиш суръати 11,1 фоизгача пасаяди.

Оптимистик вариантда ҳисобланган башорат кўрсаткичлари қуйидаги шарт-шароитларнинг бажарилишини тақозо этади:

- бугунги кунда қайта тикланмайдиган ресурсларга бўлган жаҳон нархларининг ўсиб бориши қонуниятга айланиб бормокда. Шу сабабли жаҳон рангли металллар бозорида нархларнинг ўсиш тенденцияси сақланиб қолади;

- корхона томонидан импорт қилинаётган хом ашё маҳсулотларига бўлган нархлар доллар ўлчовида ўзгармас ҳолатда сақланиб қолади;

- корхона томонидан ички фаолиятда бригада пудратининг жорий этилиши, касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши ҳамда хом ашё харид нархларининг Лондон металл биржаси нархларидан келиб чиқиб шакллантирилиши натижасида хом ашё тайёрлаш ҳажми сезиларли даражада ошади;

- корхона томонидан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг янги турлари ўзлаштирилади;

- корхона ялпи маҳсулоти таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш улуши ошади;

- локализация дастури доирасида Ўзбекистон автомобилсозлик саноатига янги турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш турлари ўзлаштирилади;

- ташқи муҳитнинг қулайлиги ва корхонада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволи яхшиланади. Бу эса ўз навбатида инвестицияларнинг янги манбаларини излаб топиш ҳамда ўз маблағлари ҳисобига ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янги технологик ускуналарни сотиб олишга кенг имкониятлар яратади;

- корхонада мослашучан ёндошув асосида бошқаришга ўтиш корхонанинг ички бўлинмалари ўртасида рақобат муҳитини юзага келтиради ва бу маҳсулот таннархига ижобий таъсир кўрсатади.

Оптимистик вариантда ҳисобланган башорат кўрсаткичлари шундан далолат берадики, 2010 йилда 2008 йилга нисбатан таққослама нархларда корхонанинг ялпи маҳсулоти қарийб 1,7 мартага, 2015 йилда эса 2,5 мартага ўсади. Корхонада ишлаб чиқариладиган барча товар гуруҳларида ишлаб чиқариш суръатларининг жадаллашуви юз беради. Халқ истеъмоли моллари бозорини маркетинг тадқиқотлари асосида чуқур ўрганиш ва шу асосда янги турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш натижасида ушбу гуруҳ товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 2008 йилга нисбатан 2010 йилда қарийб 1,8 мартага, 2015 йилда эса 3,1 мартага кўпаяди.

Бригада пудратини жорий этиш хом ашё тайёрловчиларнинг хом ашё тайёрлаш ҳажмини кўпайтиришдан манфаатларини оширади. Айни вақтда касаначиликни ривожлантириш сезиларли миқдордаги маиший рангли металл парчалари ва чиқиндиларини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Бунинг натижасида рангли металл парчалари ва чиқиндилари ишлаб чиқариш ҳажми эса 2008 йилга нисбатан 2010 йилда қарийб 1,7 мартага, 2015 йилда эса 2,6 мартага кўпаяди.

Хом ашё ҳажминининг кўпайиши, жаҳон рангли металл бозорида нархларнинг янада ошиши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш соҳасида олиб борилаётган чора-тадбирлар корхона ялпи маҳсулотида кўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар улушининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида корхонада алюминий қотишмаси, мис асосидаги рангли металл қотишмаси, мис катодлари, мис катанкаси, сирланган сим ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли даражада ошишини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2003. - 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисидаги”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 29-46-бетлар.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 65-76-бетлар.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 77-99-бетлар.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисидаги”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 159-163-бетлар.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: II-китоб. - Т.:”Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. - 140-153-бетлар.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: II-китоб. - Т.:”Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. - 154-160-бетлар.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлар фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Т.:Ўзбекистон, 2002. - 46-72-бетлар.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. “Халқ сўзи” газетаси, 2000 йил 13 июнь.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рангли металллар парчалари ва чиқиндилари ўғирланиши ҳамда ноқонуний четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 2000 йил 9 март.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рангли металл

парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2006 йил 19 июль.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2008 йил 16 июль.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Технологиялар трансфери агентлиги” давлат унитар корхонаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2008 йил 15 октябрь.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил 21 май.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сақлаш, эҳтиётлаш ва топшириш тўғрисида”ги Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2006 йил 5 февраль.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. //Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Т.:Ўзбекистон, 2002. - 201-205-бетлар.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2006 йил 11 августдаги 73-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг 2006 йил 11 августдаги 3-сонли “Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи” ОАЖ ва унинг ҳудудий корхоналари томонидан рангли металл парчалари ва чиқиндиларини харид қилиш нархини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

18. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. - Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – 74 б.

19. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. - 66 б.

20. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. – 269 б.
21. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – 326 б.
22. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 48 б.
23. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2006. – 60б.
24. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
25. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
26. Абалкин Л.И. Курс переходной экономики. - М.:Финстатинформ, 1997.
27. Алпатов А. Реструктуризация предприятий: механизмы и организационные меры. //Экономист. - 2000. - №3. - с.26-35.
28. Айвазян З. Основные препятствия в проведении реструктуризации предприятий. //Экономика и жизнь. - 1999. - №16. - с.23-31.
29. Астахов А. Проблемы реструктуризации угольной промышленности России. //Вопросы экономики. - 1997. - №6. - с.67-74.
30. Балабанов И.Т. Финансовый анализ и планирование хозяйствующего субъекта. //2-е., доп. – М.: Финансы и статистика, 2000. - 208с.
31. Бабаханов Д.Ш., Халикулов Г.Х. Организация заготовки и переработки лома и отходов цветных металлов. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2001. – 223 с.
32. Бочаров В.В. Инвестиции. – СПб.: Питер, 2009. – 384 с.
33. Бабаханов Д.Ш. Саноат ишлаб чиқаришини реструктуризациялаш. //Ж. Жамият ва бошқарув. 2005, №4, 85-87-б.
34. Бабаханов Д.Ш. Тенденции развития мирового рынка цветных металлов. //Девятнадцатые международные Плехановские чтения. - М.: 2006, с.174-180.

35. Бабаханов Д.Ш. “Ўзиккиламчиранглиметалл” корхонасида реструктуризация жараёни: муаммо ва ечимлар. //Ж.Шарқшунослик. 2006, №2, 154-157-б.
36. Бабаханов Д.Ш. Жаҳон бозорида. //Ж.Солиқ тўловчининг журнали. 2007, №10, 47-49-б.
37. Бабаханов Д.Ш. Экономические аспекты переработки вторичных сплавов. //Химия и химическая технология. 2007, №1, с.62-65.
38. Бачурин А. Реструктуризация и реформирование производства. //Экономист. - 1999. - №9. - с.23-29.
39. Баев И.А., Кожин С.В. Новый подход к реструктуризации компании. //Финансы. – 2001. - №12. – с.11-16.
40. Бекасова И.Э. Что такое аутсорсинг? //Бухгалтерский учет, М.: №5. – с.35
41. Беркинов Б.Б. Состояние и задачи дальнейшего развития процессов постприватизационной поддержки и реструктуризации предприятий. //Материалы Республиканского научно-практического семинара (23 августа 2002 г. Ташкент.). - с.27-32.
42. Бруно Дж.Дж. Современный процесс ломопереработки: от организации к экономике. //II Международная конференция, Москва. Материалы конференции. М.: 2006. – с.48.
43. Биван А.А. и др. Факторы реструктуризации предприятий в переходных экономиках. //Экономический журнал высшей школы экономики. – М.: 2002. – Т. 6, №1. – с.47-54.
44. Борисов В. Машиностроение: Реструктуризация и конкурентоспособность. //Экономист.- 1999. - №7. – с.67-75.
45. Водачек Л. Реструктуризация - вызов чешским предприятиям. //Проблемы теории и практики управления. - 1999. №1. - с.84-92.
46. Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. – Т.: “Шарқ”, 2005. – 480 б.
47. Виноградская Н.А., Рожков И.М. Анализ финансовой отчетности. Практикум. - М.: Издательство «Учеба», 2003 - 86 с.
32. Герхард П. Андерсен Р. и др. Приватизация и реструктуризация промышленных предприятий в Центральный и Восточной Европе. Вашингтон. Всемирный Банк. 1998. – 396 с.
33. Гинзбург А.И. Экономический анализ. – СПб.: Питер, 2007. – 208с.

34. Дерябина М. Реструктуризация российской экономики через передел собственности и контроля. //Вопросы экономики. - 2001. - №10. – с.55-64.

35. Евсеев А. Стратегия реструктуризации предприятий в условиях кризисной ситуации. //Проблемы теории и практики управления. - 1999. - №3. – с.109-117.

36. Заварзина Н. Реструктуризация как средство привлечения инвестиций. //Экономика и жизнь. - 1997. - №41. – с.8-16.

34. Искандеров И.И. Социально-экономическая эффективность новой техники в промышленности Узбекистана. - Т.: ФАН, 1986. – 67 с.

35. Инновационное развитие – основа модернизации экономики России: Национальный доклад. М.: МЭИМО РАН, ГУ-ВШЭ, 2008. – 168 с.

36. Квасникова .В.В. Опыт и оценка реструктуризации обувной промышленности (на примере МОАО «Луг»). //Вест. Беларус.гос. экон. Ун-та. – Мн.: 1999.- №5/6. с-43-49.

37. Кожуховский И. Реструктуризация угольной промышленности. //Вопросы экономики - 2000. - №1. - с.147-162.

38. Крук М.Д. Разработка корпоративных стратегий компаний. //Всероссийский экономический журнал «ЭКО». – М.: 2001, №6. – с.112

39. Ковалев А.И., Привалов В.П. Анализ финансового состояния предприятия. //Изд. 4-е, исправл., доп. – М.: 2002. - 208 с.

40. Коласс Б. Управление финансовой деятельностью предприятия. Проблемы, концепции и методы. /Пер.с франц. Под редакцией проф.Я.В.Соколова. - М.:Финансы, ЮНИТИ, 1997. - 576с.

41. Конкурентоспособность и модернизация экономики: В 2-х кн. /Отв. ред. Е.Г. Ясин. Кн.1. – М.: Издательский дом ГУ ВШЭ, 2004. – 456 с.

42. Конкурентоспособность и модернизация экономики: В 2-х кн. /Отв. ред. Е.Г. Ясин. Кн.2. – М.: Издательский дом ГУ ВШЭ, 2004. – 480 с.

43. Купряков Ю. П. Основы цветных металлов и сплавов. – М.: «Металлургия», 1987. – 229 с.

44. Логинов В. Курнышева И. Реструктуризация промышленности в условиях экономического кризиса.//Вопросы экономики. - 1996. - №11. - с.33.

45. Малышев И.А. Предстоящие изменения в законодательстве РФ, регулирующем оборота лома металлов. //II Международная конференция, Москва. Материалы конференции. М.: 2006. – с.34-35.

46. Медь: на пути к драгметаллам. //Металлургический бюллетень. – 2006. - №1-2. – с.32-34.

47. Мицкевич В. Реструктуризация крупного предприятия: опыт, проблемы, оценки. //Экономика и жизнь - 1999. - №33. – с.26-35.

48. Моторин А.А. Стратегия закупок черного лома. Развитие копрового цеха металлургического предприятия. Опыт ОАО “Северсталь”. //II Международная конференция, Москва. Материалы конференции. М.: 2006. – с.52-54.

49. Ломако П.Ф. Цветная металлургия. – М.: «Металлургия», 1985. – 194 с.

50. Мансуров О.Б. Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув. – Т.: “Молия”, 2008. – 196 б.

51. Марн М.В., Регнер Э.В., Завада К.К. Ценовое преимущество. /Пер. с англ. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. – 317 с.

52. Национальная экономика Беларуси: Потенциалы. Хозяйственные комплексы. Направления развития. Механизмы управления. /В.Н. Шимов, Я.М. Александрович, А.В. Богданович и др.; Под общ. Ред. В.Н. Шимова. – Мн.: БГЭУ, 2005. – 844 с.

53. Оптимизм рынка алюминия. //Металлургический бюллетень. – 2005. - №11. – с.62-65.

54. Осмоловский В.В. Рынок металлолома Москвы и Московской области. //II Международная конференция, Москва. Материалы конференции. М.: 2006. – с.48.

55. Перспективные рынки сбыта Российского лома. //Лом черных металлов. Специальный выпуск к конференции “Лом черных и цветных металлов” 2006. – с.17-19.

56. Потребление лома в России. //Лом черных металлов. Специальный выпуск к конференции “Лом черных и цветных металлов” 2006. – с.8-17.

57. Прогноз потребления лома. Лом черных металлов. Специальный выпуск к конференции “Лом черных и цветных металлов” 2006. – с.20.

58. Переходный период: анализ и уроки первого десятилетия для стран Восточной Европы и бывшего Советского Союза.

Исследование Всемирного банка. /Пер. с англ. – М.: Издательство «Весь Мир», 2002. – 296с.

59. Портер М. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость. /Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. – 715 с.

60. Проблемы развития национальной экономики Беларуси (теоретические и практические аспекты). Мн.: НИЭИ Минэкономики РБ, 2002. с. 27-32.

61. Реструктуризация предприятий и компаний. /Под. ред. И.И. Мазура. – М.: Высшая школа, 2000. – 587 с.

62. Рыночные преобразования и развитие предпринимательства: Сборник научных трудов. /Ред. колл.: И.Л. Бутиков, Б.Б. Беркинов, Р.И. Яушев. Т.: Консаудитинформ, 2002. – 352с.

63. Рынок лома: корректировка. //Металлургический бюллетень. – 2005. - №11. – с.57-59.

64. Саидова Г.К. Состояние и задачи дальнейшего развития процессов постприватизационной поддержки и реструктуризации предприятий. //Материалы Республиканского научно-практического семинара (23 августа 2002 г. Ташкент.). – с. 6-8.

65. Сачко А.И. Украинский рынок сырья цветных металлов за 6 лет нового тысячелетия. Что ждет украинский рынок сырья! //II Международная конференция, Москва. Материалы конференции. М.: 2006. – с.55.

66. Сирик А. Украинский рынок металлолома: тенденции и перспективы развития. //II Международная конференция, Москва. Материалы конференции. М.: 2006. – с.45-47.

67. Супрун И.В. Актуальные тенденции и факторы, определяющие развитие российского рынка лома до 2007 г. //II Международная конференция, Москва. Материалы конференции. М.: 2006. – с.36.

68. Ташенова С. Реализация секториальных программ и реструктуризация предприятий Республики Казахстан. //Транзит. Экономика. – Алматы: - 1998. - №34. - с.74-84.

69. Трофимов А.Е. О мерах, предпринимаемых органами внутренних дел по борьбе с кражами цветных и редкоземельных металлов. //II Международная конференция, Москва. Материалы конференции. М.: 2006. – с.55-60.

70. Тутунджян А. Реструктуризация предприятия. //Маркетинг. - 2002. - №2. - с.88-101.
71. Тўхлиев Н.Т., Ҳақбердиев Қ.Қ., Эрмаматов Ш.Ж., Холматов Н.Б. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 280 б.
72. Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность: Россия и мир. 1992-2015. /Р.А. Фатхутдинов. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2005. – 606с.
73. Финансы предприятия. //Н.В.Колчина, Г.Б.Поляк, Л.П.Павлова и др.; под ред. Проф. Н.В.Колчиной. - М.: Финансы, ЮНИТИ, 1998. - 413 с.
74. Фольмут Х. Инструменты контроллинга от А до Я. //Пер. с нем. –М: «Финансы и статистика», 1993 – 128 с.
75. Чурина Л.И. Реструктуризация предприятия. Новосибирск, 2002. – 247 с.
76. Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С., Негашев Е.В. Методика финансового анализа. //3-е изд., перераб. и доп. - М.: ИНФРА-М, 2001. - 208с.
77. Экономика производства. //Под редакцией проф. Поляка А.М. - М.: МИСиС, 1997. - 240 с.
78. Экономика, организация и планирование материально–технического снабжения и сбыта. //Под ред. Н. Д. Фасоляка – 3-е изд., доп. и перераб. – М: Экономика, 2003 – 368 с
79. Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A Selected. Edited with an introduction and Notes by Kathrin Sutherland. – Oxford University Press, 1998, - 618 pp.
80. Anne O. Krueger. Trade Policy and Economic Development: How We Learn. – National Bureau of Economic Research, Working Paper 5896, January 1997, pp. 7-9.
81. Audretsch, David B. Industrial Organization and The New Industrial Policy. London, Centre for Economic Policy Research, (Discussion Paper Series), October 1998, - 51 p.
82. Brown, David, and John Early. 2000. "Privatization and Enterprise Restructuring in Russia: New Evidence from Panel Data on Industrial Enterprises". Working Paper, Russian-European Centre For Economic Policy, Moscow.
83. Djankov, Simeon, and Peter Murrell. 2000. The Determinants of Enterprise Restructuring in Transition: Assesment of the Evidence.

Washington, D.C.: World Bank.

84. Djankov, Simeon. 1999. The Restructuring of Insider Dominated Firms. *Economics of Transition* 7 (2): p.467-479

85. Fridman, Roman, and others. 1993a. *The Privatization Process Europe*. Budapest: Central European University Press.

86. Ricardo David. *The Principles of Political Economy and Taxation*. – Cambridge: Cambridge University Press, 1951.

87. Stark, David, and Laszlo Bruszt. 1998. *Postsocialist Pathways: Transforming Politics and Property in East Central Europe*. Cambridge, MA: Cambridge University Press.

88. Samuels, J.M., Wilkes, F.M. and Brayshaw, R.E. (1990) *Management of Company Finance*, Chapman and Hall, Ch. 22.

89. Wilkes, F.M. (1989) *Operational Research: Analyses and Applications*. McGraw-Hill.

90. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2006. – 97 б.

91. Ўзбекистон иқтисодиёти: Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2007 йил. Т.: 2008. – 128 б.

92. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2008. – 102 б.

93. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2008. – 145 б.

94. "Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи" ОАЖнинг йиллик ҳисоботлари.

95. "Средазцветметэнерго" ОХЖнинг йиллик ҳисоботлари.

96. www.metalnews.ru

97. www.metalloprokat.ru

98. www.nlmk.ru

99. www.severstal.ru

100. www.stat.uz

101. www.bearingpoint.uz

102. www.cer.uz

103. www.press-service.uz.

104. www.cisstat.org.

106. www.ereport.ru

«Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш заводи» ОАЖ ва унинг ҳудудий корхоналари томонидан рангли металл парчалари ва чиқиндиларини харид қилиш нархини шакллантириш тартиби тўғрисида»га Низомга мувофиқ рангли металл (қотишма) нархини аниқлаш тартиби

Металл (қотишма)нинг базис нархи:	$B = S - C - R.$ Бу ерда: S – металл (қотишма)нинг Марказий Банк алмашув курси бўйича ўзбек сўмига алмаштирилган Лондон металл биржасидаги ўртача нархи; C – металл (қотишма)ни сертификациялаш, экспертизадан ўтказиш ва транспортда ташиш харажатлари; R – рангли металл парчалари ва чиқиндиларини ишлаб чиқариш ва улардан металл (қотишма) олишга сарфланган харажатлар.
Класслар, гуруҳлар ва навлар бўйича рангли металл парчалари ва чиқиндиларининг ҳосилавий нархи:	$G = B * K.$ Бу ерда: K – қайта ҳисоблаш коэффиценти.
Рангли металл парчалари ва чиқиндиларининг шартномавий харид нархи:	$P = G - T - Z.$ Бу ерда: T – минтақавий корхоналардан қайта ишловчигача рангли металл парчалари ва чиқиндиларини транспортда ташиш харажатлари; Z – минтақавий бўлинмалар томонидан бирламчи қайта ишлашга сарфланган харажатлар.

Рангли металлдан тайёрланган маиший соҳага мўлжалланган буюмлар рўйхати

Кислотали ва ишқорли аккумуляторлар	Примуслар
Генераторлар, автомобиль ва трактор стартерлари	Стакандонлар
Ички ёнув ва дизель двигателлари блоклари	Қўл ювгичлар
Автомобиль, мотоцикл, мотороллер ва велосипед деталлари ва қисмлари	Алюминий эшиклар, деразалар рамалари ва уларнинг чиқиндилари
Автомобиль ва трактор поршенлари	Газ колонкалари деталлари
Алюминий қайиқлар	Музлатгичлар деталлари
Чангичиларнинг алюминий таёқчаси ва чанги учун мосламалар	Радиоаппаратура, телевизор, магнитофон деталлари
Антенналар	Қулфлар, ёндиргичлар, қозонлар
Алюминий спиннинг ва катушкалар	Канделябрлар, кастрюллар, калитлар
Алюминий бидонлар, флягалар ва канистралар	Керогазлар
Бра	Халқалар, кофейниклар, карнизлар
Барельефлар	Мебель халқалари
Маиший электр вентиляторлар	Тарози паллалари
Сокол олиш ускуналари	Ошхона, емакхона анжомлари ва мебель
Вазалар, ванналар, илгичлар	Котеллар
Тошлар	Сув истигич колонкалар
Готовальнялар	Колпачоклар, тубиклар, фольгалар
Газ горелкалари	Кроватлар, стол ва стуллар
Друшлаглар	Кружкалар, кўзалар, кумғонлар
Болалар ўйинчоқлари	Кранлар, қорғичлар ва вентиллар
Аквалангистларнинг нафас олиш ускуналари	Люстралар, лампалар, линейкалар
Қир ювиш машиналари ва чангютгичлар деталлари	Латунь блесналар
Маникюр буюмлари	Қайиқ моторлари
Мясорубкалар	Кофе майдалагичлар
Металл галантереялар	Мебель безаклари
Музыка буюмлари ва асбоблари	Товоклар, самоварлар, статуэткалар
Болалар ва ногиронлар коляскаларининг металл қисмлари	Ступкалар, нон қолиплари, чойнаклар
Кавшарлагич ва кавшарлагич лампалар	Маиший соатлар, тарози паллалари
Шамдонлар	Электр двигателлар
Эшик, дераза ва печ приборлари, маиший печлар	Патнислар, қулдонлар
Тоғоралар, ҳожатхона анжомлари	Газланган сувлар учун сифонлар
Фонарлар, фурнитура	Шарикли ручка ва қаламлар стерженлари ва туткичлари

Изоҳ: Электротехника (кабеллар, электр узатувчи ҳаво линиялари, алоқа линиялари), саноат (дендритлар, катализаторлар, шлаклар, қириндилар), ҳарбий соҳада, ҳосил бўлган рангли металл парчалари ва чиқиндилари, шунингдек, темир йўл ва ҳаракатдаги состав ускуналарини йиғиш таъқиқланади.

**Корхонага олиб келишга тайёр маиший рангли металл парчалари ва
чиқиндилари ҳажми**

Минтақалар	Рангли металл парчалари ва чиқиндилари ҳажми
Тошкент шаҳри	1 тоннадан кам бўлмаган миқдорда
Тошкент вилояти	5 тоннадан кам бўлмаган миқдорда
Андижон	8 тоннадан кам бўлмаган миқдорда
Наманган	8 тоннадан кам бўлмаган миқдорда
Фарғона	8 тоннадан кам бўлмаган миқдорда
Сирдарё	8 тоннадан кам бўлмаган миқдорда
Жиззах	8 тоннадан кам бўлмаган миқдорда
Самарқанд	8 тоннадан кам бўлмаган миқдорда
Қашқадарё	8 тоннадан кам бўлмаган миқдорда
Сурхондарё	8 тоннадан кам бўлмаган миқдорда
Навоий	8 тоннадан кам бўлмаган миқдорда
Бухоро	10 тоннадан кам бўлмаган миқдорда
Хоразм	10 тоннадан кам бўлмаган миқдорда
Қорақалпоғистон Республикаси	10 тоннадан кам бўлмаган миқдорда

№	Шўъба корхоналар ва минтақавий бўлинмалар номи
1.	Тошкент рангли металл парчалари, чиқиндиларини қайта ишлаш заводи
2.	“Рангметназорат” МЧЖ
3.	“Рангмет” шўъба корхонаси МЧЖ
4.	“Қорақалпоқиккиламчиранглиметалл” МЧЖ
5.	“Андижониккиламчиранглиметалл” МЧЖ
6.	“Бухороиккиламчиранглиметалл” МЧЖ
7.	“Жиззахиккиламчиранглиметалл” МЧЖ
8.	“Қашқадарёиккиламчиранглиметалл” МЧЖ
9.	“Навоийиккиламчиранглиметалл” МЧЖ
10.	“Наманганиккиламчиранглиметалл” МЧЖ
11.	“Самарқандиккиламчиранглиметалл” МЧЖ
12.	“Сирдарёиккиламчиранглиметалл” МЧЖ
13.	“Сурхондарёиккиламчиранглиметалл” МЧЖ
14.	“Тошкентиккиламчиранглиметалл” МЧЖ
15.	“Фарғонаиккиламчиранглиметалл” МЧЖ
16.	“Хоразмиккиламчиранглиметалл” МЧЖ

**"Ўзбекистон қўрақалпоғистон Республикаси"
ОАЖнинг тугатилган рангли металл
парчалари ва чиқиндиларини қабул қилиш ва тайёрлаш пунктлари
рўйхати**

№	Пунктлар
1.	“Нукусрангмет” МЧЖ, Қўрақалпоғистон Республикаси
2.	“Берунийикрангмет” МЧЖ, Қўрақалпоғистон Республикаси
3.	“Навоийикрангмет” МЧЖ, Навоий вилояти
4.	“Самарқандранглиметалл” МЧЖ, Самарқанд вилояти
5.	“Термизикрангмет” МЧЖ, Сурхондарё вилояти
6.	“Ангреникрангмет” МЧЖ, Тошкент вилояти
7.	“Олмалиқикрангмет” МЧЖ, Тошкент вилояти
8.	“Зангиотаикрангмет” МЧЖ, Тошкент вилояти
9.	“Қибрайикрангмет” МЧЖ, Тошкент вилояти
10.	“Қўқоникрангмет” МЧЖ, Фарғона вилояти
11.	“Марғилоникрангмет” МЧЖ, Фарғона вилояти
12.	“Вторцветметимпэкстрас” МЧЖ, Тошкент шаҳри

**"Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта
ишлаш заводи" ОАЖнинг филиаллари рўйхати**

T/P	Филиаллар номлари
1	Андижон филиали
2	Наманган филиали
3	Фарғона филиали
4	Кўкон филиали
5	Тошкент филиалининг Ангрен шохобчаси
6	Тошкент филиалининг Олмалиқ шохобчаси
7	Тошкент филиалининг Чирчиқ шохобчаси
8	Тошкент филиалининг Зангиота шохобчаси
9	Тошкент филиалининг Хамза шохобчаси
10	Тошкент филиалининг Юнусобод шохобчаси
11	Тошкент филиалининг Бектемир шохобчаси
12	Тошкент филиалининг Сирғали шохобчаси
13	Сирдарё филиали
14	Жиззах филиали
15	Самарқанд филиали
16	Қашқадарё филиали
17	Сурхондарё филиали
18	Навоий 1 филиали
19	Навоий 2 филиали
20	Бухоро филиали
21	Ғиждивон филиали
22	Хоразм филиали
23	Қорақалпоқ филиали